

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР НАТОҲИДА

(Ёш тарихчи олимларнинг илмий
мақолалари тўплами)



ТОШКЕНТ—«O‘ZBEKISTON»—2010

ББК 63.3(5Ў)

Ў 34

Тўпловчи, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир:
Қаҳрамон Ражабов, тарих фанлари доктори

Тақризчи:
Шухрат Эргашев, тарих фанлари номзоди

Ўзбекистон тарихининг турли даврлари ёритилган ушбу илмий тўпламдаги мақолаларнинг муаллифлари асосан республикамиздаги олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг ёш тарихчилари, шарқшунослари ва манбашунослари бўлиб, уларнинг мақолалари мавзу жиҳатидан ранг-барангдир. Тўпламда Ўзбекистон тарихининг кам ўрганилган жиҳатлари ёш тадқиқотчилар томонидан талқин қилинади. «Баркамол авлод йили» муносабати билан нашр этилган китоб Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-01-570-8

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2010

БАРКАМОЛ АВЛОД ИНТИЛИШЛАРИ

(Сўз боши ўрнида)

Ўзбекистонда бугунги кунда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Олий ўқув юртлари, коллежлар ва академик лицейларда, умумтаълим мактабларида улар замонавий усулда таълим олмоқдалар. Ёш мутахассис йигит-қизлар эса халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бизнинг келажакимиз бўлган бугунги ёшларга ғамхўрлик қилиш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2009 йил 5 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида **2010 йилни** юртимизда «**Баркамол авлод йили**» деб номлашни таклиф қилди ва бу таклиф қизгин қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ёшларнинг жамиятдаги ўрнига тўхталиш билан бир қаторда, уларни бугунги кунда турли бузғунчи ғоялар ва заҳарли таъсирлардан асраш ҳамда ғаразли хуружлардан огоҳ қилиш борасида қуйидаги фикрларни билдирди:

«Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир»¹.

¹ Каримов И. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир // «Инсон ва қонун», 2009 йил 6 декабрь.

Ўзбекистонда 2010 йил 27 январда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тасдиқланди. Дастурга биноан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишга доир бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида нашрга тайёрланган ушбу илмий тўплам мазкур Давлат дастурига асосан амалга оширилди. Тўпламдаги илмий мақолаларнинг муаллифлари ёш тарихчи, манбашунос, шарқшунос ва файласуф тадқиқотчилар бўлиб, улар бугунги кунда Ўзбекистондаги турли олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Тўпламга тартиб беришда Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларидаги баркамол авлод вакилларининг мақолалари саралаб олинди. Мазкур мақолаларнинг муаллифлари Ўзбекистон Миллий университети, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Қарши Давлат университетлари, Навоий, Кўқон, Тошкент вилояти педагогика институтлари, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети каби олий ўқув юртларининг ёш ўқитувчилари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва Шарқшунослик институтларининг аспирант ва докторантлари ҳисобланади. Тўпламга киритилган мақолалар мавзуси ҳам ранг-баранг бўлиб, улар хронологик жиҳатдан Ўзбекистон тарихининг илк ўрта асрлар давридан бошлаб бугунги мустақиллик йилларигача бўлган даврни ҳам қамраб олади.

Мазкур тўпламни чоп этишда бевосита ёрдам кўрсатган «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи раҳбариятига муаллифлар номидан чуқур миннатдорчилик билдирамыз.

*Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори*

Туркий амалдор Ўтт ва Панч ҳоқими Деваштичнинг ўзаро муросали бошқаруви

Биринчи Турк хоқонлиги даврида (551—603 й.) туркларнинг минтақадаги ўрни мустаҳкамланди. Улар бутун Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар даврида барча соҳаларида етакчилик қила бошлади. Буни илк ўрта асрларга оид суғдий ёзма ва нумизматик материаллар тасдиқлайди. Хусусан, Суғддан топилган Муғ тоғи архив ҳужжатлари бу масалани янада ойдинлаштирди.

Маълумки, VI асрнинг иккинчи ярмида Турк хоқонлиги Ўрта Осиёга кириб келиб, Эфталийлардан фарқли ўлароқ ўлка бошқарувининг ўзига хос қирраларини кузатиб борди ҳамда маъмурий-бошқарув тизимига муҳим ўзгартишлар киритди¹. Хусусан, ислоҳотчи ҳукмдор, Фарбий Турк хоқони Тўн ябғу (ҳукмронлик даври: 618—630)нинг маҳаллий маъмурий бошқарув тизимига туркий давлатчилик анъаналарини жорий этиши узоқни кўзлаган ва асосланган ислоҳот эди.

VII—VIII асрларга келиб, Суғд маркази Самарқанд ва унга тобе мулкларда суғдий ва туркий амалдорлар бошқарувининг қатъийлашуви икки қавмнинг қардошлиги, ҳамжиҳатлиги ва манфаатларига мос бўлиб, ўлкада тинчлик ва барқарорликка хизмат қилди. Биргина Самарқанд Суғди Панч вилоятидаги туркийларнинг мавқеи мисолида бу жараённинг аҳамиятини кузатиш мумкин. Жумладан, туркийлардан бўлган «Бағт (Бахт) мулки подшоси, Панч ҳоқими Чакин чур Билга Бичут ўғли» тахминан 693—708 йилларда мазкур вилоятни бошқаргани Муғ архивининг В-8 («Ярим бўлтак асксак ерни сотиш» ҳақидаги ҳужжат)да акс

¹ Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. I. — Душанбе.: Дониш, 1989. — С. 280.

этган¹. Хужжатга асосан, Чакин чур Билга Бағт (Бахт) мулки ва Панжикент шаҳрини 15 йил давомида (693—708 й.) самарали бошқарган. Бундай бошқарув амалиёти ҳам Фарбий Турк хоқонлиги, ҳам Суғд манфаатларини ифодалар эди.

Хусусан, Муғ тоғи архивида Панч вилояти ва Панжикент ҳокимлиги саройидаги амалдор аъёнларга тегишли ҳужжатлар сақланган. Ҳужжатларнинг бир қисми Панч вилоятининг иқтисодий масалалари бўйича масъули, Панч ҳокими Деваштич саройининг туркийлардан бўлган «иш юритувчиси» — фрамандар Ўтт (pḡm'nd'g 'wt)га тегишли бўлган. Бу ҳужжатлар таҳлилига кўра, «фрамандар»нинг асосий вазифаси иқтисодий масалаларни ҳал қилиш бўлган. У хусусан, Зарафшоннинг юқори оқимидаги қишлоқлар (Фатмев, Искодар, Кум, Зрунб, Мадм кабилар)дан келадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг Панч саройи омборида сақланиши ва тақсимотини назорат қилган. Баъзи ҳолларда Деваштичнинг эътирозига қарамай «фрамандар» Ўтт вазият тақозоси билан мустақил иш юритган. Бу А-18 ҳужжатида иқтисодий ночор аҳволда қолган Изровадак қишлоғи аҳли Деваштичга «фрамандар» устидан шикоят қилгани мисолида кузатилади. Деваштич Ўттга: «(Дон) берилиши зарур бўлмаганларга эса (дон) беряпсан. (Эшитишимча) сен анча бебош бўлиб кетибсан», қабилида танбеҳ берган. Шу каби ҳолатлар А-2² ва А-3 рақамли ҳужжатларда³ ҳам кузатилади. Бу ҳужжатлар Деваштич ва Ўтт муносабатларининг айрим қирраларини ҳам намоён қилади. Сиёсий ва иқтисодий ҳокимият эгалари мураса йўлини танлашган, гарчи Деваштич ҳоким бўлса-да, ўз фрамандарига юмшоқ муомала қилишга мажбур эди. Чунки Ўттнинг Панчдаги мавқеи анча баланд бўлган. Муғ архивида Ўттга тегишли ҳужжатлар орасида бошқа шахсларнинг фрамандарга юборган номалари ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳужжатлар Ўттнинг вилоят миқёсидаги нуфузини ифо-

¹ Согдийские документы с горы Муғ. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Вып. II. — М.: ИВЛ, 1962. — С. 47. (Далее СДГМ II); Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. — Тошкент.: Фан, 1992. 13-бет.

² СДГМ II. — С.136—138 (док. А-2).

³ СДГМ II. — С.138—139 (док. А-3).

далайди. Қолаверса, А-6 хужжатида¹ Ғмир — (ʁmyr) — Амир, А-1 хужжатида Апанак (ʔpʔnk) каби шахслар фрамандар Ўтга «жаноб ҳукмдор» деб мурожаат қиладилар². Б-11, Б-13, Б-15 ва Б-19 хужжатлари Эспадак (ʔspdʔkk)нинг «фрамандар» Ўтга мактублари³ бўлиб, номалар: «Жаноби ҳукмдор, буюк таянчимиз (!) фрамандар Ўтга», деб бошланади. Аввалги мактублардан фарқли ўлароқ бу номаларда «буюк таянчимиз» — RVch ʔnwth ибораси қўлланилган. Мазкур хужжатлар араб истилоси давридаги иқтисодий танглик ва сиёсий аҳволни бартараф этишда суғдий ҳоким ва туркий амалдорнинг келишиб иш юритганини кўрсатади. Баъзан «фрамандар» Ўт қишлоқлардаги аҳволни ўрганиб, ҳоким Деваштич буйруғига эътибор бермай, адолатли сиёсат юритишга ҳаракат қилган кўринади. Б-11 хужжатида кўра, Ўт қишлоқлардан келадиган маҳсулотларни қаттиқ назоратга олган бўлса, Б-15 хужжати мазмунига кўра, Ўт ўз вакили Литтпирга мурожаат этиб, қишлоқлардаги нохушликларнинг олдини олишни сўраган. Б-19 хужжатида эса, Деваштич ўз «фрамандари» Ўтга дон ва бошқа маҳсулотларни «кўздан панада» тутиш ҳақида махсус фармон берган. Бунда араб истилочиларининг Панжикентга яқинлашиб қолганлиги, маҳсулотлар душман қўлига тушмаслиги назарда тутилган эди.

Б-18 хужжати Эзравадак қишлоғи арспани Хуфарн (ʔsrpn ɣwɣm)нинг фрамандар Ўтга мактуби бўлиб, арспан (ʔsrpn)лар ўз вазифасига кўра бевосита фрамандар Ўтга бўйсунган. А-5 хужжатида сарой аъёнлари, хизматчилари рўйхати ва оладиган иш ҳақлари келтирилган⁴. Лекин улар орасида фрамандар лавозими учрамайди. Балки бу Ўтнинг асосий фаолияти шаҳар ташқарисида кечгани билан ёки рўйхат айнан Ўтнинг амри билан тузилгани билан изоҳланар. Қолаверса, Ўтга девонхонадаги дапирпат (ɔpʔuɣpt) — мирзабоши, арспан (ʔsrpn) — қишлоқ ҳокимлари ёки маҳалла бошлиқлари, апшарспан (ʔppʔsrpn) — унинг ўринбосари ва катуабашаус

¹ СДГМ II. — С. 141—142.

² СДГМ II. — С. 142.

³ СДГМ II. — С. 144—153.

⁴ СДГМ II. — С. 181—185.

(kty'βš'uws) — хонадон (оила ёки жамоа) соҳиблари — оқсоқоллар бўйсунган¹. Бу «фрамандар» Ўттинг Панжикент саройидаги ва вилоятдаги иқтисодий-ижтимоий ҳаётни ҳал қилувчи шахс бўлганлигини кўрсатади.

Келтирилган маълумотлар Суғддаги суғдий ва туркий этносларнинг умумманфаат йўлида бир ёқадан бош чиқарганлигини кўрсатади. Умуман олганда, илк ўрта асрлар давридаги турк-суғд муносабатлари серқирра бўлиб, манбалар бизга бу алоқаларнинг чуқур илдизлари борлигидан далолат беради. Суғд жамиятининг бошқарувида томонларнинг баб-баравар иштироки кўпгина тарихий масалалар, жумладан, минтақадаги этник муаммоларга ойдинлик киритади.

*Замира ИСАҚОВА,
Наманган муҳандислик-иқтисодиёт
институту*

Ал-Ҳужвирийнинг «Кашф-ул маҳжуб» асари — тасаввуф илмига оид муҳим манба

Тарихдан маълумки, IX аср бошларида Бағдод, Басра, Балх, Нишопур, Термиз шаҳарлари тасаввуф ва тариқат маркази сифатида муҳим ўрин тутган бўлса², X асрга келиб тасаввуфнинг исломга зид эмаслигини акс эттирган суфийлик қонун-қоидалари, истилоҳлари, суфийлик ҳолатларини тушунтирган асарлар ёзилдики, уни нафақат суфийлар, балки барча мусулмонлар ўқиш ва тушуниш имконига эга бўлдилар.

Абу Наср Саррож Тусийнинг «Ал-лумъа фит-тасаввуф», Абу Толиб Муҳаммад Али Атия Ҳорисий Маккийнинг «Қут ул-қулуб», Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Бухорий ал-Калободийнинг «Ат-таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф»,

¹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. — М.: Наука, 1970. — С. 98; СДГМ II. — С. 182 (док. А-5).

² Комилов Н. Комиллик тариқати. Биринчи мақола// Тафаккур, 1998. 1-сон. 64-бет.

Шайх Абулқосим Қушайрийнинг «Рисолаи Қушайрия», «Латоиф ул-ишорат», Али Ибн Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳужвирийнинг «Кашф ул-маҳжуб», Имом Абу Ҳомид Фаззолийнинг «Иҳёу улум-иддин» каби асарларида тасаввуфнинг шаръийлиги исботланиб, суфийлар ҳақидаги турли шубҳалар бартараф этилган ҳамда суфийлик мактабларининг таълимотлари, ўша давргача бўлган суфийлик шайхларининг ҳаёт-фаолияти, ҳикматли сўзлари, силсиласи, ҳақ ва ботил тариқатлар тасниф этилган.

Манбаларда келтирилишича, Али Ибн Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳужвирий Афғонистоннинг Фазна шаҳрида ҳижрий 421 (милодий 1030) йилда туғилган. Унинг вафоти ҳижрий 465 (милодий 1072—1073) йилга тўғри келади¹.

Ҳужвирийнинг «Кашф ул-маҳжуб» асари ўша даврда сохта суфийларнинг кўпайиши, халқ орасида турли бидъат ва хурофотларнинг ёйилиши, шаръий амалларни бажармаслик ҳақида ташвиқларни рад этиб, тасаввуфий ҳаётни ботил қараш ва бидъатлардан тозалаш учун қалқон вазифасини ўтаган, дейиш мумкинки, халқ суфийларни кўрса, улардан қочган, улардан очиқ-ошқора нафратланган, ҳақоратли сўзлар билан қарши олган, уларнинг хатти-ҳаракати ва ҳолатларини тушунмасдан, ҳаттоки ўз шаҳарларидан ҳайдашган. Мазкур асар ихтилоф ва тушунмовчиликларни бартараф этиб, тасаввуфнинг ислом динининг ажралмас бир қисми эканлигини исботлаган.

Алишер Навоий «Насойим-ул муҳаббат» асарида келтирган воқеаларни «Кашф-ул маҳжуб»дан олган. Ал-Ҳужвирийнинг «Кашф-ул маҳжуб» китобига бўлган эҳтиром ва ҳурматдан кўринадики, асар салмоқли илмий салоҳиятга эга бўлган.

Суфийлик тариқатлари ҳақидаги ишонарли маълумотлар «Кашф ул-маҳжуб» асарида илк бора тасниф этилгани диққатга сазовордир. Чунки ал-Ҳужвирийга қадар маломатийлик тариқати ҳақидагина эслатилган, холос. Шу билан

¹ *Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири*. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-мажжуб ли арбаб аль-кулуб). Перевод с английского А. Орлова. Издание первое. — М.: Единство, 2004. — С. 14.

бирга, Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарида баъзи суфийлик тариқатлари ҳақида қисқа ҳаволалар бериш билан чекланилган. Ал-Ҳужвирий илк давр суфийлик тариқатларини ўн иккита¹ деб эътироф этиб, уларнинг ўнтасини маъқуллаган ва иккитасини танқид қилган.

Машҳур суфийлар атрофида шакланган илк суфийлик мактаблари ўзининг мужоҳада ва мушоҳада усули билан бир-биридан ажралиб турган. Жумладан, муҳосибийлик тариқати (Басра ва Бағдод шайхларининг пири Ҳорис Муҳосибий асос солган) тасаввуфдаги «ризо», «таваккул» ва «ҳол» мавзусига эътибор қаратган. Ҳорис Муҳосибий фикрича, тасаввуфнинг мақсади инсоннинг руҳий камолотидир.

Қассорийлик тариқати (Нишопур шайхларининг пири Ҳамдун Қассор (ваф. 271/884 й.) асос солган) «маломат» йўлини кенг тарғиб этган ва кейинчалик маломатийлик суфийлик оқимининг вужудга келишига замин бўлган. Тайфурийлик тариқати (Боязид Бистомий (ваф. 261/874 й.) тасаввуф тарихида интуитив билиш назариясининг асосчиси ҳисобланади) тасаввуфдаги «ғалабот» ва «сукр» (сархушлик) йўлидан борган бўлса, жунайдийлик тариқати (бағдодлик Жунайд Бағдодий (ваф. 297/909 й.) асос солган) тасаввуфда «сахв» (хушёрлик) концепциясини илгари сурган ва кейинчалик вужудга келган тариқатларга кучли таъсир кўрсатган. Жунайд Бағдодий тасаввуф таълимотида рационал билиш назариясига асос солган ҳамда уни назарий-илмий қарашлар билан бойитган.

Нурийлик тариқати (Абулҳусайн Нурий (ваф. 295/907 й.) асос солган) тасаввуфда «фақр», «исор» (бошқаларни ўзидан афзал деб билиш) ва суҳбат йўлидан борган, узлатни ёқламаган бўлса, сахлийлик тариқати (Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (ваф. 283/896 й.) асос солган) «нафс», «мужоҳада», «риёзат» ва «ботинни поклаш»га эътибор қаратган.

Ҳакимийлик тариқати (Ҳаким ат-Термизий (ваф. 296/908 й.) тариқат назариятчиси бўлган) «валийлик», «каромат» масалаларини таҳлил этган ва тасаввуф таълимотига фалсафанинг кириб келишига замин яратган. Алишер Навоий Ҳаким ат-Термизийни иккинчи табақа, яъни орифлик даври суфий-

¹ *Аль-Ҳуджвири*. Раскрытие скрытого. – С. 170–259.

лари қаторида зикр этган. Ҳақимийлик дастлаб зоҳидлар, дарвеш, қаландарлар йиғини давраси, мажлиси тарзида ташкил топган¹.

Харрозийлик тариқати (Абу Саид Харроз (ваф. 286/899 й.) асос солган) «фано» ва «бақо» мавзуларига эътибор қаратган. Абу Саид Харроз банданинг Ҳаққа бандачилигини «Ани тиламак била топса бўлмас, аммо тилаган топар ва топмагунча тиламас»², деб изоҳлаган.

Хафифийлик тариқати (Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий ваф. 331/942 й.) асос солган) «ғайбат» ва «хузур» масалаларини, сайёрийлик тариқати (марвлик имом Абулаббос Сайёрий (ваф. 342/953 й.) асос солган) эса «жамъ» ва «тафриқа», «тавҳид маърифати» масалаларини таҳлил этганлар. Абулаббос Сайёрий тавҳидни қалбда Аллоҳдан ўзганинг ёди бўлмаслигидир³ деб изоҳлайди. Шунингдек, ўша давр нуқтаи назаридан ботил дейилган ҳулулийлик ва ҳалложийлик тасаввуфий мактаблари мавжуд бўлган⁴. Дамашқлик Абу Хулмон (ваф. 329/950 й.) тавҳидда шу даражага етганки, оқибатда йўлдан адашиб, «хулул», яъни бу дунёдаги гўзалликнинг ҳар қандай кўриниши Аллоҳнинг тимсолидир, деб Аллоҳни муайян нарсалар ва шахсларга ўхшатиб, шариат амалларига беписандлик билан қараган.

Тасаввуфнинг тарихий ривожланишида юқорида зикр этилган тасаввуф мактабларининг таъсири кучли бўлган. Тасаввуф мактаблари ақл, ахлоқ, фаолият манбаи, шунингдек, инсонийликни белгиловчи мезон сифатида қабул қилина бошлаган. Уларнинг ягона мақсади Аллоҳни билиш ва танишни, Аллоҳ васлига яқинлашишни тарғиб этиш, инсон ахлоқини поклаш йўллариини излаш ва такомиллаштириш бўлган. Тасаввуфнинг тарихий ривожланишида юқорида зикр этилган тасаввуф мактабларининг таъсири кучли бўлган. Мовароуннаҳрга тасаввуф ҳақимийлик,

¹ *Омонтурдиев Ж.* Ал-Ҳақим ат-Термизий таълимоти. – Т.: Университет, 2000. 40-бет.

² *Алишер Навоий.* Насойим ул-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С. Фаниева, М. Мирзааҳмедова. – Т.: Фан, 2001. 58-бет.

³ *Алишер Навоий.* Насойим ул-муҳаббат. 102-бет.

⁴ *Аль-Худжвири.* Раскрытие скрытого. – С. 157.

кейинчалик сайёрийлик тариқати орқали кенг тарқалган. Фарғоналик шайх Абу Бакр Воситий Жунайд Бағдодийнинг мўътадиллик ва ҳушёрлик концепциясини ривожлантирган бўлса, Хуросон тасаввуфи орқали маломатийлик ва жавонмардлик ғоялари суқр ва саҳв йўналишлари билан уйғунлашиб кириб келган ва шу тариқа тасаввуф назарий ва амалий жиҳатдан шаклланган.

*Севинч УЛАШОВА,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик
институту*

XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда этник жараёнлар

XIII аср Туркистон минтақаси, хусусан, Мовароуннаҳрнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этник тарихида муҳим давр ҳисобланади. XIII асрнинг биринчи чораги охирларида Мовароуннаҳрда воқе бўлган оламшумул фожиавий воқеалар ва бу урушнинг Осиё ва Европа халқларига қандай балолар ёғдиргани маълум. XIII аср воқеалари Мовароуннаҳрнинг нафақат сиёсий ҳаётига, балки этник жараёнларга ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди.

XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр аҳолисини турғун яшовчи туркий ва суғдий халқлардан бошқа яна ўзбек халқининг этногенезида фаол қатнашган этник гуруҳлар ташкил қиларди. Улар *қарлуқ, чигил, яғмо, қанғли, арғу (арғин, орғун), тухси, сариқ (сари, шари), нушиби, уз, аз, дуғлат, усун* ва бошқа этник гуруҳлар эди. Улар орасида энг катта этник гуруҳлардан бири — *қарлуқлар* бўлиб, улар *мўғуллар* босқини арафасида асосан, Еттисув, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисми ва Фарғона водийси худудларида яшардилар. *Яғмо, чигил, халаж* каби этнослар *қарлуқлар* билан ёнма-ён яшайдиган этник гуруҳлар ҳисобланади. Мазкур даврдаги йирик этник гуруҳлардан яна бири — *қанғлилар* ҳисобланиб, мўғуллар истилосига қадар Хоразмда *қанғлилардан* тузилган қўшиннинг сони 90 минг кишини ташкил этгани ҳақида маълумотлар

мавжуд¹. Шунингдек, мазкур даврда Зарафшон водийсида ҳам кўплаб *қанғил*лар яшарди². Мўғуллар кириб келгунига қадар биргина Самарқанд шаҳрида 30 минг *қанғил* яшаган³.

Мовароуннаҳрнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган йирик этник гуруҳлардан бири *қипчоқ*лар эди. *Қипчоқ*лар билан Хоразмшоҳ Такаш ўртасида яқин қариндошлик алоқалари ўрнатилган эди. Шундай бўлса ҳам, *қипчоқ*ларнинг асосий қисми Айир-Тукихон бошчилигида Хоразмшоҳлар билан курашиб келган⁴. *Қипчоқ*лар Такашдан олдинги ва кейинги Хоразмшоҳлар даврида ҳам мамлакат учун катта ҳавф туғдирар эди. Хоразмшоҳ Муҳаммад Чингизхонга қарши курашга тайёрланаётганда *қипчоқ*ларнинг бош кўтаришидан қўрқиб, қўшинни бир жойга тўпламайди.

XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрнинг қишлоқ аҳолиси асосан турғун яшовчи *туркий ўзбек* ва *қисман тожик* халқларидан иборат бўлган. Мовароуннаҳрга мўғуллар истилосига қадар кўчиб келган кўчманчи этнослар бир неча йиллар давомида (ярим кўчманчилик ва ярим ўтроқликка хос анъанавий ҳаётларини давом эттириб) қабила ва уруғларга бўлиниш тартибини сақлаб қоладилар. Уруғ ўз навбатида бир қанча катта ва кичик оилалардан ташкил топган. Қавм-қариндошлик гуруҳлари бир ёки бир неча овулдан ташкил топган. Уруғчилик муносабатлари ҳамма вақт ҳам бир хилда, бир тартибда сақланиб қолмаган. Тартиб баъзан бузилиб, айрим этник гуруҳлар қабила ва уруғ таркибидан чиқиб, бошқа қабила ва уруғларга қўшилиб кетганлар. Мовароуннаҳрга кўчиб келган этник гуруҳлар билан турғун аҳоли ўртасидаги фарқ сезиларли бўлган. Қабилаларнинг моддий ҳаётида, ҳўжалигида ва турмуш тарзида ўтмишдаги кўчманчилик асоратлари сақланиб қолган. Улар ислом динини қабул қилган бўлсалар ҳам, лекин исломгача бўлган диний эътиқод излари ҳанузгача сезиларли даражада мавжуд эди.

¹ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. Т. I, кн. 2, М. – Л., 1952. – С. 214.

² Веселовский Н. Лекция по истории Востока. СПб. 1896. – С. 24.

³ Оссон Д. Истории монголов от Чингизхана до Тамерлана. Иркутск, 1937. – С. 145.

⁴ Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. Т. 2. М. – Л., 1941. – С. 44.

Мовароуннаҳрнинг турғун яшовчи *туркий ўзбек* ва *тожик* аҳолиси билан ёнма-ён яшаб келган халқлардан бири *араблар* эди. *Араблар* узоқ вақтгача ён қўшнилари билан аралашмасдан келганлар. Уларнинг Мовароуннаҳр ҳудудига кириб келиш жараёни араблар босқини даврига тўғри келса, *арабларнинг* маҳаллий аҳоли билан бироз яқинлашиш жараёни Фарбий Қорахонийлар даврига тўғри келади. XI—XII асрлар давомида уларнинг анъанавий тартиблари бузилиб, *ўзбек* ва *тожик* этнослари билан яқинлашиб, талай қисми улар билан аралашиб кетади. *Ўзбеклар* зич яшайдиган ҳудудларда *араблар ўзбеклар* билан, *тожиклар* зич яшайдиган минтақаларда эса *тожиклар* билан яқинлаша бошлайди. Мазкур даврда Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда яшовчи халқлар турли-туман бўлса ҳам, этномаданий жараёнлар таъсирида умумийликка эга эди.

Бу пайтга келиб, Ила дарёси соҳилларида яшовчи *найманлар* кучайиб, Кучлукхон бошчилигида *қорахитойлар* давлати харобаларида янги *Найман* давлатини¹ ташкил этишган эди. *Найманларнинг* Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшовчи *қоракидан*, *қипчоқ*, *қарлуқ*, *қанғли* ва бошқа туркий қабилаларнинг устига ҳарбий юриш қилиши, қипчоқ ва қанғли қабиласи сардорларининг ёрдам сўраб Чингизхонга мурожаат қилишига сабаб бўлади². Бу эса Чингизхон учун айни муддао эди. «Ўтрор воқеаси» эса икки ўртадаги урушнинг тезлашишига хизмат қилади ва Муҳаммад Хоразмшоҳ бу урушнинг келиб чиқишида асосий айбдорга айланади³.

1221 йилнинг ёз ва кузида Балх, Термиз, Марв, Нишопур, Хирот ва бошқа ҳудудлар босиб олинганидан сўнг, мазкур шаҳарларнинг қарийб бутун аҳолиси йўқ қилинди. Бу эса Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда аҳолининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Минтақа аҳолиси ярим аср давомида ҳам аввалги ҳолатини тиклай олмади.

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. —Т.: «Шарқ», 2001. 382-бет.

² Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. —Т.: 2007. 253-бет.

³ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. —Т.: «Чўлпон», 1994. 122—146-бетлар.

Жон сақлаб қолган оз сонли аҳоли ўз таркибига кўра, асосан турғун бўлиб, улар таркиби деярли ўзгармай сақланиб қолди. Воҳалар атрофида кўчиб юрган чорвадорлар сони эса кескин камайиб кетди. Уларнинг аксарияти чорвасидан ажралиб, шаҳар ва қишлоқларга иш излаб келишиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўтроқлашиб кетдилар. Манбаларда таъкидланишича, улар ўз этник номларини ҳам унутиш даражасига етиб бордилар. *Мўғуллар* босқинидан кейин анча вақтгача Мовароуннаҳрга янги этносларнинг кириб келиш жараёни тўхтаган.

XIII асрнинг 20—30-йилларида Ўрта Осиё худудига *жалойир, барлос, арлот, қавчин* каби йирик *турк-мўғул* қабилалари кириб келиб жойлашди. *Жалойирлар* Бухоро, Кармана воҳалари, Ангрен ҳавзаси ва Хўжанд атрофида, *барлослар* Кеш воҳасига, *қавчинлар* Фарғона водийси ва Гузор атрофларига, *арлотлар* эса Термиз атрофлари ҳамда Балх ва Мозори Шарифга келиб ўрнашишди. Уларнинг кейинги авлодлари ҳозирда ҳам мазкур минтақада яшаб келишмоқда.

Мазкур тўрт йирик қабиладан сўнг, Мовароуннаҳрга *олчин, дуғлат, сулдуз, уйрот, баҳрин, маркит, қўнғирот* каби яна кўплаб *турк* ва *туркклашган мўғул* қабилалари кириб келишди. Улар XIV аср ўрталарига келиб маҳаллий аҳолига аралашиб кетишганидан туркий тилда сўзлаша бошлашди¹. Ибн Батутанинг маълумот беришича, мўғул хонлари — Кебекхон ва Тармаширинлар турк тилида эркин сўзлашганлар². Бу даврга келиб Мовароуннаҳрга кириб келган барча мўғул қабилалари туркклашиб улгурган эди.

Хулоса қилиб айтганда, XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги этник жараёнлар ана шундай мураккаб бир аҳволда эди. Мўғулларнинг ҳужуми натижасида мамлакатда асрлар давомида ривожланиб келаётган деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти издан чиқарилди. Мамлакат аҳолисининг аксарият қисми *мўғуллар* то-

¹ Греков Б.Д. Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. М. —Л., 1950. —С. 279.

² Ибрагимов Н. Ибн Батута и его путешествие по Средней Азии. М.: 1988. —С. 84, 86.

монидан қириб юборилиши натижасида тургун аҳолининг этник таркиби кескин камайиб кетди ва ўз ҳолатини анча вақтгача қайта тиклай олмади. Мазкур даврда мўғуллар билан бирга минтақага кириб келган *турк* ва *турклашган мўғул* қабилаларининг Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларига ўрнашиши ҳам маҳаллий аҳолининг этник таркибини бутунлай ўзгартира олмади. Улар кескин даражада камайиб кетган маҳаллий аҳоли таркибини биров бойитди, холос.

*Эркин ЗОИРОВ,
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат
технологияси институти*

Махдуми Аъзам шажараси ҳақидаги маълумотлар

Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказди. Мовароуннаҳр жаҳон цивилизациясига, жумладан, илм-фан ва маънавият, фалсафа, дин, санъат тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк сиймолар, даҳо алломаларни етиштириб берган маданий макон ҳисобланади. Шундай сиймолардан бири нақшбандия тариқатининг назариётчиларидан Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Косонийдир.

Маълумотларга кўра, Саййид Аҳмад ҳижрий 866 йил, милодий 1461 йилда Фарғона водийсининг Косон шаҳрида Саййид Жалолиддин ибн Жамолиддин оиласида дунёга келади¹.

Улуғ зотнинг ота-оналари Муҳаммад алайҳиссалом авлодларидан бўлиб, бу тўғрида кўплаб тарихий манбалар, қабр тошлари ва тарихий обидаларнинг пештоқларида кошиний қилиб ёзилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, насабнома ва шажара масаласида Ўрта Осиёда

¹ *Жабборов Н.* Махдуми Аъзам Даҳбедий. – Т.: 1993. 6-бет. Жуманазаров А. Хилват аҳли. – Т.: 2004. 48-бет.

шажаралари энг кўп қайд этилган ва ёзилган табақа Саййид Аҳмад Косонийлар авлодидир. Жумладан, «Равойихул қудс», «Силсилат ус-сиддиқийн ва анис ул-ошиқийн», «Жомеъ-ул-мақомот», «Тазкираи азизон» асарлари ва бошқа манбаларда¹ мутасаввуфнинг 22 пуштан сўнг пайғамбаримизга авлод бўлиши зикр қилинади.

Фанда шажара, силсила, насабнома каби талаффузи турлича, зоҳирий мазмуни ҳам бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган сўзлар мавжуд. Аммо кишилиқ жамиятининг тарихий ривожланиши жараёнида улар ўзаро яқинлашиб, мазмунида муштараклик хусусиятлари пайдо бўлди. Бу учала сўз ҳам арабийдир. Шажара — ўзбек тилида дарахт, силсила — занжир маъноларини англатади. Насабнома эса арабий ва форсий сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган. Яъни, насаб — наслий келиб чиқишини ифодаласа, нома — битик мазмуни билдиради.

Уларнинг тарихий ривожланиш жараёнидаги умумий мазмуни — бирорта сулола ё ижтимоий ҳаётдаги бирор мактабнинг муайян давр оралиғидаги давомийлигини англатишидир. Бу борада уларнинг маъноси ўзаро яқин бўлса-да, ушбу мазмунни ифодалаш даражаси турличадир.

Шажара — асосан ҳукмдор, саййидлар (Расулуллоҳ авлодлари) ё машҳур тарихий шахсларнинг наслий келиб чиқишини кўрсатади. У айрим ҳолларда алоҳида ҳужжат шаклида мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Насл-насабнинг бу хилда ифода этилишини алломалар дарахтга (шажарага) ўхшатишган.

Маҳдуми Аъзамнинг шажараси Даҳбеддаги қабр тоши ва тарихий обиданинг пештоқига қошиқий қилиб ёзилган бўлиб, уларни Маҳдуми Аъзам авлодларидан К.Каттаев билан биргаликда кўчириб олдик ва таҳлил этдик. Шажаранинг қай даражада ишончли эканини аниқлаш мақсадида яна бир қанча қўшимча тарихий манбалар билан қиёслаб

¹Қаранг: Насириддин Ҳусайни Бухорий. Тухфатул-зоърийн. Бухоро музейи. 61—66-бетлар; Абдул Ҳокими Самарқандий. Қандия // Тарж. Каттаев К. — Самарқанд.: Сўғдиёна, 1994. 85-бет; Муҳаммад Қози. Силсилат ул-ориқийн. Қўлёзма. ЎЗР ФАШИ. № 11413.

ўрганганимизда «Тухфатул ансоб»¹ асаридаги маълумот тўғрилиги ўз тасдиғини топди.

Нодир манба ҳисобланган «Равойихул-қудс»нинг «Махдуми Аъзам» бобида ушбу маълумотлар берилган: «Номи мубораки Эшон Саййид Аҳмади Косонист ва ба Мавлоно Хожагий Махдуми Аъзами Даҳбедий иштихори доранд ва нисбати шарифий нафиси Эшон ба Хазрати Шайх Бурхониддин Қилич қадасоллоҳу сира мерасад ва гавҳари насли асили Эшон аз садафи косирул — шарафи шаҳиди Дашти Карбало — Абу Абдуллоҳ имом Ҳусайн разиоллоҳу анҳу маъбад ва мепайванд...»² (Мазмуни: «Ул зотнинг муборак номлари Саййид Аҳмад Косоний бўлиб, Мавлоно Хожаги Махдуми Аъзам исми ила машҳурдирлар ва Хазратнинг нафису шарафли нисбатлари Шайх Бурхониддин Қиличга бориб, ул зотнинг асл насаб гавҳари эса Карбало Даштининг шаҳиди Абу Абдуллоҳ имом Ҳусайн (яъни, Пайғамбар набиралари) разиоллоҳнинг шарафли садафига етади».)

Профессор Н. Веселовскийнинг «Дагбед» номли мақола-ласида ҳам Махдуми Аъзамнинг қабртошларидан кўчирилган тўлиқ шажараси келтирилган.

Махдуми Аъзам шажарасини аниқлаш бўйича айрим тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Жўрахон Авлиёхон, К. Каттаев³, Б. Тўраев⁴, Н. Жабборов, А. Жуманазаровлар⁵ асарларидан баъзи маълумотларни олиш мумкин. Айрим муаллифлар чоп эттирган тадқиқотларда Махдуми Аъзам ҳазратлари «Абдуллоҳ Аъражнинг авлоди» деб хатоликка йўл қўйганлар.

¹ Абдурахим Ҳисорий. Тухфатул ансоб. Ўз Р ФАШИ, № 9652. — 199а.


² Мақсуд ибн Носириддин Бухорий. Равойихул қудс. Каттахонхўжа Даҳбедий шахсий кутубхонасидан.

³ Қаранг: Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. — Самарқанд: Сўғдиёна. 1994. 9-бет.

⁴ Қаранг: Тўраев Б., Мухаммаджонова Ф. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Махдуми Аъзам. — Т.: Наврўз, 1995.

⁵ Қаранг: Жуманазаров А. Хилват аҳли. — Т.: 2004. 49-бет.

Махдуми Аъзамнинг Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га
етадиган тўлиқ шажараси қуйидагича¹:



¹ Абдурахмон Ҳисорӣ. Тухфатул ансоб. ЎзР ФАШИ. № 9652. – 199а.

Муҳаммад Толиб ва унинг «Матлаб ут-толибин» асари

Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайний ас-Сиддиқийнинг форс тилидаги «Матлаб ут-толибин» («Толиблар матлаби») асари тахминан 1673 йилда ёзиб тугатилган. Асар XVI—XVII асрларда Бухоро хонлигининг сиёсий, диний ва иқтисодий ҳаётида юқори мавқега эга бўлган машҳур Жўйбор шайхлари ёки хожалари хонадонининг бир неча авлоди фаолиятига бағишланган. Муаллиф ўзи ҳам ушбу хонадонга мансуб бўлгани туфайли, Жўйбор хожаларининг ҳаёт тарзи, молу мулклари, муридлари ва хизматкорлари, қурдирган иморатлари ҳамда Бухоро хонлари ва баъзи хорижий ўлкалар ҳукмдорлари билан муносабатлари ҳақида муфассал маълумотлар беради. Асарда ўша даврлар бошқарув тизими ва хўжалик ҳаётига оид қатор атамалар кенг қўлланган.

Муаллиф ва асарнинг ёзилишига оид аксар маълумотлар «Матлаб ут-толибин»нинг ўзида учрайди. 1056 йил 21 рамазон/1646 йил 30 октябрда отаси Тожиддин Ҳасанхожа вафот этганида Муҳаммад Толиб ўттиз тўққиз ёшида бўлган¹. Демак, у 1017/1608—1609 йилда туғилган.

Жўйбор шайхлари хонадониди фарзандлар таълим-тарбиясига катта эътибор берилган. Муҳаммад Толиб ўз устозлари қаторида Мулла Камолиддин, Ҳожи Аваз ва Охунд Мулла Боқиларни зикр қилади². У мустақил равишда ҳам китоблар мутолааси билан кўп шуғулланган. Унинг отаси Тожиддин Ҳасанхожанинг кутубхонасида турли соҳаларга оид минг жилдан ортиқ китоблар сақланган³.

¹ *Муҳаммад Толиб*. Матлаб ут-толибин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 9270, в. 225^b. (Бундан кейин мазкур қўлёзмага ҳавола қилинганда қисқача «Матлаб ут-толибин» тарзида келтирилади).

² Матлаб ут-толибин. в. 134^{ab}.

³ Матлаб ут-толибин, в. 131^a.

Муҳаммад Толиб, айниқса, тарих илмини чуқур эгаллаган.

Муҳаммад Толиб ёшлигидан отасининг бошқа вилоятларга қилган айрим сафарларида ҳамроҳ бўлган. Масалан, унинг ўн етти ёшида отаси билан бирга Балх вилоятига сафар қилгани маълум¹. Муаллифнинг бу сафарларда ўз кўзи билан кўрганлари кейинчалик «Матлаб ут-толибин» асарини ёзиш жараёнида қимматли материал сифатида асқотган.

«Матлаб ут-толибин» қисқача муқаддима ва саккиз бобдан иборат. Муқаддимада муаллиф асарнинг манбалари ва ёзилиши ҳақида умумий маълумот беради. Унинг хабар қилишича, отаси Жўйбор хожалари насабномаларини замон подшоҳлари ва амирларига кўрсатиш учун йиғдирган. Шунингдек, бобоси ва отасининг баъзи ёронлари ушбу хонадон аҳли мақомотларига бағишлаб китоб ва рисоалар битишган. Муҳаммад Толиб ҳам мавжуд китоблар ва ўз кўрганлари асосида айна мавзуда янги бир китоб тартиб беришга қарор қилади.

«Матлаб ут-толибин»нинг биринчи бобида Хожагон-Нақшбандия тариқатининг йирик шайхлари силсиласи то муаллифнинг катта бобоси Хожа Муҳаммад Ислому Жўйборийнинг пири Жалолиддин Аҳмаду Хожагий Косонийгача баён қилинади. Муҳаммад Толиб асарнинг иккинчи бобида ўз аجدодлари шажарасини пайғамбар алайҳиссаломнинг набираси имом Ҳусайндан бошлаб келтиради ҳамда илк бор Бухорога кўчиб келган ва бу ерда таваллуд топган аجدодлари ҳақида маълумот беради.

«Матлаб ут-толибин»нинг навбатдаги бобларининг ҳар бири Жўйбор шайхлари хонадонига мансуб алоҳида бир шахснинг фаолиятига бағишланган. Ўн икки фаслдан иборат учинчи боб Фахриддин Муҳаммад Ислому, ўн бир фаслдан иборат тўртинчи боб Носириддин Хожа Саъд, ўн уч фаслдан иборат бешинчи боб Тожиддин Ҳасанхожа, олти фаслдан иборат олтинчи боб Абдурахимхожа, беш фаслдан иборат еттинчи боб Абдихожа ва тўрт фаслдан иборат саккизинчи боб Муҳаммад Юсуфхожа ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар беради.

¹ Матлаб ут-толибин, в. 162^а.

Маноқиб жанридаги бошқа асарлар каби «Матлаб ут-толибин»даги шайхлар ҳаёти, айниқса, уларнинг кароматлари ҳақидаги нақлларнинг муайян қисми ривоятларга асосланган бўлиб, афсонавий тусладир. Бироқ бир қатор нақллар ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеликни акс эттиради ва қисман бошқа манбалар маълумотлари орқали тасдиқланади. «Матлаб ут-толибин» асари Жўйбор хожалар хонадони қачон кучайиб, мамлакатда юксак диний, сиёсий ва иқтисодий мавқени эгаллаганини кузатиш имконини беради. Бу юксалиш, шубҳасиз, Хожа Муҳаммад Ислон Жўйборий даврида, унинг саъй-ҳаракатлари натижасида рўй берган. Шу пайтгача мазкур хожалар хонадонига қарашли ер-мулклар асосан Бухоро атрофидаги Сумитан ва Жўйбор мавзелари билан чекланган бўлса, Муҳаммад Ислоннинг мол-мулклари тинимсиз равишда оша бориб, мамлакатнинг деярли барча вилоятларида унга қарашли ер-мулк, қўй сурувлари, йилқи, ов қушлари ва ҳоказолар пайдо бўлади. Албатта, Жўйбор хожалари хонадонининг мавқеи мисли кўрилмаган тарзда юксалиши Хожа Муҳаммад Ислоннинг мамлакатда шайбоний шаҳзодалар ўртасида тожу тахт ва вилоятлар учун кураш кетаётган бир даврда сиёсий ҳаётга фаол аралашуви ва бу жабҳада маълум муваффақиятларга эришуви билан боғлиқдир. Муҳаммад Ислон шайбонийзодалар орасида ўз ғайрати ва шижоати билан ажралиб турадиган Абдуллахонни (ҳукмронлик даври: 991/1583—1006/1598) қўллаб-қувватлайди ва ўз навбатида Абдуллахон II ҳам унга ҳомийлик қилади¹.

Муҳаммад Ислон ўз ўғли Хожа Саъдга катта мерос қолдиради. «Матлаб ут-толибин»да Хожа Саъднинг мол-мулки Муҳаммад Ислонникидан ҳам зиёдароқ таърифланади². Муаллиф Жўйбор хожаларнинг зироаткорлик соҳасидаги фаолиятини баъзан насрда, баъзан эса назмий тарзда таъриф тавсиф қилар экан, Хожа Саъдга бағишланган маснавийда жумладан, шундай деб ёзади:

¹ Отаси Искандархон ҳукмронлиги даврида (968/1560—991/1583) ҳам реал ҳокимият Абдуллахон қўлида бўлган.

² Матлаб ут-толибин, в. 90^{аб}.

*Мовароуннаҳрда шундай экинлар етиштирдики,
Саккиз жаннат тўққизта бўлди*¹.

Айтиш мумкинки, «Матлаб ут-толибин» гарчанд агио-
график жанрдаги асар бўлса-да, унда тасаввуфга оид маъ-
лумотлар билан бирга, хўжалик ҳаёти, иқтисодиёт, элчилик
алоқаларига оид хабарлар ҳам бисёрдир. Хожа Саъд ҳақидаги
бобда унга турли ўлкалар подшоҳ ва ҳокимларидан мингга
яқин мактуб келганлиги таъкидланади. Баъзи мактублар
матни тўлиқ ҳолида келтирилган. Бадахшон ва Ҳирот
вилоятлари забт этилгач, Абдуллахоннинг Хожа Саъдга
юборган мактублари шулар жумласидандир².

Юқоридагилардан кўринадики, «Матлаб ут-толибин»
Марказий Осиёнинг XVI—XVII асрлардаги тарихига доир
бирламчи ва ноёб манбалар сирасига киради. Унинг ўзбек
тилига таржимасининг илмий-изоҳли нашрини амалга
ошириш шарқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифа-
лардан биридир.

*Шерзодхон МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ФА Тарих институти*

Кўқон хони Шоҳруҳбий хусусидаги маълумотлар

Кўқон хонлигининг ташкил топишида минг уругининг
муҳим ўрин тутганлиги, унинг дастлабки вакиллари
хусусида илмий тадқиқотларда ҳам, қўлёзма манбаларда
ҳам турлича қарашлар мавжуд. Бу ўринда Фарғонада янги
ташкил топган давлатнинг дастлабки ҳукмдори Шоҳруҳбий
(ҳукмронлик даври: 1709—1721) ҳақидаги малумотлар
диққатга сазовордир. Унинг туғилган йили тўғрисида аниқ
маълумотлар йўқ. Шоҳруҳбийнинг таваллудини тадқиқотчи
олим Я. Дадабоев тахминан 1669—1670 йилларга тўғри
келади деб эътироф этади. Манбалардаги маълумотларга

¹ Матлаб ут-толибин, в. 91^a.

² Матлаб ут-толибин, в. 98^{ab}.

кўра Шоҳруҳбий Қўқоннинг Кўк тўнлик ота мавзейида ўрда барпо қилдирган.

Илмий адабиётларда Фарғонада давлат тепасига келган минг уруғи вакили Шоҳруҳбий Қўқон хонлигининг биринчи ҳукмдори сифатида талқин этилади¹. XIX асрга оид асарлар муаллифлари эса бу масалани турлича ёритадилар. Хусусан, Қўқон хонлиги тарихи бўйича асосий манбалардан бири саналган Муҳаммад Ҳақимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» асарида Қўқоннинг биринчи ҳукмдори Шоҳруҳбийнинг ўғли Абдурахимбий эканлигига ишора қилинган маълумот мавжуд. Асарда унинг исми Абдурахимбий эмас Раҳимхон тарзида қайд қилиниб, ҳокимиятни ўз қўлига киритиши қуйидагича баён қилинади: Муаррихнинг ёзишича, юз уруғидан бўлган Оқбўтабий XVIII асрнинг 20-йилларида Хўжандда ҳоким эди. Оқбўтабий Шоҳруҳбийнинг қизига (Абдурахимбийнинг синглисига) уйланган бўлиб, у қайноғаси бўлган Абдурахимбийни Хўжандга олиб бориб маъмурий бошқарув ишларида уни ўзига ёрдамчи қилиб олади. Оқбўтабий ҳукумат ишларини Абдурахимбийга топшириб, ўзи айш-ишратга берилади. Асарда баён қилинишича, бу ҳолатдан норози Хўжанднинг юқори мартабага эга бўлган мансабдорлари Оқбўтабийдан юз ўгириб, Абдурахимбийга итоат қилишади². Бундай вазиятдан Абдурахимбий унумли фойдаланган кўринади. Тез орада Оқбўтабий ва унинг икки фарзанди қатл қилинганидан сўнг Абдурахимбий Хўжанднинг тўлиқ ҳокимига айланади. «Мунтахаб ат-таворих»даги бу маълумотлар, Абдурахимбийга ҳукмдорлик Қўқоннинг биринчи ҳукмдори отаси Шоҳруҳбийдан бевосита қолганлиги тўғрисидаги тарихий фактларга зид келади.

Қўқоннинг биринчи ҳукмдори хусусида Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин...» асарида «Мунтахаб ат-таворих»дан фарқ қилувчи маълумотлар мавжуд: «...Ҳа-

¹ История Узбекистана, Том III. – Т.: Фан, 1993. – С. 205; Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи – Т.: Фан, 1996. 21-бет.

² Муҳаммад Ҳақимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ат-таворих. ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 594. 219-б варақ.

лойиқни иттифоқи билан Ашурқули оталиқ отасини маснадиға ўлтурди. Бир неча йиллар ҳукмронлик қилиб, оламдин ўтди. Андин Шохруҳбий ёдгор қолди. Тахти салтанатда ўлтуриб ўн уч йил подшоҳлиғ қилиб қирқ ёшда оламдан ўтди»¹. Ушбу маълумотдан Шохруҳбийга ҳукмронлик отаси Ашурқулибийдан қолганлиги, Аширқулибий ҳам бир неча йил тахтда ўтирганлигини англаш мумкин. Бундай маълумот Исҳоқхон Тўранинг «Фарғона тарихи» асарида ҳам келтирилган². Демак, юқорида келтирилган маълумотдан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ашурқулибий минг уруғининг етакчи оқсоқоли бўлган ва бу лавозим Шохруҳбийга ҳам насиб этган. Фикримизча, дастлаб ҳокимият тепасига келгунига қадар Шохруҳбий ҳам уруғ оқсоқоли бўлган.

Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг «Хуллас ут-таворих», Муҳаммад Фозилбекнинг «Мукаммали тарихи Фарғона» ва Мулло Олим Маҳдум Ҳожининг «Тарихи Туркистон» асарларида эса Шохруҳбийнинг тахтга ўтириши бошқача тасвирланади. Мазкур асарларда ўша даврларда, яъни XVIII асрнинг бошларида Қўқон атрофидаги худудларга Чодак хожалари ҳокимлик қилганлиги, Шохруҳбий ҳокимиятни улардан куч билан тортиб олганлиги қайд этилади³. Аммо, «Мунтахаб ат-таворих», «Ансоб ус-салотин...», «Тарихи Азий» каби асарларда Чодак хожалари хусусида бирон-бир маълумот мавжуд эмас. Чодак хожаларининг ҳокимлик қилганликлари ва улар сафидан ҳоким бўлган шахслар ҳақида асосли далиллар ҳозирча топилгани йўқ. Агар, Чодак хожалари Фарғонада ҳокимиятни қўлга олиб, уни бошқарган бўлганларида тарихий манбаларда ёки ҳужжатларда асосли маълумотлар қолиши керак эди. Шунини таъкидлаш

¹ *Мирзо Олим Мушриф*. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин. Нашрга тайёрловчилар А.Матғозиев., М.Усмонова, – Т.: 1995. 14-бет.

² *Исҳоқхон Ибрат*. Фарғона тарихи. Нашрга тайёрловчилар Ҳ. Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: Камалак, 1991. 286-бет.

³ *Маҳмуд Ҳаким Яйфоний*. Хуллас ут-таворих. – Ҳўқанд. 1913. 5-бет; Муҳаммад Фозилбек. Мукаммали тарихи Фарғона. ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 5971. – 16 а, – 16 б варақлар; Мулло Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Қарши.: Насаф, 1992. – 10-бет.

жоизки, бу даврга қадар Ўрта Осиёда дин пешволари ва хожаларга ҳеч қандай қарши ҳаракатлар қилинмаган. Сиёсий арбоблар, турли ҳукмдорлар кўп ҳолларда бундай шахслар мададига таяниб ҳокимиятга келганлар, сиёсат юргизганлар. Бу анъанадан Қўқон хонлигида четга чиқилган, дейилса хато бўлади. Шу боис, юқоридаги маълумот, яъни Шоҳруҳбийнинг Чодак хожаларидан ҳокимиятни куч билан тортиб олишга қаратилган ҳаракатини тарихий ҳақиқатга зид деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўринда минг уруғи вакиллари Чодак хожаларининг маънавий кўмагига таянган ҳолда ҳокимиятга келди, дейилса тўғри бўлади.

Бу ҳолатни, хусусан, минг уруғи етакчиларининг хожалар ва тасаввуф тариқати вакиллари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатганлигидан далолат берувчи айрим асарлар маълумотлари ҳам тасдиқлайди. «Мунтахаб ат-таворих», «Ансоб ус-салотин...», «Тарихи Азизий» асарларида минг уруғидан бўлган Чамашбий XVI асрда Мовароуннаҳрдаги нақшбандия тариқатининг буюк намояндаси бўлмиш Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийга мурид бўлганлиги тўғрисида маълумот берилади¹. Жумладан, «Тарихи Азизий» асарида Мавлоно Лутфуллоҳ минг уруғи вакили Чамашбийнинг белига камар боғлаб, дуо қилгани ва бу уруғ вакиллари келажакда тахтга ўтириб, ҳукмдорлик қилиши хусусида башорат қилганлиги баён этилади².

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Қўқон хонлигининг биринчи ҳукмдори Шоҳруҳбий дастлаб минг уруғининг оқсоқоли бўлган. XVIII асрнинг бошларида минтақадаги чигал сиёсий вазият туфайли Шоҳруҳбий Қўқон хонлигининг ташкил топишига эришган.

¹ *Muhammad Hakim khan*. Muntakhab al-tawarikh vol. II, Edited by Yauoi Kawahara & Koichi Haneda. — Tokyo: ILCAA 2006. — P. 1.; ЎЗР ФА ШИ кўлёзма, инв. № 594. — 219 а-варақ; Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин... 14-б.; ЎЗР ФА ШИ кўлёзма, инв. № 11108. — 119 б-варақ.

² *Муҳаммад Азиз*. Тарихи Азизий. ЎЗР ФА ШИ кўлёзма, инв. № 11108. — 119 б. — 120 а-варақлар.

Манғитлар уруғи тарихидан

Тарихий тадқиқотларда келтирилишича, манғитлар йирик туркий уруғлардан бири бўлиб, улар дастлаб XII—XIII асрларда Дашти Қипчоқ, Идил (Волга) ва Ёйиқ (Урал) дарёлари оралиғида яшашган. Бу даврда манғитларга қипчоқлар ва қипчоқ тилининг таъсири кучли бўлган. Манғитлар XIV асрнинг охирида Олтин Ўрда давлатидан ажралиб чиқиб, алоҳида давлат — *Манғит Ўрдасини* ташкил қилганлар. XV аср ўрталарида манғитлар *нўғайлар* (ноғайлар) деб аталган. Манғит Ўрда ҳам бу пайтдан бошлаб *Нўғай Ўрда* (Нўғай хонлиги) номини олган. Нўғай Ўрда давлатида асосан манғитлар ва қўнғиротлар яшаган¹.

XVI асрнинг ўрталарида Нўғай Ўрда икки давлатга: Катта Нўғай ва Кичик Нўғай давлатига бўлиниб кетган. Кейинчалик Катта Нўғай таркибидаги манғитлар қавми ўзбеклар, қорақалпоқлар ва қисман қозоқларнинг этник таркибига кирганлар. Тадқиқотчи Очил Бўриевнинг ёзишича, манғитлар XVI аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кўчиб келганлар².

Муҳаммад Шайбонийхон қўшини таркибида манғитлар кўп бўлган. Манғитларнинг катта қисми азалдан деҳқончилик билан шуғулланган. Ўтроқ ўзбек уруғларининг таъсирида аста-секин ўтроқлашиб борган, бир қисми эса XX аср бошларида ҳам кўчманчи ҳаёт кечириб, чорвачилик билан шуғулланган. Манғитлар асосан Зарафшон водийсида (ҳозирги Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари) ва Қашқадарё воҳасида яшашган.

1923—1926 йилларда Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган аҳоли рўйхати ва районлаштириш комиссияси материалларига қараганда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида манғитларнинг умумий миқдори тахминан 250.000 — 300.000

¹ Ражабов Қ., Норқулов Н. Манғитлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2003. 456-бет.

² Бўриев О. Манғитлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2003. 456-бет.

нафар кишидан ортиқ бўлган. 1924 йилдаги маълумотларга қараганда, Бухоро воҳасида 99200 нафар манғитлар яшаган бўлиб, улар ўзбек уруғлари ўртасида энг катта миқдорни ташкил қилган. Бу пайтда Бухорода 58.065 нафар қўнғиротлар, 35.635 нафар саройлар, 26.715 нафар урганжилар, 24.325 нафар қатагонлар, 14.420 нафар қипчоқлар, 13.570 нафар кенагаслар яшаган¹. Рўйхатда келтирилган Бухородаги 155 та ўзбек уруғларининг энг каттаси, кучлиси ва нуфузлиси манғитлар бўлган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Бухоро воҳасининг маркази (ҳозирги Бухоро вилояти ҳудуди)да яшовчи 52000 нафар деҳқон ўзбекларнинг уруғи аниқланмаган. Бундан ташқари пойтахт Бухоро шаҳрида яшовчи ўзбекларнинг қайси уруғга мансублиги ҳам рўйхатга олинмаган. Тахминимизча, рўйхатда манғитларнинг миқдори камайтириб кўрсатилган. Шу жиҳатларни эътиборга олганда, 1924 йили Бухорода камида 150.000 нафар ўзбек халқига мансуб манғитлар қавми яшаган деб фараз қилиш мумкин.

Бухоро воҳасида яшовчи 100.000—150.000 нафар манғитлардан ташқари Қарши воҳасида 31000, Зарафшон дарёсининг қуйи оқими — Қоракўл воҳасида 8000, Амударёнинг сўл қирғоғи — Эски Чоржўй ва унинг атрофларида 11000 нафар манғитлар яшаган.

Манғитлар Бухоро воҳасидан Зарафшон дарёсининг юқори оқими бўйлаб Кармана атрофида (920 киши), Янгикўрғонда (260 киши) ва Конимех туманининг ўтроқ қисмида (1.835 киши) яшаган. Шунингдек, Шаҳрисабз воҳасида (200 киши атрофида), Қашқадарёнинг юқори қисми ва Китобдан шимоли-шарқ томонда (380 киши), Яккабоғдан жануби-шарқ ва Лангардарё ҳавзасида (430 киши), Ғуздордарёнинг юқорисида (150 киши) оз сонли манғитлар яшаган².

Манғитлар қавми бу пайтда Бухоро воҳаси, умуман, Зарафшон ва Қашқадарё водийларидан ташқари, Хоразм

¹ Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1. Бухара. — Т.: Изд. Комиссия по районированию Средней Азии, 1926. — С. 175—179.

² Территория и население Бухары и Хорезма. Часть I. Бухара. — С.185—187.

воҳасида, Жиззах ва Самарқандда яшаган. 1924 йилда Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш комиссиясининг материалларига қараганда, Хоразмдаги манғитлар асосан Гурлан узлидаги манғит шўросида (10300 киши) ва Амбарманокда (135 киши) яшаган¹. (Айни пайтда Хоразмдаги бу ҳудудлар кирган Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманининг маркази Манғит шаҳри ҳисобланиб, унда 31.500 киши яшайди).

Бундан ташқари манғитлар қавми бу пайтда Шимолий Афғонистонда яшовчи ўзбеклар, Хоразм воҳасида яшовчи қорақалпоқлар, Шимолий Кавказда яшовчи нўғайлар таркибида ҳам бўлган. Этнологларнинг ёзишича, Ўзбекистонда яшовчи манғитлар қавми бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган. Уларнинг энг йириклари: *оқ манғит, тўқ манғит, оч манғит, қора манғит, чала манғит, бойгунди манғит*. Булардан ташқари темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, кула, тамғали, манғит, қозоқ, ўн икки чўқай, гала ботир, бешкал, чобакчак, уз, уволай ва бошқа манғит уруғлари Бухоро амирлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Айнан *манғитлар уруғидан* чиққан манғитлар сулоласининг вакиллари бўлган амирлар 1756—1920 йилларда *Бухоро амирлигини* бошқарган.

Саййид Мансур Олимий (Амир Саид Олимхоннинг ўғли) ўзининг «Бухоро — Туркистон бешиги» асарининг «Манғитлар» фаслида Бухорода манғитлар уруғининг ҳокимият тепасига келишини қуйидагича кўрсатади: «Манғитлар ва кенагаслар Мовароуннаҳрдаги икки қабила бўлиб, доимо бир-бири билан ихтилофда бўлган. Ўзаро жанглар 30 йил давом этди. Кенагаслар Шаҳрисабз шаҳрида, манғит қабилалари эса Қарши ва унга қўшилган жойларда истиқомат қилганлар. *Манғит* сўзининг маъноси «ўлдирмоқ», *кенагас* сўзининг маъноси эса «*орқага қувмоқ, орқага ҳайдамоқ*» демакдир.

Муҳаммад Раҳимхон Қарши томонда яшаган «Ой эли тўқ манғит» уруғининг вакили бўлиб, экин ерлари, мулк,

¹ Материалы по районированию Средней Азии. Кн.2. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 2. Хорезм. — Т.: Изд. Комиссия по районированию Средней Азии, 1926. — С.98.

чорва моллари ва катта сармоёга ҳамда ўз қабиласи ва қўшни қабилалар ўртасида эътибор ва нуфузга эга эди. Ўз келиб чиқиш ришталари жиҳатидан баъзи манғитлар аштархонийлар, теурийлар ва чингизийларга боғланади. Муҳаммад Раҳимхон ўзбек (турк) халқидан бўлиб, чингизийларга асло боғланмайди»¹.

Манғитлар қавмининг тўқ манғит уруғига мансуб бўлган сулоласи вакиллари Бухоро амирлигида катта имтиёзларга эга эдилар.

*Дилшод ҲРОҚОВ,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ўрта Осиёда рус-эрон чегараларининг ўрнатилиши тарихидан (XIX аср охирлари)

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Россия империясининг Ўрта Осиёга фаол кириб келиши Россия — Эрон муносабатларини кескинлаштириб юборди. Гарчи, бу кескинлик Россия — Англия муносабатлари каби ўта оғир вазиятни келтириб чиқармаган бўлса ҳам, асосий тортишув чегара масалаларида эди. 1865—1873 йилларда империя томонидан Ўрта Осиёдаги 3 та хонликнинг анчагина ҳудудлари босиб олинди Эрон шоҳи Носириддинни (1848—1896 йй.) саросимага солиб қўйганди. 1865 йилдаёқ Каспий денгизи шарқий соҳилларининг руслар томонидан эгалланиши Эрон шоҳининг норозилигига сабаб бўлди. Чунки, шоҳ туркманлар ерини Эроннинг ажралмас қисми деб ҳисобларди. Ўз навбатида Россия икки давлат ўртасидаги муносабатларга Англиянинг аралашшини хоҳламаслиги боис, Эроннинг бетараф қолиши учун барча сиёсий ва дипломатик кучларни сафарбар қилади. Иккинчи томондан, Эрон маъмуриятига Россия ҳеч қандай ён беришни ҳам истамас эди. 1869 йилги келишувга биноан Петербургнинг юқори доиралари Атрек

¹ Сайид Мансур Олимий. Бухоро — Туркистон бешиги. Форс тилидан Ҳ. Тўраев таржимаси. — Бухоро.: «Бухоро» нашриёти, 2004. 31-бет.

дарёсигача бўлган ҳудудларнинг Россия таъсир доирасида эканлигини эълон қилади. 1873 йилда Эрон шоҳининг Россияга расмий сафари бу ҳолатни тасдиқлаб, икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шоҳ Кавказ ҳарбий округи бошлиғи билан бўлган суҳбатда Эрон тарафи туркман қабилаларини бўйсундиришда биргаликда ҳаракат қилиш тарафдори эканлигини маълум қилса-да, бу таклиф Россия тарафидан рад этилади¹.

Туркманлар ерининг босиб олиниши ҳаракатлари чоғида Техрон ҳукумати яна бу масалани кун тартибига қўяди. 1874 йил 23 январда Россиянинг Техрондаги элчиси А.Ф. Бегер ҳарбий вазирга юборган номасида Эрон шоҳи туркманларнинг текка қабиласини бўйсундиришда бирга қатнашиш истагида эканлигини ёзади². Ўз ўрнида Россия ҳарбий доиралари бу масалада узоқ тортишувлардан сўнг Эрон тарафи таклифини қатъий рад этиб, 1874 йил 6 мартда А.Ф. Бегерга бу ҳақда маълум қилинади. Шу билан Эрон ҳукумати бу масалани қайта кўтармаган.

1881 йилда Кўктепа босиб олиниши билан кўпгина ҳимоячилар Эрон тарафига қочиб ўтади. Хуросоннинг чегара ҳудудларида уларни яхши кутиб олиб, ёрдам кўрсатиши русларни хавотирга солиб қўяди. Генерал Скобелев ўша вақтдаги рус элчиси И.А. Зиновьев орқали Эрон ҳукуматидан ҳарбий кучлар жўнатиб, бундай ҳаракатларга чек қўйилишини талаб қилади. Н.И. Гродековнинг хотирлашича, Техрон маъмурияти бу талабни сўзсиз бажаришга ҳаракат қилган. Шоҳ томонидан берилган буйруқда Кучан ва Дегрезда тўпланган қочоқларни (ҳатто, ёш болаларни ҳам — Д.Ў.) ушлаб, руслар лагерига олиб бориб топшириш вазифаси юклатилади³.

Ахалтекин воҳаси босиб олиниши билан 1881 йил май ойида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида

¹ *Н.А. Халфин.* Присоединение Средней Азии к России (60—90 годы XIX века). — М.: 1965. — С. 320.

² *Л.М. Кулагина.* К истории формирования русско-иранской границы после присоединения Средней Азии к России (конец XIX в.) — М.: 1994. — С. 61.

³ *Н.И. Гродеков.* Война в Туркмении. Поход Скобелева в 1880—1881 гг., Т.IV. СПб, 1884.

Каспийорти вилояти тузилади¹. Мазкур жараёнда Буюк Британия ҳукумати ҳам туркман қабилалари орасига моҳир жосус капитан Г. Непирни жўнатади. Унинг асосий вазифаси туркманлар орасида Россияга қарши душманлик қайфиятларини уйғотишдан иборат эди. Г. Непир билан биргаликда инглизлар тарафдори бўлган Шожиуд-дал ҳам текка қабиласи сардорлари билан учрашувлар ўтказди. Капитан узоқ вақт Ахалтекин кўчманчи қабилалари орасида бўлиб, уларни Россияга қарши қўзғолон кўтаришга ундайди. Дарҳақиқат, аср охирида инглизлар Астробод ва Машҳадда ўз консулликларини очиб, улар орқали Россия ҳарбий кучлари фаолияти ҳақида маълумотлар олиб турган. Бундай шароит Эроннинг шимолий-шарқий вилоятлари билан Каспийорти вилояти ўртасида чегара чизиқларини ўтказиш талабини кўяди. Шоҳ Носириддин И.А. Зиновьев билан бўлган суҳбатида шимолий ҳудудларда чегара чизиқлари ўрнатиш учун қулай пайт эканлигини таъкидлаб, бу борада императорнинг фикри қандай эканлиги билан қизиқади². Россия томони бу таклифни қабул қилишдан манфаатдор бўлганлигини таъкидлаш лозим. Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, ўша вақтда Англия ҳукумати Россия — Эрон музокаралари бошланиши биланоқ унга ҳалақит беришга интилади. Ҳатто инглизлар Эрон ҳукуматига ўз хизматини таклиф этиб, музокаралар жараёнига ўз вакилларини қўшишга ҳаракат қилади ҳамда Эроннинг шимолий ҳудудларига Турманистоннинг баъзи бир туманларини олиб беришни ҳам ваъда қилган. Россия тарафи ҳам аниқ чегара чизиқлари ўрнатмай туриб, Каспийорти вилояти бошқарувини ташкил қила олмас эди. Шу жиҳатдан ҳам икки тараф мазкур жараёнларни тезроқ тугатиш умидида бўлган.

1881 йил кузидан бошлаб, Россия тарафидан Техрондаги элчи И.А. Зиновьев, Эрон ҳукуматидан эса Ташқи ишлар вазири Мирза Саид Мутаман ул-мулк ўртасида чегара чизиқлари ўрнатиш борасидаги асосий музокаралар бошланди. Элчи И.А. Зиновьевга ёрдам бериш мақсадида Каспийорти

¹ *Н.А. Халфин.* Присоединение Средней Азии к России (60—90 гг. XIX в). — М., 1965. — С. 353.

² *Н.И. Гродеков.* Кўрсатилган асар. — С. 53.

вилоятини яхши биладиган бош штаб офицери, подполковник Кузьмин ва капитан Янжуллар ушбу жараёнга жалб этиладилар. 1881 йил декабрь ойида Каспий денгизининг шарқий соҳилларида рус-эрон чегараларини ўрнатиш борасида шартнома имзоланди ва ушбу ҳужжат тарихга «1881 йилги конвенция» номи билан кирди. Бироқ, бу конвенцияда Дегрез хонлигидан Хуросон ва Афғонистонгача бўлган ҳудудларда аниқ чегара чизиклари ҳали ўз аксини топмаган эди¹.

Конвенциянинг иккинчи бандига мувофиқ ўзаро чегараларни ажратиш бўйича махсус комиссия тузилиб, у ўз ишини бошлаган эди. Бу комиссия таркибига ҳам инглизлар ўз вакилларини кўшиш ҳаракатида бўлдилар. Бироқ, бу уриниш ҳам фойда бермади.

1881 йил 9 декабрда имзоланган конвенция Россия ва Эрон давлатларининг Ўрта Осиёдаги фаолияти учун асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, 1917 йилгача барча муносабатлар ана шу ҳужжат асосида амалга оширилди. Конвенция 9 моддадан иборат бўлиб, унда икки давлатнинг Ўрта Осиёдаги чегаралари аниқ ифодасини топган эди. Шунингдек, мазкур ҳужжатнинг алоҳида маҳфий қисми ҳам мавжуд бўлиб, у 5 та моддани ташкил этган².

Икки давлат ўртасидаги ушбу аҳдномада Ўрта Осиёнинг этнографик ва иқтисодий жиҳатлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги кейинчалик қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, туркманларнинг ёвмут қабилалари кўчманчилик билан шуғуллангани боис, ёзда Каспийорти вилояти чегараларида тирикчилик ўтказиб, қишлагани Эрон ҳудудларига ўтиши оқибатида ҳамда уларнинг тез-тез эронлик аҳоли устига талончилик қилишлари натижасида икки давлат вақти-вақти билан ўзаро тортишувларга бориб турарди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё масаласида Россия империяси билан Эрон ўртасидаги чегаралар келишуви ана шундай яқун топди. Бироқ, ушбу келишувларда йирик империялар ўз манфаатлари нуқтаи назаридан сиёсат юргизиш, унда маҳаллий халқлар манфаатлари ҳисобга олинмади.

¹ Л.М. Кулагина. Кўрсатилган асар. — С. 64.

² Н.А. Халфин. Присоединение Средней Азии к России (60—90 гг. XIX в.). — М.: 1965. — С. 355.

Беҳбудий ҳақида мулоҳазалар

Тарихнавис адиб, йирик сўз санъаткори ва жамоат арбоби Садриддин Айний (1878—1954) ўзининг тарихий, бадиий асарларида қатор муҳим масалалар билан бир қаторда Туркистонда яшаб ижод этган тарихчилар, маърифатпарвар ва тараққийпарвар олимлар, шоирлар, умуман ўз даврининг ўқимишли, зиёли кишилари тўғрисида қимматли маълумотларни келтиради. С. Айнийнинг «Таърихи амирони манғитияи Бухоро»¹ («Бухоро манғит амирларининг тарихи»), «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар»², «Намунаи адабиёти тожик»³ («Тожик адабиёти намуналари»), «Эсдаликлар»⁴ ва «Қисқача таржимаи ҳолим»⁵ каби йирик асарларида бундай маълумотлар мавжуд. Бу жиҳатдан унинг Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875—1919) ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, Беҳбудий Туркистон жадидларининг отаси сифатида ном қозонган, ўз даврида кўпгина маърифат ва маънавият аҳлларига устозлик қилган, уларни қўллаб-қувватлаган машҳур драматург, шоир, нотик, ношир ва маърифатпарвар адиб эди. Айний Беҳбудийнинг шахсияти, илмий мероси, маърифат ва маданият соҳасида олиб борган самарали ишлари тўғрисида XX асрнинг бошларида ўнга яқин илмий, адабий ва тарихий мақолалари билан маҳаллий матбуотда чиққан эди⁶. Унинг мақолаларини кузатар экансиз,

¹ Айний С. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. — Т.: 1923.

² Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. — М.: СССР халқлари Марказий нашриёти, 1926.

³ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. — М.: 1926.

⁴ Айний С. Эсдаликлар. I—IV қисмлар // Асарлар. 8 жилдлик. 5—7 жилдлар. — Т.: 1965—1966.

⁵ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим // Асарлар. 1-жилд. — Т.: 1963.

⁶ Айний С. Мотама бузурги умум // Шуълаи инқилоб. 1920 йил, 5 апрель, 35-сон; Унинг ўзи. Мусибати Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқонаш // Шуълаи инқилоб. 1920 йил, 5 апрель, 35-сон; Унинг ўзи. Самарқанд хабарлари (Беҳбудий ҳазратлари) // Меҳнаткашлар товуши. 1919 йил 1—11 октябрь; Унинг ўзи. Маҳмудхўжа ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли // Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил, 8 апрель; Унинг

Беҳбудий ҳақидаги бир-бирини такрорламайдиган муҳим маълумотларни учратиш мумкин. Агар Айнийнинг Беҳбудий ҳақидаги мақолаларини бир тизимга келтирилса, 30—40 саҳифалик ихчамгина бир рисола юзага келиши мумкин.

Айний ўзининг «Беҳбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим» номли мақоласида, у ҳақдаги таассуротлари тўғрисида ёзиб, шундай дейди: «Беҳбудий ҳазратлари кўринишда ғоят маҳобатлик ва салобатлик эди. Аҳволига воқиф бўлмаган кимса, мутакаббур деб, гумон қилур эди. Лекин, ҳақиқатда мулойим суҳбатлик, такаллуфсиз бир одам эди, ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли бўлсин, иқтисодга кўп риоя қилар ва ижтимоий аҳволимизнинг тузулиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан билар эди»¹.

Айний Самарқандда Беҳбудийнинг ташаббуси ва раҳбарлигида 1913 йил августдан чиқа бошлаб, 1915 йилда ўз фаолиятини тўхтатган «Ойна» журналида ўзининг турли мавзудаги мақола ва шеърлари² билан қатнашиб турган. Айний «Беҳбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим» мақоласида ёзишча, у Беҳбудийни биринчи марта 1908 йилда дўсти Абдулвоҳид Мунзим билан Самарқандга қилган саёҳатида кўрган ва танишган. Кейинчалик Беҳбудий билан Бухорода икки маротаба учрашгани ва суҳбатда бўлганини айтиб, шундай ёзади: «Беҳбудий афанди билан Бухорода икки қатла кўришдим. Биринчи саратон ойи (йили хотирамда йўқ) Қорақўлга туз билан даволаш учун бораётганида бир кунлик фурсат ила Бухоро шаҳрига кирган эди. Йўлда тасодиф қилиб, фурсатни борича рафоқат қилиб шаҳарни кездирдим». Шунингдек, Айний Абдуқодир Шакурий билан Самарқандда, Беҳбудийнинг янги кўчиб ўтган уйига зиё-

ўзи. Маҳмудхўжа ҳақинда // Меҳнаткашлар товуши. 1921 йил, 29 март; *Унинг ўзи*. Беҳбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим // Зарафшон. 1922 йил, 32-сон, 25 март; *Унинг ўзи*. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди // Бухоро ахбори. 1923 йил, 209-сон, 3 октябрь.

¹ Айний С. Беҳбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим // Зарафшон. 1922 йил, 32-сон, 25 март.

² Айний С. Ёшларга мурожаат // Ойна. 1913 йил, 3-сон; *Унинг ўзи*. Ҳасрат // Ойна. 1913 йил, 5-сон; *Унинг ўзи*. На ўлди ёраб // Ойна. 1913 йил, 7-сон.

фатга борганида кўрганини айтади. Учинчи марта эса, 1912 йилнинг куз фаслида Маҳмудхўжа Бухорога келиб, бу ердаги дўстлари билан кўришгани, унинг Кўкалдош мадрасасидаги хужрасига келгани, шаҳарни айлантириб, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратларига бирга борганларини айтади.

Айнийнинг Беҳбудий билан кейинги мулоқотлари 1918 йилда бўлган. У Самарқандда муаллимлик билан шуғулланиб юрган вақтларида Маҳмудхўжа унинг мактабига кўп маротаба келган, илму толибларга маънавият ва маърифиятни ташвиқот ва тарғибот қилган. Айнийнинг ёзишича, Беҳбудий 1919 йил февраль ойида Тошкентга бориб қайтади. Тошкентдаги илмий ҳоллар ва олган таассуротларни Самарқанд муаллимларига таништирмақ учун мажлис чақиришга буюради. Шундан сўнг Айний Маҳмудхўжа Беҳбудий билан кўчада кўришгани, мажлисга нима сабабдан келмаганини сўраганда у: «Ҳозир бироз хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса хабар бераман», деб жавоб беради. Айний ушбу фикрларининг якунида ёзади: «Мана бу охириги кўришимиз бўлди. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас сафарга чиқиб кетганлигини, ҳам шул сафарда Қарши шаҳрида шаҳид бўлғонини эшитиб, ҳайрат ва ҳасратда қолдим»¹.

Беҳбудийнинг 1919 йил март ойида, Қарши шаҳрида фожиали ўлиmidан кейин, унинг маслакдошлари ва издошлари бир неча мақолалар ва шеърлар битганлар. Айний ҳам унинг ўлимига бағишлаб, «Беҳбудий руҳиға итҳоф», «Беҳбудий афандини эсга тушуриб, қатл ва қатлгоҳига хитобан» каби шеърларини ёзади. Айний ҳатто бир шеърининг ёзилган санасини «1920, IV», деб аниқ қайд этган. Тарихнавис адиб «Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди», «Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида», «Муфти Маҳмудхўжага бағишлаб», «Мусибати Маҳмудхўжа ва рафиқонаш» ва «Мотами бузурги умум» каби мақолаларида Беҳбудийнинг сирли ўлим топиши тўғрисидаги муҳим маълумотларни келтириб ўтади. «Бухоро ахбори» газетасининг 1923 йил 3 октябрь 209-сонида Айнийнинг «Мусофир» тахаллусида ёзган «Муфти Маҳмуд-

¹ Айний С. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржиман ҳоли // Меҳнаткашлар товуши. 1920 йил, 8 апрель.

хўжа Беҳбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди» мақоласи эълон қилинади.

С. Айнийнинг ёзишича, 1920 йилда Самарқанд ёшлари томонидан етти кишидан иборат комиссия тузилиб, бу комиссия Беҳбудий вафоти тафсилотларини аниқлаш юзасидан махсус иш олиб борган. Бу ҳақда Айний ўз фикрларининг якунида ёзади: «Ушбу 1920 йил нўябр ойида Самарқанд ёшлари бир комиссия тузуб, Бухоро ҳукумати воситаси билан бу комиссияни Қаршига юборуб, Беҳбудийнинг қабрини излаб топиб, ўлдирилишига сабаб бўлгон одамларни тафтиш қилдирмоқчи бўлдилар. Лекин у вақт Қарши ҳукумати доирасида эга зот Оғалик эди. Оғалик мазкур шаҳидларнинг ўлдирилишларига сабабчи ўзи бўлгонлиги учун Беҳбудийнинг қабри ҳам топилмади, Самарқанддан комиссия бўлиб боргон ўртоқлар Қарши шаҳрининг ҳукумат бошида ўлтирғон одамлардан маъюс бўлиб келдилар. Мазкур Оғалик 19 сентябрда одил ҳукуматимиз тарафидан отилди. Демак, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди»¹.

*Муродилла ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети*

Совет тоталитар давлатчилигида инқилобий ғоя ва амалиётнинг тугган ўрни ва ўзаро алоқадорлиги

Тарихни олдиндан белгилаб қўйилган ва дастурлаштирилган жараён тарзида эмас, балки воқеаларнинг диалектик ривожланиши тарзида тушуниш муҳим. Тарихий жараёнлар тасвирланган тарихий ҳақиқатнинг ўзида муқобил йўллар ва уларни танлаш имконияти бор. Шунинг учун ҳам тарихчи маълум тарихий жараёнларни таҳлил қилганда ана шу реал имкониятларнинг ҳаммасини кўришга мажбур, бунда у фақат бўлиб ўтган ҳодисаларга аҳамият бериб

¹ *Мусофир (Айний)*. Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди // Бухоро ахбори. 1923 йил, 209-сон, 3 октябрь.

қолмай, бой берилган имкониятларга ҳам эътибор қаратиши, нима сабаблар туфайли воқеа ана шундай тарзда юз берганлиги ёхуд юз бермаганлигини мушоҳада этиши керак. Ана шундай жамиятни тубдан ўзгартирувчи ижтимоий инқилоблар (социал революциялар) қонуниятлари ҳам мавҳум, жонсиз схемалар тарзида эмас, балки турли ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва партияларнинг ўз манфаатларига жавоб берадиган имкониятларни танлаш ва рўёбга чиқариш учун аёвсиз кураш билан турмушда намоён бўлиши тарзида гавдаланади. Кураш натижаси тенг таъсир этишда ўз ифодасини топади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, 1917 йилдаги конкрет-тарихий вазият одатдан ташқари мураккаблиги, ўзгарувчанлиги ва кескин бурилишлари, зиддиятли жараёнлари ва улкан йўқотишлари, мухтасар айтганда, катта фожиаси билан тараққиётнинг хилма-хил ва тез алмашилиб турган турли имкониятларга эга бўлганлигини тарихий далиллар асосида холис ёритиш ва таҳлил қилиш лозим.

Тарихий жараёнлар кўп ўлчовлидир, у турли ижтимоий-иқтисодий шаклларга асосланади, ўн ва юз миллионлаб одамларни ўзига қамраб олади, бинобарин, у ҳеч қачон бир хилда бўлмайди. Шунинг учун тарихий шахслар ва ҳодисаларга баҳо беришда бир хил позициядан туриб ёндашиш мумкин эмас, бу жараёнларда фақат ижобий ёки салбий, зарарли ёхуд фожиали томонларни кўрмаслик керак.

Тарихчи Ю.А. Поляков шундай ёзади: «Биз тарихий жараёнга баҳо беришда кўп ўлчов билан ёндашишимиз керак деб ўйлайман. Совет жамияти бутун тарихи давомида турли йўللар ривожланди, ҳар хил ҳолатлар таъсир қилди. Жараённинг кўп ўлчовлиги, бу жараённи ташкил этган оқимларнинг зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши туриши, биз англаб етмаган ажиб бир куч совет жамияти тарихида ҳам аниқланди. Бу зиддиятлиликни кўрмай биз мушкул аҳволдан ва чалкашликлардан чиқа олмаймиз»¹.

¹ Поляков Ю.Ф. Тарихий жараён кўп ўлчовлидир // Совет жамияти тарихи саҳифалари. Фактлар, муаммолар, одамлар. – Т.: Ўқитувчи, 1991. 31-бет.

Сўнгги йилларда Октябрь тўнтариши, унинг моҳияти, большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши, совет ҳокимиятининг зўравонлик йўли билан ўрнатилиши ҳақида яратилган айрим тадқиқотларда ҳамон қатъий исбот талаб қилмайдиган тайёр хулосаларга дуч келинади. Бу хулосаларда ўткир муаммолар четлаб ўтилади ёки улар силлиқланади, ўхшаш схема ва андозаларга мойиллик сезилади, кўпинча қуруқ ва таъсирсиз фактик материаллар маълум қолипга жойлаштирилади. Ваҳоланки, бутун инсоният тарихини XX асрда жиддий равишда ўзгартириб юборган ва катта оқибатларга олиб келган воқеалар ибтидоси айнан Россияда бўлган 1917 йилги Февраль инқилоби, хусусан, Октябрь тўнтариши билан боғлиқ ҳисобланади. Октябрь тўнтаришининг қонли тарихи — XX асрнинг буюк фожиаси, ўзбек халқи бошига солинган кулфатларнинг ибтидосидир. Бу тўнтариш тарихи одамлар, партиялар, синфлар ўртасидаги беаёв олишувлар билан тўла, инсоний ҳиссиётлар жўш урган суронли ўзгаришлар юз берган, хатолар, уқубатлар, урушлар билан тўлган, бутун бир халқлар, ижтимоий табақалар ва синфлар учун фожиавий натижалар келтирган ўзгаришлардан иборат.

Россияда Октябрь тўнтариши вужудга келишининг ижтимоий-психологик омиллари хусусида сўз юритилар экан, ушбу ўринда россиялик тарихчи олим Б.Н. Земцовнинг қуйидаги фикрларига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик: Россияда революцияни келтириб чиқарувчи муҳим омил бу — ҳокимиятнинг ҳар томонлама обрўсизланиши эди. Ҳукуматга қарши ташвиқот ва тарғибот, турли миш-мишларнинг оммавий тарқалиши ўз кучини кўрсатди. Ҳокимиятнинг ўзи кишиларни қалтиратмай қўйди. Подшоҳнинг ўзи халқ куллуқ қилмай қўйганини эътироф этганди... 1917 йилги инқилоб тизимли империя инқирозининг мантиқий якуни сифатида эмас, сиёсий ва психологик вазиятнинг ягона тарихий нуқтага жамланиб қолиши билан белгиланади¹.

¹ *Земцов Б.Н.* Социально-психологические предпосылки революции 1917 г. в России Автореф. дисс...докт.ист. наук. М., 1999. — С. 37—38.

Россия талабаларининг «инқилобий» таранг ҳолатдаги, таназзул арафасидаги ўнлаб талаблари сирасига ўқувчилар учун мажбурий ўқув режаларини бекор қилиш, ҳар бир талабага эркин, ўз шахсий режасини тузиш, эркин олий ўқув юртларини ҳеч қандай монеликсиз йўлга қўйиш, ўқиш ва таълим олиш, сўз ва фикрда тўла эркинлик бериш, университет ўқув тизимиغا барча илмий ва ижтимоий қарашларнинг эркин кириб бора олиши ва бошқалар кирази¹.

Қишлоқ ҳўжалигидаги тараққий топмаган ҳусусий мулкчилик оммавий пролетаризация (муайян мулк ва малакага эга бўлмаслик), пауперизация (умумий ишлаб чиқаришдан четда бўлиш) ва маргинализация (меҳнат-кашнинг майиб психологияси) қатламлари аҳолининг аксарият қисмини қамраб олди. Айнан омманинг *паупер* — *люмпенлари* ва *маргиналари* революциянинг ижтимоий таянчи бўлиб хизмат қилди. Ушбу инқилобий кайфиятнинг олий ва марказлашган нуқтасини кечаги деҳқон — бугунги «қурулли одам», жангчи аскар намоён қилди. Қишлоқдаги осуда ҳаётини йўқотган, қашшоқликнинг аянчли гирдобидан чиқмоқчи бўлган ва ўз шахсий тинчлигини топишга интилган бу ярим пролетарлар «даҳшатли куч» бўлиб шаклланди.

«Революция — бу сиёсий каллакесарлар ўз гуноҳларини ювадиган қонли ҳавза»², — деб ёзган эди машҳур немис файласуфи Фридрих Ницше.

Туркистон ўлкасида 1917 йил март ойидан ноябргача деярли осуда кунлар бўлмади. Турли сиёсий ташкилотлар ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралашишга ҳаракат қилишди. Большевикларнинг Туркистонда ўлка маҳаллий ҳамда европалик аҳолиси ўртасидаги обрўси шундай паст эдики, ҳокимиятни уларга топшириш ҳақидаги мурожаатларга рад жавобини олишган.

Кейинчалик, Ўзбекистон Компартияси биринчи съездининг йиғилишида И.А. Зеленский Октябрь тўнтариши

¹ Вестник воспитания (Москва), 1917, апрель-май. № 4–5. — С. 25.

² Қаранг: Гулистон, 1999, 5-сон, 16-бет.

арафасида Туркистон ўлкасидаги аҳволни шундай баён қилади: Биринчидан, партия ва ишчилар синфи Марказида ҳокимиятни эгаллаган даврда Ўрта Осиёда аҳвол ўзгача эди. Помешчик ва капиталистлар қўлидан ҳокимиятни тортиб оладиган синф мавжуд эмасди. Иккинчидан, Ўрта Осиё халқлари мустамлакада эдилар.

Ўрта Осиёнинг миллий таркиби орасида ҳокимиятни қўлида тутиб турадиган қатлам йўқ эди. Маҳаллий ишчилар синфи шаклланмаганлиги сабабли Россиянинг Европа қисмидан келган ишчилар Октябрнинг ҳимоячиси ролини ўйнадилар. Улар Марказдаги ишчи ва деҳқонлар билан фикрдош бўлиб, у ерда ҳам, ўлкада ҳам бир вақтда инқилобни амалга оширдилар¹.

«Инқилобни даҳолар ўйлаб топади, мутаассиблар амалга оширади, хузур-ҳаловатини лўттибозлар кўради», деганида Германия давлат арбоби Отто Бисмарк (1815—1898) заррача муболаға қилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, совет тоталитар давлатчилиги ўз тараққиётида мураккаб йўлни босиб ўтди. Большевиклар ҳокимиятни эгаллагач (1917 йил октябрь), дастлаб қисқа муддат давомида сўл эсерлар билан келишган ҳолатда янги совет ҳокимияти муассасаларини ташкил қилдилар. Бироқ орадан кўп ўтмасдан сўл эсерлар ва бошқа сиёсий партияларнинг оз сонли вакиллари ҳукумат таркибидан чиқарилди, совет ва хўжалик органларидаги вазифаларидан озод қилинди. Большевиклар совет Россияси ва унинг таркибида бўлган Туркистон ўлкасида якка ҳукмрон партия ва ягона сиёсий кучга айландилар. Меньшевиклар, эсерлар, жадидлар, уламолар ва бошқа сиёсий партияларнинг нафақат раҳбарлари, балки оддий аъзолари ва уларга хайрихоҳлик билдирган барча одамлар тазйиққа учради ва қатағон қилинди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг архиви (ЎЗР ПДА), 58-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 50—52-варақлар.

Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва эсерларнинг янги ҳукуматдаги фаолияти

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида эсерлар (социалист-революционерлар) партиясининг мавқеи баланд бўлган. Асосан деҳқонларнинг манфаатини ҳимоя қилган бу партия вакиллари фақат Туркистонда эмас, балки бутун Россия империяси ҳудудида асосий сиёсий куч ҳисобланган. 1917 йил октябрда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши билан сиёсий вазият ўзгарган.

Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1917 йилнинг кузига келиб, ўлка шаҳарлари, вилоятлари ва уездларида аҳолининг ҳокимият Советларга ўтишини талаб қилувчи фаол чиқишлари кузатилмаган. Аксинча, жойлардан келиб турган хабарлар ва телеграммаларда Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирилар экан, большевиклар ва бошқа экстремистларнинг ҳокимиятни Советларга бериш ҳақидаги талаблари фош этилар, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган Таъсис Мажлисини чақириш ғояси қўллаб-қувватланарди¹. Ўлка Советларининг ўзи (Тошкент Советидан ташқари) ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтишини ёқлаб чиқмадилар, чунки уларнинг кўпчилиги ўша вақтда коалицион Муваққат ҳукумат ва Туркистон комитети таркибига кирган эсерлар ва меньшевиклардан иборат эди².

Туркистон АССР раҳбарларидан бири кейинчалик қуйидаги фикрни эътироф этишга мажбур бўлган эди: «Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм мус-

¹ Қаранг: «Красная летопись Туркестана». — Ташкент, 1923, № 1—2, — С. 75—76.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т.: Шарқ, 2000. 42—43-бетлар.

тамлакаси бўлиб келди ва бу ҳол барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирди. Самодержавие томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдор ва хизматчи унсурлардан ташқари, ҳатто рус темир йўлчиларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришнинг бошиданоқ совет ҳокимиятини бу ерда фақат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолидан эса мустамлакачи маҳаллий ҳокимиятга алоқадор кишиларгина унда қатнашиши мумкин бўлиб, туб аҳолининг қолган қисми учун бу ғоялар бегона ва тушунарсиз эди»¹.

РКП(б) МК Туркистон бюроси таркибида Москвадан Тошкентга келиб ишлаган «машхур» инқилобчи Георгий Сафаров (1891—1942) 1917 йил Октябрь воқеаларини, большевиклар партиясининг ўша пайтдаги мавқеи ва эсерлар партиясининг нуфузини қуйидагича тасвирлаган эди: «Большевиклар партиясини бу ерда воқеаларни бошқармади. Фақат айрим большевиклар инқилоб тўлқинининг устига чиқиб олдилар. Партия бўлса Октябрь инқилобидан сўнг ташкил қилина бошлади. Мантиққа зид бўлишига қарамасдан, Туркистонда большевиклар партиясини совет ҳокимиятини эмас, балки совет ҳокимияти ҳамда советлар ҳокимиятини ташкил қилиш зарурияти бу ерда большевиклар ва сўл эсерлар партиясини яратди. Бунинг оқибати шу бўлдики, большевиклар ва сўл эсерлар партиясини дастлабки кунлардан бошлабоқ авантюристлар, амалпарастлар ва жиноятчи унсурларнинг бошпанасига айланди. Характерли томони шундаки, «большевиклар» ўзларини «большевиклар ҳукумат партиясини» деган расмий ном билан атамадилар... Шунинг учун ҳам пролетариат диктатурасини биринчи қадмидан бошлаб типик мустамлакачи кўринишида бўлди: рус ишчилари «Туркистон халқларини бошқариш»ни ўз қўлларига олдилар»².

¹ ЎзР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 39-иш, 17—18-варақлар.

² Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). — М.: ³ ЎзР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 39-иш, 17—18-варақлар. Госиздат, 1921. — С.71.

Хуллас, 1917 йил кузида Туркистондаги оз сонли большевиклар ўлкада бутун ҳокимиятни қўлга киритиш учун шафқатсиз кураш бошладилар. 1917 йил 15—22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ишчи солдат ва деҳқон депутатларининг III Ўлка съездида ҳокимият масаласида қизгин мунозаралар бўлди. Большевиклар гуруҳи коалицион ҳукумат тузиш ҳақидаги таклифини рад этиб, ҳокимиятнинг Марказий Россиядагидек бўлишини ёқлаб чиқдилар. Большевиклар номидан нутқ сўзлаган Бутунроссия Советлари МИК аъзоси Ф.И. Колесов (1891—1940) қуйидагича изоҳ қилди: «Ишчи солдат ва деҳқонлар ғалаба қозонишди, шунинг учун ҳокимиятни фақат улар қўлларига олишлари керак»¹.

Большевиклар билан сўл эсерлар ўртасидаги келишувга мувофиқ ҳукумат таркибидаги 8 ўрин сўл эсерлар ва 7 ўрин большевиклар билан максималистларга берилди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети (ХКС)нинг раиси қилиб большевик Ф.И. Колесов сайланди. Туркистон ўлкасидаги дастлабки совет ҳукумати таркибига маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади.

«Туркестанские ведомости» газетасида ёзилишича, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети таркибига қуйидаги 15 киши киритилган: Ф.И. Колесов — ХКС раиси ҳамда темир йўллар, почта ва телеграф комиссари, В.В. Залесский — ХКС нинг 2-раиси ҳамда ташқи ишлар ва адлия комиссари, П.В. Чегодаев — котиб, Е.Д. Перфильев ва Стасиков — иккита ҳарбий комиссар, П.Г. Полторацкий — меҳнат комиссари, Пермезский — маориф комиссари, Ф.С. Баранкин — соғлиқни сақлаш комиссари, Домогатский — ер ишлари комиссари, Котельников — молия ва 2-озиқ-овқат комиссари, Л.Д. Шевцов — сувдан фойдаланиш комиссари, А.А. Казаков — озиқ-овқат комиссари, В.Е. Агалов — фуқаролик қисмлари ва маъмурият комиссари, В.С. Ляпин — савдо ва саноат

¹ *Ражабов Қ., Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1917—1924 й.). — Т.: Университет, 2002. 39—40-бетлар.

комиссари, К.Я. Успенский — махсус топшириқ комиссари¹.

Тарихчи П.П. Никишовнинг ёзишича, бу комиссарлардан Залесский, Чегодаев, Перфильев ва Стасиков, Пермезский, Баранкин, Домогатский, Успенский, Котельников, Шевцов сўл эсерлар ва меньшевик-интернационалистлар бўлишган².

Октябрь тўнтаришидан сўнг, Россиядаги эсерлар партияси ичида ажралиш юз берган. 1917 йил 2 декабрда эсерларнинг сўл қисми мустақил сўл эсерлар партиясини тузишган. Сўл эсерлар совет ҳокимияти ва большевикларни қўллаб-қувватлашган. 1918 йил апрелда сўл эсерлар партиясининг аъзолари 62651 нафар кишидан иборат бўлган. «Знамя труда» газетаси (1917 йил 5 сентябрь — 1918 йил 7 июль) сўл эсерлар партиясининг марказий нашри ҳисобланган. Сўл эсерлар партиясининг раҳбари А.Л. Колегаев 1917 йил 25 ноябрда Бутунроссия МИК (ВЦИК) томонидан Россия ер ишлари комиссари лавозимига тасдиқланган. 1917 йил 9 декабрда РСФСР ХКС таркибига сўл эсерлардан И.З. Мгейнберг — адлия комиссари, П.П. Прошьян — почта ва телеграф комиссари, В.Е. Трутовский шаҳар ва маҳаллий бошқарув комиссари, А.А. Измайлович — республикадаги саройлар комиссари, В.А. Алгасов ва В.А. Карелин — ички ишлар коллегияси таркибида ишлаш учун «портфелсиз министрлар» сифатида киритилди³.

Шунинг учун Туркистон ўлкасидаги сўл эсерлар ҳам совет ҳокимиятининг дастлабки даврида — 1917 йил ноябрдан то 1919 йил бошларигача большевиклар билан ҳамкорлик қилишди. Уларнинг ҳамкорлиги қисқа вақт давом этиб, пировардида большевиклар ўзларининг «иттифоқчилари» бўлган сўл эсерларни ҳокимият учун курашда янчиб ташлашди.

¹ «Туркестанские ведомости», № 184, 1 декабря 1917 г.; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т.1. Установление советской власти в Узбекистане. — Т.: Изд. АН УзССР, 1963. — С.578.

² Никишов П.П. Из истории краха левых эсеров в Туркестане. — Фрунзе: Кыргызстан, 1965. — С.51—52.

³ Левые эсеры // Советская историческая энциклопедия. Т.8. — М.: «Советская энциклопедия», 1965. — С.518—519.

Бухоро Халқ Совет Республикасида солиқ сиёсати

Бухоро Халқ Совет Республикасида иқтисодий ислохотлар ўша даврдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий вазият шароитида ўтказила бошланди. БХСР раҳбарлари иқтисодий сиёсат самараларидан, энг аввало, Бухоро аҳолиси манфаатдор бўлиши учун интиланганлар.

Бухоро Халқ Совет Республикасидаги иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш учун солиқ сиёсати муҳимдир.

1920 йил сентябрида Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташлангач, солиқ сиёсатида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. БХСР иқтисодий ҳаётини жонлантириш учун солиқ соҳасидаги ўзгаришлар жиддий аҳамиятга молик бўлган. Бухоро Халқ Совет Республикаси арбоблари жамиятни демократик тарзда янгилашни ёқлаб чиқар эканлар, солиқ тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини эътироф этиб, уни давлат ва халқ манфаатларига мувофиқлаштиришни ўзларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида қўйган эдилар. Бухорода демократик ҳукумат ташкил этилгач, амирлик давридаги турли солиқ ва ўлпонлар бекор қилинди. 1920 йилда янги ҳукумат, ҳатто Бухоро аҳолисида солиқ олмаган. Бунга амирлик тузуми ағдарилган пайтда мамлакат аҳоли ачинарли бўлганлиги, халқнинг иқтисодий ночорлиги ва янги ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати сабаб бўлган.

Бироқ БХСРда большевиклар таъсирининг ортиб бориши натижасида солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг «Ёш бухоролик жадидлар дастури» амалга оширилмади. Аксинча, «ҳарбий коммунизм»га хос солиқ тўплаш усуллари жорий этилиши билан вазият мураккаблашди. Бу даврга келиб Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳудудидаги 40000 кишидан ортиб кетган босқинчи қизил армия қисмларининг таъминоти ҳам аҳоли елкасига оғир юк бўлиб тушди.

Бухоро Коммунистик партиясининг 1921 йил феввалида бўлиб ўтган I (V) съезди мазкур масаланинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, «Ҳамма нарса қизил армия учун!» деган шиорни расман эълон қилди¹. Бу шиор озиқ-овқат развёрсткаси (тақсимоти) асосида, деҳқонлар ва мулкдорлар қўлидан озиқ-овқат маҳсулотларини шафқатсиз тортиб олиш ва мусодара қилиш билан амалга оширилди. Бутун оғирлик деҳқонлар зиммасига тушди. 1921 йилда фақат Шарқий Бухоронинг ўзида аҳолидан озиқ-овқат развёрсткаси тарзида 1,5 млн пуддан зиёд ғалла (дон) тўплаб олинди. Юз берган шароитдан ташвишга тушган БХСР ҳукумати раиси Файзулла Хўжаев 1921 йил баҳорида Марказий ҳукумат олдига республика ҳудудидаги совет Россияси ҳарбийлари сонини 15000 кишигача қисқартириш керак деган талабни қўйди².

БХСР ҳукумати солиқ сиёсатини маҳаллий оқимга буриб юборишга, уни иқтисодий тамойиллар асосида амалга оширишга интилди. 1921 йил баҳорида совет Россияси раҳбарияти «социалистик қурилиш» тактикасини янгилаб, «ҳарбий коммунизм» сиёсатидан янги иқтисодий сиёсат — (ЯИС) НЭПга ўтгандан сўнг мазкур йўлни рўёбга чиқаришнинг муайян имкониятлари пайдо бўлди. 1921 йил 26 ноябрда Бутун Бухоро МИК қабул қилган «БХСРдаги давлат солиқлари тўғрисидаги қонун»да янги ҳукуматнинг солиқ сиёсати ўз аксини топди. Бу қонун билан мамлакатда шу пайтгача «Марказий ва маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан ундириб олинаётган маҳсулот ва пул солиқлари бекор қилинди»³. 1922 йил 1 январдан бошлаб 5 солиқ тури: 1) ҳосилнинг 1\10 қисми миқдорида олинадиган ушр (ушур) солиғи; 2) чорванинг 1\40 қисми миқдорида олинадиган закот (закоти савомий солиғи); 3) ҳунармандчилик устаноналари учун солиқ; 4) савдогарлар учун бож солиғи; 5) турли ҳужжат ва шартномалар тузилганда махсус солиқ олинадиган бўлди.

¹ История гражданской войны в Узбекистане. Т.2. — Т.: «Фан», 1970. — С. 321.

² История Бухарской Народной Советской Республики (1920—1924 гг.). Сборник документов. — Т.: «Фан», 1976. — С. 196.

³ ЎзР МДА, 48-жамгарма, 1-рўйхат, 274-иш, 331-варақ.

БХСР Меҳнат Кенгаши ҳузуридаги Солиқ секцияси раиси О. Акчуриннинг махсус маърузаси (1923 йил, март)да келтирилишича, 1921 йилда БХСР аҳолисидан 1.843.336 пуд миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари (1 450 626 олтин сўм баҳосида) озиқ-овқат солиғи (развёрсткаси) сифатида йиғиштириб олинган ва қизил армия қисмлари эҳтиёжлари учун сарфланган.

1922 йилдан бошлаб БХСРда озиқ-овқат солиғи маҳсулот ва пул кўринишида олинган. Ушр солиғи фақат маҳсулот тарзида олинган бўлиб, у Шарқий Бухоро билан биргаликда 1 855 048 пуд (1 490 338 олтин сўм баҳосида) миқдорида ундирилган. Закот солиғи сифатида 11 432 дона уй ҳайвони (45.576 олтин сўм баҳосида) олинган.

1922 йилда БХСР бюджетидаги даромад умумий ҳисобда 1 598 220 олтин сўмни ташкил қилган. Солиқ йиғиш ишлари билан 1922 йил январь ойида ташкил қилинган вилоят солиқ бошқармалари шуғулланган.

1923 йилда ушр ва закоти савомий пул кўринишида олинган. Закот солиғи 2,5% (айрим вилоятларда 5%) миқдорида олинган. Бундан ташқари савдогарлар ва ҳунармандлардан патент йиғимлари, тамға (герб) йиғимлари, ҳар бир таноб ердан 15 тийин миқдорида ер-сув солиғи ҳамда ҳар бир хўжаликдан 50 тийин (олтин сўм ҳисобида) касаллик солиғи ундирилган. 1923 йил 17 январдан 14 мартгача ушбу солиқлардан 46 370 олтин сўм тўпланган¹.

1922 йилда Бухоро давлатининг турли тушумлардан олган даромади 1 млн олтин сўмни, 1923 йилда 3 млн олтин сўмни ташкил этди. Бу 1920 йилдан олдин — амирлик даврида олинадиган солиқ миқдорининг 10%ини ташкил қиларди. Ҳолбуки, 1922 йилда армия, милиция ва давлат аппаратини таъминлашга сарф этилган харажатлар 15 млн олтин сўмга етган эди². 1923 йил 17 мартда «Бухоро ахбори» газетасида эълон қилинган Қори Йўлдош Пўлатовнинг «Солиқ ҳақида бир-икки сўз» мақоласида БХСР солиқ сиёсатининг асосий

¹ ЎЗР МДА, 50-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 12-варақ ва унинг орқаси.

² Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. — Т.: Узбекистан, 1969. — С. 333—334.

моҳияти лўнда қилиб тушунтирилган¹. Қори Йўлдош Пўлатов ўз мақоласида қуйидагича фикрни билдирган эди: «Ҳозирги ҳукумат солиқни ўзининг сафоси учун йиғмасдан, балки халқни ўқитмоқ, хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни таъмир этмоқ, турли касалликлар билан курашмоқ, халқ хўжалигини ислоҳ қилмоқ, юртнинг иқтисодий турмушини кўтармоқ, халқнинг тинчлигини муҳофаза этмоқ каби олий мақсадлар учун йиғнайду»².

БХСРда иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлагач, аҳоли зиммасидаги солиқ миқдори тобора камайтириб борилган. Ҳатто айрим табақалар солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинган. Масалан, 1923 йил охирларида ушр солиғи 2 860 000 олтин сўмдан 1 900 000 олтин сўмгача қисқартирилди, 40 тагача майда моли (қўй, эчки ва ҳоказо) ва 8 та йирик уй ҳайвони (сигир, хўкиз ва ҳоказо) бўлган хўжаликлар, якка ҳунармандлар ва майда савдогарлар солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинди. БХСР ҳукумати томонидан кўрилган ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, жон бошига ҳисобланганда, солиқ миқдори 1923 йилдаги 3,5 олтин сўм ўрнига 1924 йилда 1,5 олтин сўмни ташкил этган.

Бутун Бухоро МИК ва Халқ Нозирлар Шўросининг қарори билан 1923 йилдан бошлаб, БХСР шаҳарларида яшовчи 18—50 ёшли эркаклар ва 18—40 ёшли аёллар учун ягона фуқаролик солиғи жорий қилинган. Бироқ бу солиқдан айрим тоифалар (қизил аскарлар, командирлар, талабалар, меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, ёш болали ва кўп болали аёллар ҳамда ишсизлар) озод қилинган³.

Шундай қилиб, Бухоро Халқ Совет Республикасида бир йил ичида солиқ миқдори қарийб 2,5 баравар камайган.

¹ Қори Йўлдош. Солиқ ҳақида бир-икки сўз // «Бухоро ахбори», 144-сон, 1923 йил 17 март.

² Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. — Бухоро. «Бухоро» нашриёти, 2005. 27-бет.

³ ЎЗР МДА, 50-иш, 1-рўйхат, 14-иш, 31-варақ ва унинг орқаси.

Волгабўйи очларига ёрдам

Мустақиллик йилларида БХСР тарихининг турли жиҳатларини тарихий манбалар асосида ёритишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар яратилди. 1920—1924 йилларда мавжуд бўлган БХСР ҳукумати ўз даврининг барча мураккабликларига қарамасдан, яқин ва узоқ хориж давлатлари билан кенг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилган ва бу борада муайян ишларни ҳам амалга оширган. Ёш республиканинг ташқи сиёсати биринчи навбатда РСФСР билан олиб бориладиган ҳамкорлик масалаларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. БХСР ҳукуматининг мустақил юритаётган сиёсати ўз навбатида большевиклар ҳукуматига ёқмаган ва улар турли йўллар билан Файзулла Хўжаев бошчилигидаги янги ҳукуматни ўз таъсирида ушлаб туришга интилган.

Совет даври тарихий адабиётларида РСФСРнинг Бухоро республикаси билан олиб борган иқтисодий сиёсати бузиб, бир томонлама талқин этилган. Уларда РСФСРнинг БХСРга нисбатан олиб борган иқтисодий сиёсати байналмилал ёрдам, совет Россиясининг моддий ва молиявий ёрдами сифатида баҳоланган. Ваҳоланки, тарихий фактлар воқеаларнинг аксинча бўлганлигини кўрсатади. Аслида ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, аввало, уларнинг манфаатлари учун олиб борилиши, ўзаро тенг ҳамкорлик бўлиши лозим эди. Лекин тарихий ҳужжатларга мурожаат қиладиган бўлсак, совет Россияси БХСР билан иқтисодий муносабатларда ўз манфаатларини доимо биринчи ўринга қўйганлигини кўрамиз. Бу ўринда Бухоро хом ашё етказиб берувчи вазифасини бажарган.

1921 йилнинг баҳори ва ёзида Волгабўйи ҳудудини мисли кўрилмаган очарчилик қамраб олиши натижасида 5 миллион киши ҳалок бўлди. Большевиклар ҳукумати номига ёрдам сўраб жўнатилган телеграммаларда «оч қолганлар барча мушук ва итларни еб битиришди, мурдаларни истеъмол қилиш бошланди»¹, деб ёзилган эди.

1921 йил мартида «янги иқтисодий сиёсат»га ўтилиши шу йилнинг январь ойидан бошланган РСФСР ва БХСР ўртасидаги савдо муносабатларига ижобий таъсир кўрсатди. Ўз навбатида Бухоро Республикаси ҳукумати Волгабўйида юз берган очарчиликдан жабрланганларга ёрдам қўлини чўзди.

1921 йил 5 сентябрда Бутунроссия МИҚ раиси М. Калинин томонидан имзоланган, радио орқали эълон қилинган хабарда 15 сентябрдан 15 октябргача бўлган муддатда очларга ёрдам кўрсатиш Бутунроссия ҳафталигини ўтказиш эълон қилинди².

БХСР ҳукумати раиси Ф. Хўжаев бошчилигида Россиядаги очларга ёрдам кўрсатиш комитети ташкил этилди. Мазкур комитетнинг 1921 йил 8 октябрдаги мажлисида БХСР ҳукумати вакиллари ташқари Бошқирд Республикаси, Уфа шаҳри вакиллари, Туркистон Республикаси мухтор вакили иштирок этиб, унда Россиянинг очарчилик ҳукм сураётган губерналаридан 1500 болани кўчириб келтириб жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, Бошқирдистонга жўнатилаётган озиқ-овқатнинг учдан бир қисмини қабул қилинган 500 киши учун ажратиш масалалари муҳокама қилиниб, юқоридаги вазифаларни амалга ошириш БХСР иқтисодиёт ва маориф нозирликлари топирилди³.

1921 йил 9 ноябрда Бошқирдистондан Бухорога кўчирилган 500 болани озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича рўйхат илова қилиниб, унда нон, гўшт, гуруч, сабзавот, ёғ, майиз, қанд, ун, шарбат, чой, қалампир каби маҳсулотлар номи ва уларнинг миқдори келтирилади⁴.

1921 йилнинг 8 октябрида Бухородан Бошқирдистондаги очлар учун бир қатор маҳсулотларни жўнатишга қарор қилинади. Ушбу юклар БХСР Нозирлар Шўроси раиси Ф. Хўжаев буйруғи билан жўнатишга тайёрланди. 1921 йил 17 ноябрда БХСР раҳбарларидан бири П. Усмонхўжаев

¹ Семенникова Л., Головнина Н., Сдобнина Т., Черкесова Н. Отечественная история. – М.: 2007. – С.207.

² ЎЗР МДА, 47-жамғарма, 1- рўйхат, 1-иш, 4-варақ.

³ ЎЗР МДА, 47-жамғарма, 1-рўйхат, 214-иш, 6-варақ.

⁴ ЎЗР МДА, 47-жамғарма, 1-рўйхат, 214-иш, 7-варақ.

томонидан имзоланган ҳужжатда жўнатилиши лозим бўлган маҳсулотлар тури, миқдори, уларнинг бозор нархлари келтирилган эди. Жўнатилаётган дон маҳсулотларининг 60% ини буғдой, 40% ини жўхори ташкил этарди.

Ўша даврда 1 пуд буғдойнинг бозор нархи 32 500 рубль, жўхориники эса, 25 000 рублни ташкил этган. Умуман олганда, жами 321 240 000 рубллик 9884 пуд буғдой, қиймати 214 160 000 рубль бўлган 13 180 пуд жўхори жўнатилган эди.

Булардан ташқари 1125 пуд, қиймати 162 000 000 рубллик гўшт, 1125 пуд, қиймати 130 000 00 рубль сабзавотлар, 225 пуд ёғ, 225 пуд шарбат, 45 пуд керосин, 2700 пуд ўтин, 500 тўплам кийим-кечак, жами қиймати 535 400 000 рубль миқдоридаги юklar жўнатилиши режалаштирилган эди¹.

1922 йил 2 июлда Бошқирд Республикасининг мухтор вакили БХСР ҳукумати раиси Ф. Хўжаевга мурожаат қилиб, оч қолган аҳолига ёрдам кўрсатишни сўрайди². Мухтор вакилнинг мактубида 1921 йилнинг октябридан кейинги 6 ой мобайнида Бошқирд Республикасига 5730 пуд буғдой, 3941 пуд жўхори жўнатилганлиги учун миннатдорчилик билдирилади. Мазкур мактубда, шунингдек, Бошқирдистонда озиқ-овқат билан боғлиқ вазият оғир эканлигига эътибор қаратилади. Минглаб, ўн минглаб бегуноҳ болалар очлик натижасида ўлганлиги ва ҳалок бўлаётганлиги, ота-оналар овқат учун ўз болалари ва яқинлари гўштарини ишлатаётганлиги каби инсонга хос бўлмаган ҳолатлар мавжудлигига эътибор қаратилиб, БХСР ҳукуматидан 1,5 ой мобайнида Бухорода озиқ-овқат тўплаш билан шуғулланаётган бошқирд ва Тошкент вакилларига ёрдам бериш масаласи ҳам кўтарилган эди³.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш лозимки, Бошқирдистонда 500 нафар оч қолган болалар жойлаштирилган интернат «Ёш бухоролик революционерлар» деб номланган эди.

¹ ЎзР МДА, 47-жамғарма, 1-рўйхат, 214-иш, 8-варақ ва ўша варақнинг орқаси.

² ЎзР МДА, 47-жамғарма, 1-рўйхат, 214-иш, 3-варақ.

³ ЎзР МДА, 47-жамғарма, 1-рўйхат, 214-иш, 4-варақ, 4-варақнинг орқаси.

Ўзининг бошидан ҳам оғир иқтисодий аҳволни ўтказётган Бухоро Республикасининг ёлғиз ўзи Бошқирдистондаги очлик муаммосини, улар томонидан сўралган миқдордаги ёрдамни бера олмас эди.

Бошқирд вакиллари БХСР ҳукуматидан 13 269 пуд буғдой, 225 пуд ун, 13 180 пуд жўхори, 150 пуд майиз, 262 пуд гуруч, 75 пуд шакар, 9 пуд чой, 31 фунт қалампир етказиб беришини сўраган эдилар¹. БХСР ҳукумати имконият даражасида Волгабўйидаги оч қолган аҳолига ёрдам кўрсатди ва бу билан минглаб одамларнинг ҳалок бўлишдан қутулиб қолишига сабабчи бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, вужудга келган оғир сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий вазиятга қарамасдан, БХСР ҳукумати Бошқирдистондаги оч қолган аҳолига имконият даражасида озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа моддий ёрдамни кўрсатди. Ўзи оғир аҳволда бўлишига, ёрдамга муҳтожлигига қарамасдан, БХСР ҳукумати очарчиликдан азоб чекаётган Волгабўйи ҳудуди аҳолисига инсонпарварлик нуқтаи назаридан кўмак берганлиги таҳсинга сазовор. Бу ҳолат ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, инсонпарварлик каби фазилатларнинг ёрқин намунаси дир.

*Камол РАҲМОНОВ,
Бухоро Давлат университети*

БХСРдаги қишлоқ хўжалиги муаммоларининг даврий матбуотда ёритилиши

Бухоро Халқ Совет Республикаси матбуот органлари — «Бухоро ахбори» (1920—1923) ва «Озод Бухоро» (1923—1924) газеталари республикадаги иқтисодиётнинг ҳуқуқий асослари ва янги тарихий шароитдаги ислоҳот, ўзгаришлар ҳақида маълумотлар берувчи муҳим манба дир. БХСРда аграр муносабатлар етакчилик қилиб, аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳаси билан банд бўлган. Газеталарнинг 1920—1921 йиллардаги ўнлаб сонларида чоп этилган мақола

¹ ЎзР МДА, 47-жамғарма, 1-рўйхат, 214-иш, 4-варақ.

ва хабарларда аграр муносабатларни йўлга қўйиш учун махсус зироат ишлари кенгаши ташкил этилганлиги, унинг вазифалари ҳамда нозирлик вакиллари тўғрисида маълумот бериб борилган. БХСР ҳукумати таркибида Зироат (қишлоқ хўжалик) ишлари нозирлиги ташкил этилиб, Мирзо Абдулрахим Юсуфзода (1880—1937) ушбу нозирликни 1920 йилнинг кузидан 1921 йил январига қадар бошқарди. Ундан сўнг Порсо Хўжа (1868—1937) ва Сафо Жўрабоевлар ушбу масъул вазифада кетма-кет фаолият юритишган.

Аграр муносабатларни тартибга солиш, деҳқонларга ерларни бўлиб бериш масаласида ҳукумат томонидан 1920 йилнинг кузида ва 1921 йил давомида бир қатор қонун, қарор, фармон, буйруқлар чиқарилган¹. Ер тўғрисидаги қонун (декрет) лойиҳаси дастлаб Бухоро Компартияси МК мажлисида (1920 йил 20 сентябрь), сўнгра БХСР Инқилобий қўмитаси (Марказий ревком) мажлисида (1920 йил 24 сентябрь) муҳокама қилинган. Ушбу қонун аграр соҳадаги дастлабки ҳужжат бўлиб, унда БХСР иқтисодий сиёсатининг ташкилий асослари кўрсатилган².

БХСРда қишлоқ хўжалик ривожини сунъий суғоришсиз амалга ошириш имконсиз эди. Ҳукумат бу масалада юритган сиёсат ва тадбирлар ҳам газеталарда баён қилинган. БХСР ҳудудидаги экин экиладиган ерлар асосан Зарафшон дарёси суви билан суғорилган. Газета материалларида ўлкани сув билан таъминлаш муаммоси бир неча бор Туркистон АССР ва БХСР ўртасида муҳокама қилинганлиги, масалани ижобий ҳал қилиш учун иккала республика ҳукумати аъзоларидан иборат «3 кишилик» ва «5 кишилик» комиссия хайъатлари тузилганлиги³ ҳақида маълумот берилган. Хабар-

¹ Бухоро Шўролар Жумҳурияти Марказий Инқилобий қўмитасининг 6-рақамли буйруғи // Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябрь; Бухоро Шўролар Жумҳурияти Халқ Нозирлар Шўроси тарафидан номер 18-буйруқ // Бухоро ахбори. 9-сон. 1920 йил 26 ноябрь; Бухоро вилоят ер-сув шўбаси тарафидан 3-буйруқ // Бухоро ахбори. 38-сон. 1921 йил 28 май.

² *Ражабов Қ.* Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қаламлар (1920—1924 йиллар) // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар / Даврий тўплам. 2-сон. — Т.: Шарқ, 1999. 153-бет.

³ Сув масаласи // Бухоро ахбори. 42-сон. 1921 йил 3 июль.

лардан бирида: «1921 йил шартномасида Самарқандга қарашли 72 885 десятина ер Зарафшондан суғорилмайди, деб белгиланган, кейин текшириш натижасида англашилган-ким, ул ерлар Зарафшон суви билан суғорилаётган экан», — деб ёзилади. БХСР сув ишлари идораси мудир, муҳандис Исакович Бухорода суғориш ишларини йўлга қўйиш учун Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларида бир неча бор бўлиб, бу соҳадаги мутасадди кишилар билан музокаралар олиб борган. Кўп уринишлардан сўнг, Каттақўрғон маҳаллий ҳукумати назоратида бўлган Нарпайдарё устидан назорат Бухорога ўтказилади. Бу дарёнинг суви республика ерларини суғориш учун хизмат қила бошлайди. Лекин бу билан масала ҳал бўлмайди. БХСРда «сув муаммоси» кун тартибидаги муҳим масала бўлиб қолаверади.

Матбуот манбалари маълумотича, БХСР ҳукумати мавжуд бўлган йилларда ҳам Россия империяси мустамлакачилиги давридаги Зарафшон дарёси сувининг 3/1 қисми Бухорога берилиши билан боғлиқ шартнома ўз кучида қолган. Бу эса БХСР ҳудудини сув билан таъминлаш ҳамда янги ерларни ўзлаштириб, деҳқончилик маҳсулотлари миқдорини ошириш имконини чегаралаган. Шунинг учун 1923—1924 йиллардаги газета мақолаларида Амударё сувини БХСР ерларига йўналтириш, сув иншоотлари барпо этиш билан боғлиқ маълумотлар кўп марта баён қилинган. Газетанинг 1924 йил 2 апрелдаги 70-сонида «Бухорода зиёд сув йўқ» номли мақола берилиб, унда сув хўжалиги соҳасига малакали мутахассисларни жалб қилиш, чигир ўрнига машиналар ёрдамида Амударё сувини юқорига кўтариб бериш, Амударёдан ариқ ва каналлар чиқариш ишини жонлантириш масалалари устида фикр юритилган¹.

«Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталаридаги «сув муаммоси» билан боғлиқ мақола, хабарлар, ҳукумат қарорлари таҳлил қилинар экан, республиканинг дастлабки йилларида бу масалага эътибор кучли бўлиб, 1921—1922 йилларда эса бу ҳақда маълумотлар камроқ келтирилганлиги кўринади. Бу эса мамлакатдаги сиёсий ва ҳарбий вазият билан боғлиқдир.

¹ Бухорода зиёд сув йўқ // Озод Бухоро. 70-сон. 1924 йил 2 апрель.

БХСР ҳукумати даврида қизил армияга қарши кураш туфайли ирригация иншоотлари ишдан чиқди ёки бузиб ташланди. Ариқ ва каналларни лойқа ва чим босиб, ярқисиз ҳолга келиб қолди. Ҳосилдор ерлар ташландиқ жойларга айланди. Қизил армияни боқиб учун деҳқонлардан озиқ-овқат маҳсулотларининг зўрлик билан тортиб олиниши уларни ердан узоқлаштирди. Чорвачиликда эса моллар туёғи камайиб кетди. Шунинг учун республика қишлоқ хўжалиги инқирозга учраган эди. Бу ҳолат даврий матбуотда қуйидагича қайд этилган: «1921 йилда пахта майдонлари 30 минг танобгача тушди... чорвачилик ҳам таназзулға келгандур. 1890 йилда бутун мамлакатда турли насл қўй ҳамда эчкилар 800 минг адад бўлса, 1916 йилда 2,5 млн.га қадар ошгандур. Бугун (1923 йил) қўй ва эчкилар сони 500 мингдан ортиқ эмасдур»¹. 1923 йилга келиб чорва молларининг 1916 йилга нисбатан республикада 5 баробар камайиб кетиши аҳолининг моддий аҳволи аянчли ҳолатга тушиб қолганлигини кўрсатади. Бундай аҳвол ҳақида ҳукумат бошлиғи Ф. Ҳўжаев: «Биз бутун кучимизни сармоядорлар уруши ва доҳилий уруш (биринчи жаҳон уруши ва истиқлолчилик ҳаракати) натижасида хароб бўлгон қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишға ва жумҳуриятнинг орқа таянчи ҳисоблангон деҳқонларнинг моддий ва маънавий ҳолларини яхшироқ этишға сарф қилишға тегишлимиз», деб фикр билдирганди.

Бухоро Республикаси ҳукумати мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун имкон қадар чора-тадбирлар кўрди. 1923 йилда Амударё сувини Бухоро ерларига оқизишға қаратилган сунъий суғориш иншоотларини барпо этиш режалари ишлаб чиқилди. Қоракўлчилик ширкати тузилиб, немис ишбилармонлари билан бу масалада шартномалар имзоланди.

Қишлоқ хўжалигини илғор, замонавий техника билан қуроллантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 1923 йилда Чехословакиядан Бухоро Республикасига 20 дон трактор ва ер текислайдиган техника воситаларини хорижлик

¹ «Деҳқон». Жумҳуриятнинг қишлоқ хўжалиги // Бухоро ахбори. 108-сон. 1921 йил 5 ноябрь.

мутахассислар билан бирга олиб келиш мўлжалланганлиги билан боғлиқ маълумот ҳам бор¹.

1923 йилда нисбатан тинчликка эришган Бухоро Халқ Совет Республикасининг бу соҳадаги истиқболли режалари қоғозда қолиб кетди. Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш туфайли Бухоро Халқ Совет Республикаси 1924 йил охирида тугатилди.

*Асрор ПАРДАЕВ,
Қарши Давлат университети*

Хоразм Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши ва фаолияти

Ҳозирги кунда тарих фани ва тарихчилар олдида турган энг долзарб масалалардан бири мустабид совет тузумининг Ўрта Осиёда юритган сиёсати, унинг оқибатларини ҳолисона ёритишдан иборат. Айни вақтда тадқиқини кутаётган яна бир йўналиш XX асрнинг 20—30 йилларида ТАССР, БХСР ва ХХСРда фаолият юритган Иқтисодий Кенгашлар фаолияти ҳисобланади. Чунки большевиклар минтақада сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгач, республикалар иқтисодий бошқарувини осонлаштириш ва марказлаштириш учун Иқтисодий Кенгашлар ташкил қилди. Бу Иқтисодий Кенгашлар қуйидан юқоригача босқичма-босқич ислохотларни амалга оширишда СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши кўрсатмаларига амал қилган ва унинг қарорлари бажарилишини таъминлаб турган.

Большевикларнинг минтақани Марказдан туриб бошқариш борасидаги сиёсий, иқтисодий соҳалардаги фаолиятининг ўзига хос томонларини тўғри таҳлил қилиш ҳозирги кунда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида ХХСР даги иқтисодий ислохотларни ўтказишда фаоллик кўрсатган Хоразм Иқтисодий Кенгаши фаолияти ҳақида фикр юритилади.

¹ Бухоро ахбори. 132-сон. 1923 йил 8 февраль.

1920 йил 26—30 апрелда бўлиб ўтган Бутун Хоразм Халқ вакилларининг I қурултойида 15 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси ташкил қилинди. Унинг таркибида иқтисодий соҳа билан шуғулланувчи иккита нозирлик фаолият юритган: а) Ер ишлари нозирлиги; б) Иқтисодий нозирлик.

Бу икки нозирлик ХХСР даги иқтисодий масалаларда Халқ Нозирлар Шўроси қарорларига кўра иш кўрган. Большевиклар халқ хўжалигида бошқарувни марказлаштириш мақсадида Бутун Хоразм Халқ вакилларининг II қурултойида Иқтисодий Кенгаш таркибида учта нозирлик ташкил қилди.

1) Ер-сув ишлари нозирлиги. У ўз навбатида қишлоқ хўжалиги, ирригация, транспорт ва давлат иншоотлари бўлимларидан иборат бўлган;

2) Ишлаб чиқариш ва таъминот нозирлиги. У ўз навбатида савдо-сотик, меҳнат ва ташқи савдо бўлимларига эга эди;

3) Молия нозирлиги¹.

Марказ юритган сиёсат натижасида, яъни , янги иқтисодий сиёсат ва III Бутун Хоразм Халқ вакилларининг қурултойида Хоразм Иқтисодий Кенгаши тугатилди. Унинг ўрнида Ер ишлари, молия, савдо ва ишлаб чиқариш нозирликлари ташкил қилинди.

ХХСР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1923 йил 10 февралдаги қарорига кўра яна Хоразм Иқтисодий Кенгаши қайта ташкил қилинди. Унинг таркибида қуйидаги нозирликлар мавжуд эди.

1) Ер ишлари.

2) Молия.

3) Савдо ва ишлаб чиқариш.

Иқтисодий Кенгаш раиси ўз навбатида Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси раиси ўринбосари ҳисобланган. Хоразм Иқтисодий Кенгашига қуйидаги вазифалар юклатилган:

а) Республика бюджетини ишлаб чиқиш;

б) Хоразмнинг иқтисодий аҳволи ҳақида батафсил маълумот бериш;

¹ ЎзР МДА. 71-жамғарма. I-руйхат, 4-иш, 104-варақ.

в) Хоразм пул бирликларининг РСФСР пул бирликларига алмаштирилишини таъминлаш;

г) Қишлоқ хўжалигига кредит ажратиш ишларини мувофиқлаштириш;

д) Хоразм — Рус пахта ширкати фаолиятини кузатиш ҳамда унга ёрдам бериш.

1921 йил 15 июндаги Иқтисодий Кенгаш қарорига асосан пахта қўмитаси ташкил қилинган бўлиб, унга кўра Хонқа, Манғит, Гурлан, Тошҳовуз, Хўжайли, Ғозиобод шаҳарларида ва Янги Урганч пахта заводида пахта қабул қилиш пунктлари очилган. Бундан ташқари 1923 йил 13 февралда Хоразм Иқтисодий Кенгаши ва РСФСР Бош Пахта қўмитасининг келишувига кўра, Рус — Хоразм пахтачилик ширкати ташкил қилинади. Унинг асосий маблағи 1 млн 500 минг олтин рублни ташкил қилган¹.

Иқтисодий Кенгашнинг кўрсатмасига кўра, ширкат беш йил ичида пахта тозалаш ва ёғ заводларини рўйхатга олиш, ишдан чиққанларини ишга туширишни ўз зиммасига олган. Ташкилотнинг аниқлашича, инқилобга қадар Хоразмда кичик заводларни ҳисобга олмаганда 33 та завод бўлган. Шундан пахта тозалаш заводлари Янги Урганч шаҳрида 5 та, Гурланда 4 та, Хонқада 3 та, Тошҳовузда 5 та, Манғитда 4 та, Илялида 1 та, Ҳазораспда 3 та, Хўжайлида 4 та, Питнакда 1 та, Қўнғиротда 1 та, Хивада 1 та, Остонабозорда 1 та бўлган. Йирик пахта тозалаш заводларининг қошида ёғ ва совун ишлаб чиқариш заводлари жойлашган².

1922 йил маълумотига кўра, яроқли ҳолатдаги пахта тозалаш заводлари Янги Урганчда 1 та, Хонқада 2 та; ўртача таъмир талаб қиладиган заводлар Янги Урганчда 2 та, Гурланда 1 та, Ҳазораспда 3 та, Хивада 1 та, Астанабозорда 2 та бўлган, қолган заводлар умуман ишламаган³.

1923 йил 29 апрелдаги Хоразм Иқтисодий Кенгаши қарорига кўра, унинг таркибий тузилишига қўйидаги ўзгартиришлар киритилди:

¹ ЎЗР МДА, 73-жамғарма. 1-рўйхат, 34-иш, 7-варақнинг орқаси.

² ЎЗР МДА, 73-жамғарма. 1-рўйхат, 34-иш. 17-варақ.

³ Ўша жойда, ўша варақ.

а) Секретариат; б) Канцелярия; в) Статистика бўлими; г) Молиявий бўлим; д) Давлат режа бўлими; е) Штатлар бўйича бўлим; ж) Кўргазмалар ташкил қилиш бўлими¹.

1923 йил октябрда Бутун Хоразм Халқ вакилларининг IV қурултойидан сўнг Хоразм Иқтисодий Кенгаши таркибига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:

- а) Савдо ва ишлаб чиқариш бўлими;
- б) Ер ишлари бўлими;
- в) Молиявий бўлим;
- г) Статистика бўлими;
- д) Давлат режа бўлими².

Бундан ташқари Иқтисодий Кенгашга транспорт ва ёқилғи бўлими, солиқ бошқармалари, йўл транспорти бўлимлари бўйсунган.

Умуман олганда, Хоразм Иқтисодий Кенгаши бошқа иқтисодий кенгашлар сингари республикадаги олий хўжалик органи ҳисобланиб, мамлакатдаги иқтисодий ислохотларда етакчилик қилган. Жойларда иш фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида вилоят иқтисодий кенгашларини ташкил қилган. Хоразм Иқтисодий Кенгаши ўз муҳрига ҳам эга бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм Иқтисодий Кенгаши ўз фаолияти давомида кўплаб иқтисодий масалаларни кўриб чиққан. Бу ҳолат унинг турли йилларда фаолият юритган бўлимлари орқали ҳам кўринади. Масалан, Ер ишлари, Савдо ва ишлаб чиқариш, молия, давлат иншоотлари, қишлоқ хўжалик кредити, пул бирлигини алмаштириш, пахта масаласи, республика бюджети, давлат режаси, статистика, чорва, саноат, кўргазмалар ташкил қилиш ва ҳоказолар.

1924 йил 15 июлда Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси қарорига кўра Хоразм Иқтисодий Кенгаши фаолиятини тўхтатган.

¹ ЎзР МДА, 73-жамғарма. 1-рўйхат, 19-иш. 51 varaқ.

² ЎзР МДА, 71-жамғарма. 1-рўйхат, 45-иш. 25—29 varaқ.

**Бутун Хоразм Халқ вакиллари
қурултойларининг материаллари — Ўзбекистон
тарихини ўрганишнинг муҳим манбаси
(1920—1924 й.)**

1920—1924 йилларда фаолият кўрсатган Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) ўзбек давлатчилиги тараққиётида ўзига хос тарихий саҳифани эгаллайди. Ҳозирги кунда бу давр тарихини тадқиқ этиш долзарб мавзу ҳисобланади. ХХСР тарихини ўрганишда Бутун Хоразм Халқ вакиллари қурултойларининг материаллари расмий ҳужжат вазифасини ўтайди ва масаланинг нозик қирраларини таҳлил этишда муҳим манбадир.

1920 йил 1 февралда Хивада хонлик тузумининг ағдарилиши давлат бошқарувининг республика шакли қарор топишига йўл очди. Хонликда амал қилган монархия тузumi ўрнига давлатчиликнинг демократик тамойилларини шакллантиришда Бутун Хоразм Халқ вакиллари қурултойлари ўзига хос ўринни эгаллади. Биринчи қурултой 1920 йил 26—30 апрель кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтади. Қурултойда 200 га яқин делегат иштирок этиб, делегатларнинг кўпчилигини ишчилар, деҳқонлар ва ҳунармандлар ташкил қилган. Лекин улар орасида зиёлилар, савдогарлар ва катта хусусий мулк эгалари ҳам бўлган. Қурултойнинг кун тартибига мавжуд аҳвол, Муваққат инқилобий ҳукуматнинг доклади, Хоразм давлатининг Асосий қонунини қабул қилиш, молиявий сиёсат, ҳарбий ишлар, халқ маорифи масаласи, ҳукумат сайловлари каби масалалар киритилди.¹

Қурултойда Хоразм Халқ Совет Республикаси — ХХСР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилиниб, 15 кишидан

¹ Съезды Советов советских социалистических республик. Сборник документов (1917—1922 г.г.). II-том. — М.: Юридическая литература, 1960. — С. 496.

иборат ХХСР ҳукумати — Халқ Нозирлар Совети (раис Полвонниёз Ҳожи Юсупов) тузилди. 1920 йил 30 апрель қурултойнинг охириги мажлисида ХХСР нинг муваққат Конституцияси (кириш сўзи, 13 боб, 37 моддадан иборат бўлган) қабул қилинди.¹ Бу Хоразм тарихидаги биринчи Конституция бўлиб, унда илк маротаба кенг халқ оммасининг сиёсий ҳуқуқлари тенглаштирилди. Республикада демократик эркинликлар қонуний тус олди. Конституциянинг «Халқ вакилларининг Қурултойи» деб номланган 2 боб, 7-моддасида «Йилда бир маротаба, лекин муҳим деб топилса, йилнинг охирига қадар кўплаб маҳаллий Советларининг талабига кўра Хоразм Совет Республикасида Халқ вакилларининг Қурултойи чақирилади. Ушбу Қурултой Республиканинг энг юқори органи ҳисобланиб, Республикага тааллуқли бўлган энг долзарб масалаларни ҳал этади», деб қайд этилади.²

Бутун Хоразм Халқ вакилларининг қурултойлари мамлакатни бошқарувчи Халқ Нозирлар Советини сайлаш билан бир қаторда қуйидаги ваколатларга эга бўлган: 1) ХХСР Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш; 2) ХХСРнинг ички ва ташқи сиёсатининг барча соҳаларига умумий раҳбарлик қилиш; 3) Давлат чегараларини ўрнатиш ва ўзгартириш; 4) мамлакат ичидаги ҳудудларнинг чегараларини белгилаш; 5) ХХСР ҳудудининг маъмурий-ҳудудий бўлинишини ва миллий бирлашишни мустаҳкамлаш; 6) ХХСР даги қоғоз пул, оғирлик ва ўлчов тизимини белгилаш ва ўзгартириш; 7) хорижий давлатлар билан алоқалар, тинчлик ва уруш эълон қилиш; 8) заёмлар, божхона ва савдо шартномалари ва молиявий битимларни тузиш; 9) Халқ хўжалигининг асосий ва умумий режаларини, ҳамда унинг алоҳида тармоқларини белгилаш; 10) бюджетни қабул қилиш ва белгилаш; 11) Умумдавлат солиқлари ва мажбуриятларини

¹ Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми — XX аср биринчи чораги). — Т.: 2007. 323-бет.

² История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов. — Т.: Фан, 1976. — С. 43

жорий этиш; 12) Қуролли кучлар ташкилотларининг асосларини белгилаш; 13) Умумдавлат қонунлар тўплами (қонунлар чиқариш ва нашр этиш), суд қилиш, фуқаролик, жиноий ва бошқа қонунлар; 14) Халқ Нозирлар Совети аъзоларини якка тартибда (ҳамда бутун Советни) тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, шунингдек, Нозирлар Советининг раисини тасдиқлаш; 15) Республикада фуқаролик ҳуқуқини олиш ва ундан маҳрум бўлиш ва Хоразм ҳудудида чет эл фуқароларининг ҳуқуқлари тўғрисида барча қарорларнинг наشري; 16) Умумий ва якка тартибдаги амнистия ҳуқуқи.¹

1921 йил 15—23 май кунлари Бутун Хоразм Халқ вакилларининг II қурултойи Хива шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 340 та депутат, ҳамда 56 нафар туркманлар иштирок этади.² Кун тартибига Марказий сайлов бюроси ва Инқилобий комитетнинг (Ревком) доклади, халқ хўжалиги бўйича доклад, ҳарбий масала, жойлардан докладлар, ер ва сув масаласи, маориф ва маданият, молия, миллий масала, ХХСР Конституцияси, РСФСР билан Иттифоқ шартномаси, Хоразм Марказий Ижроия Қўмитасини сайлаш каби масалалар қўйилади.³

Ушбу қурултойда биринчи Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси (ХМИК) сайланади. Сайланган 7 аъзодан доимий иш олиб борувчи давлат ҳокимиятининг олий органи — МИК Президиумини (раис — Муҳаммадрайим Оллоберганов) тузади. Шу билан бирга республикада ижро қилувчи орган — Халқ Нозирлари Совети (раис — қорақалпоқ Менглихўжа Ибниязминов) ҳам ташкил этилади.⁴

¹ История Советского государства и права Узбекистана (1917—1924 гг.). I том. — Т.: Изд-во АН УзССР, 1960. — С. 113

² Гординеко А.А. Создание народно-советского государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. — Т.: Изд-во САГУ. 1959. — С. 66

³ Съезды Советов Советских Социалистических республик. Сборник документов (1917—1922 г.г.). II-том. — М.: Юридическая литература, 1960. — С. 498

⁴ Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакллари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. —Т.: Шарқ, 2001. 188-бет.

Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси қурултойлар орасида фаолият кўрсатиб, қурултойнинг ваколатларидан фойдаланган.

Бутун Хоразм Халқ вакилларининг III қурултойи 1922 йил 15—23 июль кунлари бўлиб ўтди.¹ Унда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди: умумий сиёсий доклад, Хоразм МИК ҳисобот доклади, Халқ Нозирлари Совети ҳисобот доклади, Давлат назорати доклади, Нозирлар (ички ишлар, маориф, ташқи ишлар ва ташқи савдо, адлия, иқтисодий совет) ахбороти, ер масаласи, молия Нозирлиги фаолияти, келгуси йил учун янги молиявий сиёсат ва бюджет масаласи, савдо Нозирлиги фаолияти ва солиқ, миллий масала, ХХСРнинг янги Конституцияси наشري, Хоразм МИКга сайловлар.

Бутун Хоразм Халқ вакилларининг IV қурултойи эса 1923 йил 17—20 октябрь кунлари Хива шаҳрида ўтказилди. Унга ҳал қилиш овози билан 234 делегат келди. Қурултой қуйидаги кун тартибини белгилайди: Хоразм МИК ҳисобот доклади, Нозирлар Совети ва Иқтисодий Советнинг қўшма ахбороти; халқаро вазият ва Хоразмда совет қурилиши; Хоразмда Компартиянинг роли ва вазифаси; ер-сув муносабатлари ва бу масала бўйича Совет ҳукуматининг вазифалари; Савдо-саноат бўлими ва ҳарбий бошқармада текшириш бўйича ахборот; Конституция; Хоразм МИКга сайловлар; жойлардан мавжуд тадбирлар ҳақида докладлар; маориф Нозирлигининг доклади; вақфлар ҳақида доклад.

Ушбу IV қурултой ХХСРни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. 20 октябрда ХССРнинг 5 бўлим, 12 боб, 46 моддадан иборат янги Конституцияси қабул қилинди.² Бу ҳолат республиканинг қонун йўли билан социалистик тузум йўлига

¹ История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов. — Т.: Фан, 1976. — С. 155—159.

² Съезды Советов союзных и автономных советских социалистических республик Средней Азии. Сборник документов (1923—1937 г.г.). VII том. — М.: Юридическая литература, 1965. — С. 23—33.

ўтишини мустақамлади. Унга кўра ерга хусусий мулкчилик бекор қилинди, вақф ерлар бутунлай тугатилди. Мавжуд ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилиниши натижасида барча вақф мулклари маориф нозирлиги ихтиёрига ўтди. Қозихоналар фаолияти тақиқланиб, совет судлари ташкил этилди. Шу тарзда 1923 йил октябрь ойидан бошлаб совет ҳукуматининг тазйиқи остида мамлакатдаги демократик ўзгаришларга чек қўйилди.

1924 йил 29 октябрь — 2 ноябрда Бутун Хоразм Халқ вакилларининг V қурултойи Хива шаҳрида ўтказилди.¹ Унда Ўрта Осиё миллий ҳудудий чегараланиши ўтказилиши муносабати билан ХССР тугатилиши эълон қилинди. ХССРнинг ўзбеклар яшайдиган 23 та тумани янгидан ташкил қилинган Ўзбекистон ССР таркибига Хоразм вилояти қилиб киритилди. Республиканинг қолган ҳудудлари Туркменистон ССР ва Қорақалпоқ мухтор вилоятига қўшилди. 1924 йил 23 ноябрда ХССР МИК ва 30 ноябрда Халқ Нозирлар Шўроси ўз фаолиятини тўхтатди.²

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, 1920 йилнинг апрели ва 1924 йилнинг ноябри оралиғида Бутун Хоразм Халқ вакиллари қурултойлари беш мартаба чақирилди. Қурултойларда республиканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига доир муҳим масалалар ҳамда жамиятни демократлаштириш борасида кўплаб ишлар қилинган. Лекин йўл қўйилган айрим камчиликлар ва совет ҳукуматининг доимий аралашуви Бутун Хоразм Халқ вакиллари қурултойларида кўтарилган муаммоларнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилди.

¹ История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов. — Т.: Фан, 1976. — С. 348.

² Ражабов Қ. Хоразм Халқ Совет Республикаси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.9. — Т.: ЎЗМЭ, 2005. 484—485-бетлар.

XX асрнинг 20—30-йилларида совет ҳокимияти миллий сиёсатининг айрим томонлари

Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти ўрнатилгач, большевиклар партиясининг миллий сиёсати «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи»га қаратилиб, бу сиёсат большевиклар андозаси асосида амалга оширилди. Мазкур сиёсатнинг мақсади гўё миллатларнинг амалдаги тенгсизлигини тугатишдан иборат эди.

Аммо шу йиллар мобайнида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий камситилиши, бири-бири билан қадимдан қўшни, қардош, қариндош бўлиб яшаб келган ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқа миллат вакиллари муносабатларига нифоқ солиш, шу йўл билан улар устидан назоратни, мустамлакачилик сиёсатини янада кучайтириш чора-тадбирлари кўрилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган турли фонд материалларидан бир қанча маълумотлар олиш мумкин. Давлат органларидаги мутахассис ходимларни ўзбеклаштириш жараёни 1925 йил 1 августда 19%, 1926 йил 1 февралда 18%, 1927 йил 1 сентябрда 16,8%, 1928 йил 1 октябрда 12,4%, 1928 йил 1 ноябрда 13,1% ни ташкил қилган.

Бу ҳолатни республикадаги турли округлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Фарғона округида 1927 йил 1 сентябрда 43,4%, 1928 йил 1 мартда 27,8%, Хоразм округида 1927 йил 1 сентябрда 42,7%, 1929 йил 1 октябрда 23,7%, Хўжанд округида 1927 йил 1 сентябрда 38,4%, 1928 йил 1 октябрда 37,2% га тенг бўлган¹.

2005 йилда Москванинг РОССПЭН нашриётида чоп этилган, 1918—1933 йил воқеаларини ўз ичига олган «РКП(б) — ВКП(б) Марказий Комитети ва миллий масала» деб номланган ҳужжатлар тўпламида бир қанча маълумотлар келтирилган.

¹ЎЗР МДА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 5007-иш, 22-варақ.

Ана шу китобда 211-рақам билан Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси (ОГПУ)нинг Ўзбекистондаги сиёсий ҳолат ҳақида 1928 йил 31 майда «Ўзбек маърифатпарварларида шовинизмнинг шаклланиши ва ўсиши тўғрисида махфий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар ҳисоботи» берилган бўлиб, унда ўзбек миллий маърифатпарварларининг ўша вақтда республикада юзага келган сиёсий ҳолатдан норозиликлари яширин, зимдан кузатиш, ўрганиш ва уларга зарба бериш мақсадида баён қилинган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси МКнинг Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлиги қарори асосида миллий озчиликка мансуб болалар учун мактаблар ташкил этиш ва уларни ўз она тилларида ўқитиш қароридан: «Хўжанд, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида аҳолининг асосий қисми ўзбеклар ва тожик тилида сўзлашувчилар, балки тожик бўлмаганлар. Тожик тили уларнинг она тили бўлмай, фақат сўзлашув тилидир. 90% тожиклар ўзбек тилини яхши биладилар...»¹.

Худди шу манбада яна бир фикр келтирилади: «Бухорода иккита форс мактаби бор, тожик мактаби йўқ. Бу ҳолат тожик аҳолисининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Аҳоли қийинчиликлар билан тожиклар учун тожик тилида дарс олиб борувчи иккита тожик мактаб очишга эришди»².

Бу китобда ана шунга ўхшаш бир қанча маълумотлар мавжудки, большевиклар партияси Ўрта Осиё республикаларида мажбуран, халқнинг хоҳиш-иродасини эътиборга олмасдан, тазйиқ асосида ўзининг миллий сиёсатини амалга оширган, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш бора-сидаги ҳуқуқлари поймол қилинган.

«Правда Востока» газетасини 1932 йил 29 февралдаги 49-сонидан берилган мақолада 1923—1933 йилларда Ўзбекистон ССР МИҚ ҳузурида ташкил этилган «Давлат аппаратини ўзбеклаштириш» (кейинчалик «Давлат аппарати ва саноатни маҳаллийлаштириш») комиссиясининг Нарпай,

¹ ЦК РКП(б) — ВКП(б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918—1933 гг. Сборник документов. Составители: Л. С. Гатагова, Л. П. Кошелева, Л. А. Роговая. — М.: РОССПЭН, 2005. — С. 580.

² ЦК РКП(б) — ВКП(б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918—1933 гг. Сборник документов. — С. 582.

Эски Бухоро ва Карманада олиб борган сиёсати ҳақида маълумотлар баён қилинган.

1930 йилда Эски Бухоро районидаги райколхозсоюзда 26 нафар ўзбек миллатига мансуб ишчи-хизматчилар мавжуд бўлса, 1931 йилда уларнинг сони 20 нафарга тушган, аппарат таркиби 1930 йилдан 1931 йилгача 39 нафардан 45 нафарга етган².

Район савдосоюз аппаратида 1930 йилда 18 нафар ходим бўлиб, уларнинг 6 нафари ўзбек, 1 нафари миллий озчилик, 10 нафари рус ва татарлар эди. 1931 йилда аппарат таркиби 35 кишига кўпайса ҳам, ўзбек миллатига мансублар 5 нафарни, европаликлар 30 нафарни ташкил этган. Район матлуботсоюзда 30 нафар ходимдан фақат 3 нафари ўзбеклардан иборат бўлган.

Худди шундай ҳолатни Нарпай районида ҳам кузатиш мумкин. 1930 йилда Нарпай район ижроия қўмитасидаги 13 ходимдан 6 нафари ўзбек, 1 нафари миллий озчилик, 6 нафари рус, 1931 йилда 7 нафар ўзбек, 8 нафари русларни ташкил этган.

Эски Бухоро район ижроия қўмитаси ва район матлубот союздаги 12 раҳбар ходимларнинг 5 нафари ўзбек, қолганлари эса европаликлар, 20 нафар техник ходимларнинг ҳаммаси европаликлар, 17 нафар ташкилий-инструкторлик ва ўрта техник ходимлардан 10 нафари ўзбеклар ва миллий озчиликка мансуб бўлган².

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Миллий маърифатпарварлардан Ғози Юнусов таъкидлаб ўтганидек: «Биз ўзбекларни ҳайдашди, бутун чиновниклар ўрни сақланмоқда. Қачонки, ўзбекларнинг ўзи, ерсизликдан азият чекаётган бир вақтда бизнинг ўлкага Марказдан эркак ишчилар олиб келиш сиёсати биз ўзбеклар учун жуда зарарли. Энди ҳақиқий коммунист бўлиш қийин, ҳақиқат учун жазолашмоқдалар»³.

¹ В Нарпае, Старой Бухаре и Кермине забывают о нацполитике нашей партии // Правда Востока, № 49, 29 февраля 1932 г.

² В Нарпае, Старой Бухаре и Кермине забывают о нацполитике нашей партии // Правда Востока, № 49, 29 февраля 1932 г.

³ ЦК РКП(б) — ВКП(б) и национальный вопрос. Кн. 1. 1918—1933 гг. Сборник документов. — С.575.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ССРда совет ҳокимияти маҳаллий миллат вакиллари, миллий кадрларнинг меҳнат фаолиятида турли тазйиқлар, чеклашлар, камситишлар, зўравонликларга барҳам бермади. Маҳаллий миллат вакилларига нисбатан қўлланаётган ана шундай тазйиқларга қарши бош кўтариб чиққан миллий маърифатпарварлар Ватан хоини, халқ душмани сифатида жазоланди ва йўқ қилинди.

*Нодирбек ҲАМАЕВ,
Фарғона Давлат университети*

Даврий матбуот материалларида Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракат тарихи масаласининг ёритилиши

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихни холисона тарзда ёритиш имконияти туғилди. Ота-боболаримизнинг XX аср 20—30-йилларида озодлик, миллий мустақиллик учун кураши тарихини ўрганиш тарих фанининг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Бугунги кунда Туркистон тупроғида рўй берган совет режимига қарши қуроли ҳаракат тарихи¹ кенг ўрганилган масалалардан бири саналса-да, унинг манбашунослиги тўлиқ ёритилмаганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Хусусан, бу кураш тарихига оид энг муҳим манбалар даврий матбуот материаллари ҳисобланади. Ўша даврда чоп этилган газета ва журналларда қуроли ҳаракатни келтириб чиқарган омиллар, унинг бошланиши, ривожланиб бориши, хронологик ва географик чегараси, яқунлари ҳақидаги маълумотлар узлуксиз равишда бериб борилган.

Истиклолчилик ҳаракати вақтли матбуотда доимий равишда ёритиб борилди. Ҳаракатнинг бориши тўғрисида маҳаллий (масалан, «Улуғ Туркистон») ва совет ҳокимияти

¹ Қ а р а н г : Раджабов К.К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918—1924 гг.). Автореферат дисс... докт. ист. наук. — Т.: 2005.

томонидан нашр этилган газета («Туркистон», «Қизил байроқ», «Қизил Ўзбекистон», «Наша газета», «Бухоро ахбори», «Озод Бухоро», «По басмачу», «Инқилоб куёши», «Красная Фергана», «Красная звезда», «Правда Востока», «Туркестанская правда», «Фарғона» ва ҳ.к.)ларда жуда кўплаб материаллар чоп этилди. Бундан кўринадики, даврий матбуот истиқдолчилик ҳаракатини ёритишнинг муҳим манбаси ҳисобланади. Совет режимига қарши қуроли ҳаракат тарихига оид манбаларнинг бу турида ҳаракатнинг бошланиши ва ривожланиб бориши хусусидаги турли-туман мақолалар, хабар ва эълонлар мунтазам равишда нашр этиб борилган.

Совет режимига қарши қуроли ҳаракатнинг дастлабки даврида матбуот органлари унинг келиб чиқишини асосан Туркистоннинг ўзида юз берган сиёсий ва ижтимоий воқеалар билан боғлайди. Бу борадаги дастлабки маълумотлар истиқдолчилик ҳаракатининг илк кунларида Туркистонда ўз фаолиятини давом эттирган «Улуғ Туркистон» газетаси саҳифаларида келтирилади. Газетада ёзилишича, истиқдолчилик ҳаракати Мухторият мағлубиятидан сўнг вужудга келди ва бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланди¹.

Истиқдолчилик ҳаракатининг келиб чиқиши борасида ўша давр матбуотида салбий фикрлар билан бир қаторда анча тўғри фикрлар берилган материаллар ҳам эълон қилинган. Чунончи, Хўқанд ҳукуматининг қуроли кучлари енгилганидан кейин босмачи тўдалари Хўқанд бозорини бутунлай талаб, бутун музофотга тарқалдилар. Лекин улар ўзларини оддий босқинчи, ўғри деб билмасдан, Туркистон истиқдолининг ҳомийлари, деб атай бошладилар². Бу фикрлардан кўриниб турибдики, матбуот истиқдолчилик ҳаракатининг бошланиши билан боғлиқ ҳақиқатни тан олган ҳолатлар ҳам бўлган.

Матбуот яна совет режимига қарши қуроли ҳаракатнинг ривожланиши, қўрбошилар, улар фаолият кўрсатган ҳудудлар борасида ҳам ўзининг муносабатини билдириб борган. Бу ҳақда «Туркистон» газетасида кел-

¹ Улуғ Туркистон. 1918 йил 2 сентябрь.

² Туркистон. 1922 йил 7 ноябрь.

тирилган қуйидаги фикрлар диққатга сазовордир: «1918 йилда бир неча юз кишидан иборат босмачи фирқалари (тўдалари) ҳар қайда ҳукм сурардилар. Бундай катта фирқалар жуда кўп эди. 1918 йилнинг охирида улар бир марказга тўпланишга тиришиб кўрдилар. Хўқанд районида Эргаш, Марғилон томонда Муҳаммад Амин, Андижон томонида Маҳкам ҳожи, Ўш районида Холхўжа, Наманганда Омон полвон. Мана шу катта кучга эга бўлган фирқаларнинг барчаси босмачилар эди. Ушбу вақтда (1918—1920) керак сон ва керак вақшат жиҳатидан босмачилар тараққиётининг энг олий даражасига етган эдилар. Оч халқни ҳеч бир тафтишсиз таладилар, хотун-болаларни ўлдурдилар, халқни таладилар ва ҳоказолар. Мана шунча жабр-зулмга чидай олмасдан халқ бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга мажбур бўлди»¹.

Юқоридаги фикрларни билдирган Нурмат исмли шахс гарчи большевикларга хизмат қилган бўлса-да, Туркистонда совет ҳукумати томонидан амалга оширилган хунрезликларни айтиб, уларнинг ноҳақ эканлигини тан олган. Шўро ҳокимияти томонидан ўлкамизга юборилган, «Дашноқ-цутюн» номи остида ҳаракат қилган ҳақиқий босмачилар, талончилар истиқлолчиларга қарши кураш ишини бутун бошли туркий халқларни қиришдан, уларнинг мол-мулкларини талон-тарож қилишдан, хотин-қизларини хўрлашдан иборат деб тушунган ва шунга қатъий амал қилганлар. Демак, совет ҳукуматининг истиқлолчиларга қарши кураш жараёнида қатағонларга йўл қўйганлиги матбуот орқали аҳолига маълум қилинган, буни ҳукуматнинг ўзи ҳам тан олган.

Истиқлолчилик ҳаракати ривожланиб, кўрбошилар фаолиятининг кучайиши билан унга қарши матбуотнинг ҳам ҳужумлари ортиб борди. Яъни, даврий матбуот асосий эътиборни ҳаракатнинг салбий томонларини ёритишга қаратди. Газеталар бутун Туркистонга ёйилган советларга қарши ҳаракатнинг 1920—1924 йиллар мобайнидаги харитасини жуда аниқ ва тўлиқ акс эттирди. Бу даврда шўро ҳукумати «босмачилик»ни тугатиш учун сиёсий ўйинларни

¹ Ўша жойда.

йиғиштириб, қурол кучи ва зўрлик билан ҳаракат қилиш тўғрисидаги қатъий қарорга келди¹.

Истиқлолчилик ҳаракатининг 1921—1924 йиллар манзараси матбуотда акс этиб борар экан, халқнинг барча ижтимоий муаммоларига «босмачи»ларни айбдор деб билдилар. Газеталар саҳифаларида чоп этилган кўплаб маълумотлар истиқлолчиларга қарши келтирилган бўлса-да, улар оригиналиги ва ҳақиқатга анча яқинлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Масалан, «Туркистон» газетасида эълон қилинган материалларда 1920—1922 йилларда Фарғона водийсида юз берган қийинчиликлар шундай изоҳланади: «Фарғона музофотида 1917 йилдан бери босмачилар ҳаракати давом этадир. Фарғонанинг кўп қисми култепага айланди. Юртнинг хўжалиғи барбод қилинди. Фарғона завод-фабрикалари тўхтади. Ҳозир Фарғона халқи ишсизликдан оч-яланғоч ҳолда нон тилаб юрадир»². Ҳақиқатан ҳам айти шу пайтда Туркистонда советларга қарши қуролли ҳаракат ўзининг энг қизғин палласига кирган бўлиб, советлар билан олиб борилган кўплаб тўқнашувларда маҳаллий аҳоли ҳар томонлама зарар кўрган.

Матбуот саҳифаларида истиқлолчилик ҳаракатининг яқунларига доир объектив материаллар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Масалан, истиқлолчилик ҳаракати хўжалик танглигидан келиб чиққанлигини эътиборга олиб, Туркистоннинг ҳалокатли ҳолга келган жойларида хўжалик ишлари жиддий равишда йўлга қўйилмаса, бу ердаги совет ҳукуматининг халқ орасидаги обрўсига путур етади, дейилади «Туркистон» газетасида³.

Ўша пайтларда советларнинг истиқлолчиларга қарши курашда халққа моддий ёрдам бериб, унинг кўмагини олишга ҳаракат қилганлиги матбуотда ўз аксини топган. Большевиклар ҳам худди кўрбошилар сингари асосий ёрдамни халқдан олиш энг мақбул йўл эканлигини, агар халқ кўрбошиларни ортиқ қўлламайдиган бўлса, барибир

¹ Ражабов Қ.К. Туркистонда миллий муҳолифат ва истиқлолчилик ҳаракатининг кучайиши // Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т.: Шарқ, 2000. 195-бет.

² Туркистон. 1923 йил 10 июнь.

³ Туркистон. 1923 йил 22 июль.

бир кун келиб уларнинг сенишини билардилар. Шунинг учун ҳам Советлар халқ хўжалигини тиклашга, аҳолига моддий ёрдам кўрсатишга доир амалий ишларни бошлади. Матбуот саҳифаларида ёритилган хўжалик ишларида кўрилган чоралар қуйидагилардир:

1. Фарғонадаги 400000 га қадар очларга кўмак бериш;
2. Советлар томонига ўтган «босмачилар»га ер бериб, кўмак кўрсатиш;
3. Фарғона халқининг 30 фоизини ташкил қилгон ерсиз деҳқонларга ер тақсим қилиб бериш;
4. Деҳқонларнинг пахтачилик ва қишлоқ хўжалиги ишларини тезда йўлга қўйишлари учун уларга хизмат ҳайвонлари ҳамда экин асбоблари етказиб бериш;
5. Деҳқонларни уруғлик билан таъмин қилиш ва четдан уларга озуқа етказиб бериш;
6. Қишлоқ хўжалиги ишларини кенг йўлга қўйиб, деҳқонларни қишлоқ хўжалиги кооперативларига жалб қилиш;
7. Ерни суғориш тўғрисида ўйланган режани амалга қўйиб тугатиш¹.

Бундан ташқари совет ҳокимияти истиқлолчиликни тугатиш мақсадида яна қуйидаги ишларни амалга оширган:

- Уруш ҳаракатларида иштирок қилаётган қизил қўшинни моддий жиҳатдан таъминлаб, уларни халққа яқинлаштириш, миллийлаштириш.

- Фарғона вилоятидаги очларга кўмак бериш учун Россия ва Туркистонда кемалар яшаш ва улардан истиқлолчилик ҳаракатини йўқотишда фойдаланиш.

- Ушбу чораларнинг иқтисодий жиҳатдан яхши натижалар бергани каби, маънавий жиҳатдан ҳам жуда аҳамиятли эканлигини газета ва журналларда ёритиб бориш².

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 20—30-йиллари матбуоти истиқлолчилик ҳаракати масаласида сўл позицияда турди. Ўз маслагидан келиб чиқиб, узлуксиз равишда унга қарши курашди. Бу ғоявий курашнинг энг ёмон томони шу эдики, матбуот орқали чиқиш қилган

¹ Туркистон. 1923 йил 15 июль.

² Туркистон. 1923 йил 20 сентябрь.

шахсларнинг аксар қисми маҳаллий миллат вакиллари эди. Уларнинг ўз халқига, миллатига қарши мурожаатлари қабул қилинди ва совет ҳокимияти ўлкамизда муваффақиятга эриша бошлади. Бу борадаги маълумотлар эса асосан даврий матбуот саҳифаларида ўз аксини топди. Фикримизнинг яқуни сифатида шуни айтмоқчимизки, даврий матбуот ушбу муаззам ҳаракатнинг бориши, яқунлари ва оқибатлари ҳақида гарчи коммунистик мафкурага асосланиб ёндашган бўлса-да, ҳаракат тарихига оид энг муҳим ва асосий манбалардан бири бўлиб қолди. Уларни илмий муомалага киритиш, маълумотларни архив ҳужжатлари ва бошқа илмий асарлар маълумотлари билан солиштириш Туркистонда совет режимига қарши рўй берган қуроли ҳаракат тарихи манбашунослигининг мукаммаллашишига имкон беради.

*Дурбек МЎМИНОВ,
Андижон Давлат университети*

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида қизил армияга қарши курашнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Қизил армиянинг босқинчилик ва талончилик сиёсатига қарши Бухорода кўтарилган қуроли ҳаракат большевиклар томонидан «босмачилик ҳаракати» тарзида, ҳаракатнинг қуроли иштирокчилари эса «босмачилар» деб талқин қилинди. Совет ҳокимияти йилларида ҳаракат қатнашчилари бадном қилинди ва уларга қарши жамоатчилик фикри салбий тарзда шакллантирилди.

Аслида «босмачи» сўзи туркий «босмоқ» феълидан олинган бўлиб, муайян ҳудудни босиб олмоқ ва таламоқ деган маъноларни англатади. Ҳолбуки, қизил армияга қарши курашган ватанпарвар аجدодларимиз бировларнинг юртига бостириб киришмаган, уларнинг аҳолисини талашмаган ва ўлдиришмаган. Аксинча, улар Туркистон ва Бухорога бостириб кирган қизил аскарларга қарши ҳаёт-мамот жангларини олиб боришган эди.

«Босмачилик ҳаракати» ва «босмачи» сўзлари юрт мудофаачилари ва эрку имон ҳимоячиларини халққа ёмон кўрсатиб, бадном қилиш учун большевиклар томонидан аввал расмий ҳужжатларда, сўнгра даврий матбуот орқали муомалага киритилди ва кейинчалик Туркистон минтақасидаги маълум ҳарбий ҳаракатни ифодаловчи тарихий атамага айлантирилди. Аслида «босмачи» сўзи муайян ҳудудга ўзга юртдан бостириб кирган босқинчиларга нисбатан ишлатилса, мантиқий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади¹. Бундан ташқари, карвон йўлларида савдогарларни талаган турли ўғри ва қароқчиларни ҳам бу даврда «босмачилар» деб аташган.

Хорижда яшашга мажбур бўлган ватандошимиз Муҳаммад Мусо Туркистоний (1904—1991) ўзининг «Улуғ Туркистон фожиаси» асарининг «Босмачи» деган исм ҳақинда бир-икки сўз» фаслида бу атамани қуйидагича изоҳлаган:

«Бир вақтларда баъзи ёмон ниятлик безори йигитлар қўлига салоҳ тутиб, ёнига беш-олти ўғрини олиб, фурсатдан фойдаландилар. Ўқи йўқ, қадимий милтиқлари билан халқни қўрқитиб, молини олиб, юртни бесаранжом қилдилар. Уйларни, дўконларни босдилар. Бундоқ воқеалар дунё бўйича ҳар замонда, ҳар давлатда, ҳамма қавмда бўлиб келингандир. Ҳол ҳам мавжуддур. Шундоқ бебош беш-ўн кишилиқ ўғрилардан тўпланган ашқийёни босмачи деса бўладир. Бундоқ шайкани уддасидан чиқса бўладир.

Аммо элик ва олтмиш минг аскарлари ила мукаммал салоҳлик, қувватлик бир ўрдуга (қўшинга) эга бўлган Мухторият ҳукуматини қура билган миллий мужодала қаҳрамонларини босмачи демак ҳақсизликдур, ошкора душман сўзидир...

Айни замонда мужоҳидларни ҳам босмачи (разбойник) деб прупоғонда (пропаганда) қилдилар. Оврупо ва бошқа давлатлар совет матбуотидан олган хабарларини айнан нашр этдилар. Туркистон мужоҳидлари деб ёзиладурғон ерда газетларда, мажмуаларда босмачи деб ёзиб тарқатдилар.

¹ Туркистон минтақасида совет режимига қарши қаратилган қуроли ҳаракатнинг «босмачилик» эмас, балки истиқлолчилик ҳаракати эканлигини Ўзбекистон тарихи фанида илк марта тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов ўз асарларида асослаб берди.

Ҳолбуки, Туркистонда саккиз сана давом этган миллий мужодада даврида миллионлаб шаҳидлар берғон мужоҳидларимизнинг мисоли Анқарада чиққан миллий мужодада қахрамонларига ўхшатиладир»¹.

Муҳаммад Мусо Туркистоний ўз сўзларида ушбу атаманнинг икки муҳим жиҳатига эътибор қаратади. Биринчидан, «босмачи» деб халқ ўртасида кичик ўғри ва қароқчилар шайқаси (гуруҳи) айтилган. Бундай ўғри ва қароқчилар гуруҳлари ҳар қандай даврда, тузумда ва ҳокимиятда бўлиши мумкин. Иккинчидан, большевиклар ва қизил армияга қарши курашган 50 000—60 000 кишидан иборат қуролли кўшинни, миллий мужодада ҳаракати қатнашчиларини «босмачи» деб атамоқ қуруқ тухматдан бошқа нарса эмас.

«Босмачи» атамаси генезисига эътибор қаратишда яна бир жиҳатни ҳам четда қолдирмаслик лозимки, ҳаракат иштирокчиларининг ҳарбий амалиёти жараёнида йигитларни жасоратга чорлаб, ғайратлантирувчи ҳайқириғи «урҳа-ур», «ур-бас», «ур-бос», «басо-бас» каби сўзлардан иборат бўлган. Лақайларнинг ҳайқириғи «ур-бас» эканлиги, қўнғиротларники «бас-бас», манғитларники «бос-бос» ва бошқа ўзбек уруғлари ва туркий қавмларнинг жанговар ҳайқириқлари ҳам шунга ўхшаш эканлиги тарихий адабиётларда келтирилади. Мана шу ҳайқириқларга қараб қизил аскарлар ўз айғоқчилари орқали уларга қайси гуруҳ ҳужум қилганликларини билиб олишган². Ҳаракат қатнашчилари совет ҳокимияти вакиллари томонидан «босмачилар» деб аталишида муаммонинг шу жиҳатлари ҳам муайян роль ўйнаган.

Шарқий Бухоро ва Ўрта Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг моҳиятини кўрсатишда ўша даврга оид архив ҳужжатлари ва матбуот материаллари бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Ана шундай материаллардан бири Туркистон АССР МИКнинг IV Пленуми (1922 йил 18 июль, Тошкент)нинг стенографик ҳисоботи бўлиб, у Ўзбекистон МДА да сақ-

¹ Муҳаммад Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожиаси (ўзбек тилида араб имлоси билан). — Мадинаи Мунаввара, 1399 (милодий 1979). 16-бет.

² Қаранг: Джурабаев Г. Хуррамбек (Роман). — Т.: Госиздат Уз ССР, 1960. — С. 224.

ланади. Мазкур Пленумда Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Қайғисиз Отабоев «босмачилик» ҳаракати ҳақида махсус маъруза қилади. Совет ҳокимиятининг Туркистон АССРдаги раҳбарларидан бири, ҳукумат раиси ўз нутқида бу ҳаракат «босмачилик» эмаслигини таъкидлаб, уни халқ кўзғолони ҳисоблайди.

Қ. Отабоев ўз маърузасида Фарғона водийси, Самарқанд вилояти ва Хоразм воҳасидаги қуролли ҳаракатга тўхталиш билан бир қаторда Бухородаги ушбу жараёнлар хусусида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтади. Нотиқнинг фикрича, совет ҳокимияти ва большевиклар Бухоронинг ўзига хос шароитини ҳисобга олмасдан, бу ерда фақат қизил аскарлар кучи билан инқилобий ўзгаришларни зўравонларча амалга оширганлар:

«... Бухорода ҳам шарт-шароитни мутлақо билмаслигимиз яққол кўриниб турибди, ҳолбуки, бизнинг ана шу шароитда ишлашимизга тўғри келади. Биз қизил армиямизнинг кучи ёрдамида бундан икки йил аввал қарийб бутун Бухорони эгаллаган эдик, бизнинг икки йиллик бошқарувимиз мобайнида у ерда шу қадар ноқулай вазият вужудга келдики, натижада бутун Бухоро аҳли совет ҳокимиятига қарши кўз-ғала бошлади.

Бундан бир неча кун аввал мен Бухорода бўлдим ва ушбу қисқа муддатда шу нарсани аниқлаб етдимки, бу ерда ҳам биз ўзимизнинг уқувсиз сиёсатимиз билан аҳолининг ўзимизга қарши кўзғалишига сабаб бўлибмиз. Мисол тариқасида бир жуда ўринли далилни келтиришим мумкин. Бухоро инқилобининг моҳиятини тушунтирар экан, нотиқлар бизнинг инқилобимиз бошқа инқилоблардан шуниси билан фарқ қиладики, бу инқилоб фақат амиргагина эмас, айни пайтда Худога ҳам қарши қаратилган, деб жаврашяпти. Бу гапни шаҳри шариф ҳисобланган Бухорода, дин ғоят мустаҳкам ўрин олган, бутун турмуш тарзи тўлалигича диний асосга қурилган, аҳолиси ўта диндор ва мутаассиб ҳисобланган Бухорода айтишяпти! Табиийки, бу ҳолда биз бутун аҳолини ўзимизга қарши кўзғаймиз»⁴.

¹ ЎЗР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 90-иш, 328-варақ.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқий Бухоро ва Ўрта Бухорода қизил армияга қарши қаратилган озодлик кураши Туркистон халқлари миллий озодлик ҳаракати тарихида муҳим роль ўйнайди. Ҳаракат қатнашчилари кўп йиллар давомида большевикларга қарши ҳаёт-мамот жанглари олиб боришди. Шарқий Бухоронинг одам бориши қийин бўлган тоғолди районлари ва тоғ чўққиларида, Ўрта Бухоронинг дашту чўлларида жазирама иссиқ ва қаҳратон совуқда ватанпарварлар босқинчи қизил армияга қарши мардонавор курашдилар. Улар ўз Ватанларининг озодлиги учун жанг қилдилар ва халқнинг коммунистик ғоядан халос бўлиши учун интилдилар.

*Отабек НОРМАТОВ,
Тошкент Ирригация ва мелиорация
институту*

Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш даврида Сурхондарё округи

XX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёда совет ҳокимияти томонидан миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилганидан сўнг, Ўзбекистон ССР таркибида ташкил топган Сурхондарё вилоятида ҳам янги ҳокимиятнинг органлари тузилди ва фаолият олиб бора бошлади. Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан 1926 йил 29 сентябрда Сурхондарё вилояти ўрнида Сурхондарё округи ташкил қилинди.

Ўзбекистон ССРнинг районлаштириш комиссияси маълумотларига қараганда, 1926 йилда Сурхондарё округи фарбда Амударёнинг Қуйи Камар соҳилларидан то Туркманистон ССРнинг Кўкйўтал довоғигача, шимоли-шарқда Тожикистон АССР ва Қашқадарё округининг туташ чегаралари билан, Шимол ва Шарқ томонда тўлиқ Тожикистон АССР билан, Жанубда эса Афғонистон давлати (СССРнинг чегараси) билан чегараланган. Округнинг умумий майдони 17.780 квадрат верста (1,06 км га тенг масофа ўлчови)ни ташкил этган.

Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан 1926 йилда Сурхондарё округида қуйидаги 6 та район (туман) ташкил этилган: Сарийосиё, Бойсун, Денов, Шеробод, Жарқўрғон, Паттакесар районлари¹.

Манбалардаги маълумотларга қараганда, Сурхондарё округининг умумий аҳоли сони 264 863 киши бўлиб, уларнинг 13 110 нафари (5%) шаҳар аҳолиси, 251 753 нафари (95%) қишлоқ аҳолиси ҳисобланган. Округнинг шаҳар аҳолиси миқдор жиҳатидан республика округлари ичида охириги ўринда бўлган. Сурхондарё шаҳар аҳолиси республика жами шаҳар аҳолисининг 1,3 %ни ташкил этган. Округ бўйича аҳоли зичлиги 1 квадрат верстага 15 кишидан иборат бўлган².

Округ бўйича шаҳар ва шаҳар типидagi манзилларга қуйидагилар кирган: Шеробод, Бойсун, Дарбанд, Термиз, Юрчи ва Сарийосиё. Буларнинг ичида Термиз шаҳри қолганларига нисбатан анча барқарор ва ўша давр нуқтаи назаридан замонавий кўринишда бўлганлиги билан характерланади.

Аҳолининг миллий таркибига кўра, асосан, ўзбеклар 74,5% ни, тожиклар 20,2 % ни ва 3,8% ни туркманлар ташкил этган. Кўриниб турибдики, округ бўйича аҳолининг асосий қисми ўзбеклардан иборат бўлган. Фақат Бойсун туманида тожиклар (57,8%) ва Паттакесар туманида эса туркманлар (51,2%) кўпчиликни ташкил этишган³.

Сурхондарё округида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Округнинг умумий экин майдони 77 718 десятина (бир гектардан бироз камроқ ер ўлчов бирлиги) бўлиб, унинг ярми суғориладиган ва ярми лалмикор ерлар бўлган. Лалмикор ерларда асосан бугдой ва арпа етиштирилган, суғориладиган ерлардаги экинларнинг 60 % ини донли экинлар, 16,3 % ини пахта, 8,5 % ини ёғли экин, 6,5 % ини боғдорчилик, 4,9 % ини шоли, 3,6 % ини беда

¹ ЎзР МДА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 3402-иш, 319-варақ.

² ЎзР МДА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 3402-иш, 333-варақ.

³ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Изд. ЦК РУз, 1926. – С. 149.

⁴ Ўша манба. – С. 150.

экинлари ташкил этган⁴. Округ қишлоқ хўжалиги худудининг шарт-шароитидан келиб чиқиб, уч қисмга ажралганлигини кузатиш мумкин. Биринчиси тоғли худуд ҳисобланиб, округнинг учдан икки қисмини ташкил этган. Тоғли худудга Бойсун тумани, Денов туманининг шимолигарбий қисми, Сариосиё ва Шеробод туманлари кирган. Бу худуд аҳолиси ердан лалмикор усулда фойдаланишиб, асосан дон экинлари етиштиришган. Иккинчи худуд Сурхон воҳаси ва унинг атрофлари ҳисобланиб, унга Жарқўрғон тумани тўлалигича, Денов ва Сариосиё туманларининг жанубишарқий қисмлари ҳам кирган. Қишлоқ хўжалигининг бу худудларида суғорма деҳқончилик асосида шоликорлик ва пахтачилик йўлга қўйилган. Учинчи худуд Сурхон воҳасининг текисликлари ва Шеробод ариқлари атрофини эгаллаган. Бу худудларнинг табиий иқлими, шарт-шароитлари пахтачиликка мос келганлиги учун асосан пахта етиштирилган.

Чорвачилик соҳаси ҳам округда ўзига хос ўринга эга бўлган. Маълумотларга кўра, чорва молларининг умумий миқдори округ бўйича 477 197 бош ҳисобланиб, унинг 66% ини майда қорамоллар, 20,1% ини эса йирик қорамоллар ташкил этган¹. Айниқса, қорақўл қўйларини етиштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган. Округда қорақўл қўйлари жами чорва молларининг 20,5% ини ташкил этиши бунинг яққол мисоли бўла олади. Шунга қарамасдан, округда чорва молларини етиштириш, сотиш, айирбошлаш бошқа округларга нисбатан анча орқада қолганлигини статистик маълумотлардан кузатиш мумкин.

Округда йирик саноат унчалик ривожланмаган бўлсада, битта пахта тозалаш заводи, ёғ-мой ва ун ишлаб чиқарувчи корхона ва электр станция фаолият юритган. Бундан ташқари майда корхоналар: тегирмонлар, пойафзал устaxonалари, темирчилик ва чилангарлик устaxonалари ҳам аҳолига хизмат кўрсатган.

Сурхондарё округида тижорат ўзига хос равишда ташкил этилган эди. Округ худудида жами 20 та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқти-

¹ Ўша манба. — С. 151.

содий-сиёсий ҳолати, шарт-шароитидан келиб чиқиб, турлича бўлган.

Бозорларда, асосан, савдо-сотиқ ишлари ҳар ҳафтада икки марта, муайян кунларда амалга оширилиб, аҳоли эҳтиёжи учун хизмат қилган. Бозорларнинг ичида энг каттаси ва иқтисодий жиҳатдан кучлиси Паттакесар бозори ҳисобланган. Паттакесар бозорида божхона назорати орқали Афғонистон давлати билан ҳам олди-сотди алоқалари олиб борилган. Шеробод, Сариосиё, Юрчи ва Денов бозорлари туманлараро бозор саналса, Бойсун, Дарбанд ва Дашнобод бозорлари эса фақат ўз туманлари аҳолиси эҳтиёжлари учун хизмат кўрсатганлиги билан хусусиятланади. Умуман, округдаги бозорларнинг 8 таси иқтисодий жиҳатдан кучли ҳисобланиб, улар округ аҳолиси эҳтиёжининг 80 % ини таъминлаган.

Округ бўйича умумий савдо шохобчаларининг 13 таси давлатга қарашли, 10 таси тижорат ва 778 таси хусусий бўлган. Хусусий савдо шохобчаларининг аксарияти бозор кунлари фаолият юритган. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шохобчаларининг пул айланмаси 2 491 000 рублни ташкил этган бўлиб, унинг 425 000 рубли давлат шохобчаларига, 263 000 рубли тижорат шохобчаларига ва 1 803 000 рубли эса хусусий савдо шохобчалари ҳиссасига тўғри келган¹.

Сурхондарё округида фақат олди-сотди фаолияти билан шуғулланувчи савдо шохобчаларидан ташқари битта пахта сотиб олиш пункти (Термиз шаҳрида) ва турли маҳсулотларни қайта ишловчи 10 та пунктлар ҳам мавжуд бўлиб, улар округнинг асосий аҳоли манзилгоҳларида фаолият юритган.

Сурхондарё округи транспорт алоқалари тизимида темир йўллар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган. Округнинг жанубий қисми, яъни Паттакесар туманидан Калиф — Термиз йўналиши бўйича темир йўл ўтган бўлиб, бу йўл Сурхондарё округига Туркменистон ҳудуди орқали кириб келиб, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига ўтиб кетган.

¹ Ўша манба. — С. 19.

Округда Термиз, Новшаҳар ва Болдир темир йўл станциялари мавжуд бўлиб, унинг узунлиги 112 верстани ташкил этган¹. Бундан ташқари, округда марказий манзилларни бир-бири билан боғловчи ҳарбий йўл ҳам мавжуд бўлиб, бу йўл Дарбанд — Бойсун — Миршоди йўналиши бўйлаб Душанбе шаҳрига ўтиб кетган. Бу йўл Бойсун туманининг ўртасидан кесиб ўтган бўлиб, бутун Сурхондарё водийсининг асосий қишлоқларини ҳам бир-бири билан боғлаган. Округнинг айрим қисмлари бир-бири билан тоғ йўллари орқали ҳам боғланган.

Бу йилларда Сурхондарё округининг маъмурий маркази Шеробод шаҳри бўлиб, у иқтисодий ва географик жиҳатдан марказ ҳисобланмаса-да, кейинчалик муҳим темир йўл йўналишларини ўтказиш режалари ишлаб чиқилиб, бу режа Шеробод канали соҳили бўйлаб ўтиши режалаштирилган эди. Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан округдаги 21 та кент ва 76 та қишлоқ совети (шўролар) ўрнига 6 та туман ва 129 та қишлоқ совети, уларнинг 27 таси миллий кўринишдаги қишлоқ советлари, 21 таси тожиклар, 5 таси туркманлар ва 1 таси араблардан иборат қишлоқ советлари бўлса, бундан ташқари 84 та этник гуруҳлар (туркий уруғлар) номидаги қишлоқ советлари тузиш режалаштирилди ва бу режа кейинчалик амалга оширилди.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Сурхон воҳаси ўша даврда Ўзбекистон ССРда ўзига хос ўрин ва мавқега бой тарихий тажрибаларга эга бўлган воҳа ҳисобланган. Хуллас, Ўрта Осиёда районлаштириш ўтказилиши арафасида ва ўтказилган даврдаги Сурхондарё округининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳолатининг умумий жиҳатлари диққатга сазовордир. Хулоса қилиб айтганда, Сурхон воҳаси ўзининг қулай табиий шароити, унумдор тупроғи ва бошқа географик шароитлари билан Ўзбекистон ҳудудида илк шаҳар — давлат вужудга келган қадимий маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бу маданиятнинг излари XX аср бошларида ҳам сақланиб қолган эди.

¹ Ўша манба. — С. 154.

Бухоро воҳасида совет ҳокимиятининг қулоқлаштириш сиёсати ва мулкдорларнинг қатағон қилиниши

Совет ҳокимияти томонидан хусусий мулкни тугатиш ҳамда деҳқонлар қўлидаги ер ва бошқа кўчмас мулкларни тортиб олиш мақсадида 1921—1929 йилларда ижтимоий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар икки босқичда ўтказилиб, улар тарихга *Ўрта Осиёда ер-сув ислоҳоти* номи билан кирди.

Ўрта Осиёда ер-сув ислоҳотининг биринчи босқичи 1921—1922 йилларда Туркистон АССР ва Қозоғистон АССР ҳудудида ўтказилди. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг 1925—1929 йилларда ер-сув ислоҳотининг иккинчи босқичи амалга оширилди. Бу ислоҳот жойлардаги шарт-шароитлар ва тайёргарлик даражасига қараб яна уч босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич 1925—1926 йилларда Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларини қамраб олди. Иккинчи босқичда 1927 йилда Зарафшон вилояти (Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари)да ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Учинчи босқичда 1928—1929 йилларда Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм округларида ислоҳот амалга оширилди. Бойлар, йирик савдогарлар, уламолар ва бошқа мулкдорларнинг ерлари ва бутун мол-мулки бу даврда мусодара қилинган.

Бухоро воҳаси (ҳозирги Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳудуди)да ер-сув ислоҳоти асосан 1927 йили ўтказилган. Ушбу мўъжаз мақолада сўз Бухоро воҳасида совет ҳокимиятининг қулоқлаштириш сиёсати ва мулкдорларнинг қатағон қилиниши хусусида боради.

Ер-сув ислоҳотининг иккинчи босқичи биринчисидан фарқли ўлароқ катта ер эгалиги(расмий ҳужжатларда қулоқлар — муштумзўрлар)ни бутунлай чеклаш ва уларни синф сифатида тугатиш масаласини қўйди. «Аграр инқилоб»нинг

стратегия ва тактикаси Ўзбекистон компартиясининг 2-съезди (1925 йил ноябрь)да тасдиқланди¹. Бу босқич Ўзбекистонда, жумладан, Бухоро воҳасида ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1925 йил 2 декабрдаги «Сув ва сувни национализация қилиш тўғрисида» ва «Ер-сув ислоҳоти тўғрисида» декретлари билан бошланди.

Мазкур босқичда совет давлатининг бутун қудрати «қулоқ — бой унсурлар»га қарши курашга қаратилди. Ер-сув ислоҳотини амалга ошириш жараёни *қулоқлаштириш сиёсати*га уланиб кетди. Мустабид совет режими 1929—1933 йилларда бадавлат ва ўртаҳол деҳқонларни қишлоқ буржуазияси сифатида тугатиш сиёсатини, яъни қулоқлаштириш сиёсатини олиб борди.

Аслида Ўрта Осиёда ер-сув ислоҳоти ўтказилиши жараёнида қишлоқлардаги бадавлат хонадонларни «муштумзўр» («қулоқ») сифатида бадарға қилиш бошланган эди. Бу ислоҳот давридаёқ 28 000 йирик ва ўрта мулкдорларнинг хўжаликлари тугатилган ва уларнинг ерлари мусодара қилинган. Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш (коллективлаштириш) давридан бошлаб қулоқларни синф сифатида тугатишга жиддий тайёргарлик кўрди.

1928 йил 1 ноябрда Бухоро округи ижроия қўмитаси ҳузуридаги комиссия ўз мажлисида Бухоро округидан бадарға қилинадиган бой хўжаликлар масаласини кўриб чиққан. Бухоро вилояти давлат архивида мавжуд ҳужжатларда келтирилишича, Ҳасанов раислигида (котиб Ашрафий, аъзолар Ҳасанов, Акинтьев, Адинаев ва Вафо Хўжаев) бўлиб ўтган комиссия мажлисида Вафо Хўжаев Ромитан тумани ҳудудида комиссия олиб борган фаолият хусусида гапириб, туманнинг дашт ва чўл ҳудудидаги яйловларда мавжуд бўлган бой хўжаликларнинг чорвасини аниқ ҳисобга олишнинг иложи йўқлигини таъкидлайди. Қизилқум яйловларида машҳур бухоролик қоракўлчи бой Чориқулбой (1847—1934)нинг қоракўл қўйлари боқилган².

¹ Қаранг: Коммунистическая партия Узбекистана в революциях и решениях съездов и пленумов ЦК. В 4-х томах. Т.1. 1925—1937. — Т.: Узбекистан, 1987. — С. 28—34.

² Бухоро вилояти давлат архиви (Бухоро ВДА), И-1-жамғарма, 20-иш, 23-варақ.

Бухоро округи Ер ишлари бўлими фаолияти тўғрисида СССР ХКС ҳузуридаги Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси (ОГПУ)нинг Бухоро округи бўлими томонидан 1928 йил 28 февралда тайёрланган махсус маълумотномада бойлар қўлидан тортиб олинган ер ҳақида тўхтаб ўтилган¹.

1928 йилга тегишли бошқа бир ҳужжатда бухоролик 22 та машҳур бойнинг рўйхати келтирилади. Бу рўйхатда Чорикулбой Нафасов, Эшон Ҳакимхон Судур Султонов, Зубайт Хўжа Ҳусеинов, Курзабой оқсоқол Ҳурунов, Саид Кайвони Хўжа Аҳмад Хўжаев, Жўрабой оқсоқол Убайдуллаев, Ҳамро Умидов, Беги Ҳусеинов, Муҳаммадхўжа Ҳидоятлов, Мулла Ражаб Алимов, Авлиёкул амин Раҳмонбердиев, Жаббор Абдухолиқов, Сагат Полвон Мидияров, Чўли Ҳринов, Абдул Манат Пўлатов, Саидхўжа Бақоҳўжаев, Саид Муродхўжа Файзуллаев, Иброҳим Муродов, Нарзихўжа Абдул Саттор, Рўзи Қурбонов, Умархўжа Музаффаров, Солиқ Камолов² каби бойларнинг исми бўлиб, уларнинг барчаси совет ҳукумати томонидан қатағон қилинган. Бир ҳужжатда келтирилишича, Чорикулбой Нафасовнинг 45 кишилиқ катта хонадони 1928 йил 1 октябрда Бухородан Оренбургга сургун қилинган.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг «Ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқ хўжалиklarини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва ВКП(б) МК Ҳрта Осиё бюросининг «Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида»ги кўрсатмалари (1930 йил 26 январь) асосида Ўзбекистон Компартияси МК 1930 йил 17 февралда «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжалиklarини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган. Ўзбекистон ССРда қулоқ хўжалиklarини тугатиш кампанияси шу қарордан сўнг авж олган³.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1931 йил 1—6 августда қулоқ қилиш ва сургунга жўнатиш бўйича 25

¹ Бухоро ВДА, И-1-жамғарма, 20-иш, 33-варақ.

² Бухоро ВДА, И-1-жамғарма, 20-иш, 28-варақ.

³ Ражабов Қ. Ўзбекистон мустақил совет давлати таркибида (1925—1991 й.) // Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. — Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2006. 171—172-бетлар.

нафар масъул ходимлардан иборат ўз вакилларини республика туманларига, жумладан, Бухоро воҳасига жўнатди. Мирисҳоқов Вобкент туманига, Гоши Халилов Эски Бухоро туманига, Гончаров Янги Бухоро туманига, Обидова Бауман (Шофиркон) туманига, Монеев Ромитан туманига, Ҳамробоев Қоракўл туманига Тошкентдан махсус вакил қилиб юборилдилар¹.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Доимий вакиллиги раисининг ўринбосари, махфий-тезкор бошқармаси бошлиғи В.А. Каруцкийнинг 1931 йил 28 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби Лепа ва МК аъзоларига йўллаган «Қулоқ хўжалиklarини қўлга олиш ва сургун қилиш ишининг бориши тўғрисида қисқача ахборот»да Ўзбекистон ССРда, жумладан, Бухоро воҳасида қулоқ қилиш ва уларни сургунга жўнатиш операциясини ўтказиш тафсилотлари келтирилади.

1932 йили Бухоро тезкор округидан 906 та хўжалик (4704 нафар киши) қулоқ қилинган. Уларни туманлар бўйича қуйидагича тақсимлаш мумкин: Кармана туманидан 57 та хўжалик — 217 нафар киши, Гиждувон туманидан 92 хўжалик — 434 нафар киши, Бауман (Шофиркон) туманидан 79 хўжалик — 489 нафар киши, Янги Бухоро туманидан 68 хўжалик — 234 нафар киши, Эски Бухоро туманидан 114 та хўжалик — 524 нафар киши, Ромитан туманидан 140 хўжалик — 768 нафар киши, Вобкент туманидан 211 хўжалик — 1097 нафар киши, Қоракўл туманидан 145 хўжалик — 941 нафар киши².

«Қатағон қурбонлари» хотира китобининг Бухоро вилоятига бағишланган жилдида катта террорнинг фожиалари ҳамда 1937—1938 йилларда қатағон қилинган бухороликлар хусусида сўз боради. Бу китобда Бухоро шаҳри, Бухоро, Вобкент, Свердлов (ҳозирги Жондор), Когон, Ромитан, Бауман (ҳозирги Шофиркон), Қоракўл, Гиждувон

¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). — Т.: Шарқ, 2003. 191—192-бетлар.

² Ўша жойда, 302-бет.

туманларидан қатағон қилинган кишилар ҳақида маълумотлар келтирилади¹.

Архив ҳужжатларининг далолат беришича, 1937 йил 1—27 декабрда 3644 нафар ўзбекистонлик (улардан 411 нафари ҳозирги Бухоро вилоятидан) устидан ҳукм ўқилган. Улардан 392 киши ўлим жазосига, 2572 киши 10 йил, 644 киши 8 йил меҳнат тузатув лагерларига қamoқ жазосига ҳукм қилинган. Қamoққа олинганлардан 35 киши ҳибсдан озод қилинган, 1 киши эса тергов вақтида ўлган.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимияти томонидан Бухоро воҳасида қулоқлаштириш сиёсатининг ўтказилиши натижасида деҳқонлар ва мулкдор кишилар қатағон қилинди. Минглаб бегуноҳ одамлар қamoққа олинди, ўз туғилган жойларидан СССРнинг турли чекка ҳудудларига сургун қилинди. Қamoққа олинганларнинг кўпчилиги отиб ташланди. Қатағон қилинганлар қисмати ҳақида эса узоқ йиллар давомида сукут сақланди. Фақат Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қатағон қилинганлар фаолиятини ўрганиш ва уларнинг номларини оқлаш имконияти вужудга келди.

*Абдурахмон БОДИРОВ,
Самарқанд Давлат университети
ҳузуридаги 2-сон академик лицейи*

Самарқанд вилоятида хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш ва уларнинг таълимдаги иштирокига доир (1925—1941 йиллар)

Ўтган асрнинг 20-йиллари бошига келиб большевиклар Ўзбекистон ҳудудида ўзларининг советча таълим тизимини шакллантиришга киришди. Советлар Ўзбекистонда ўзларининг таълим тизимини яратишга киришар экан, аввал бу ердаги мураккаб вазиятни, маҳаллий халқ кайфиятини, руҳиятини, унинг ўзига хос миллий анъаналарини, исломий

¹ Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти). — Бухоро, 2009. 160-бет.

қадриятларини ҳисобга олиб, бу ерда бирмунча вақт эски ва жадид усулидаги мактаблар ёки мадрасаларнинг ишлашига қаршилиқ қилмади. Лекин 20-йилларнинг ўрталарига келиб халқимиз маънавий ҳаётининг бир қанча асрлар давомида узвий таркибий қисми бўлиб келган эски мактаб ва мадраса таълим-тарбия тизимини барҳам топтирди. Шу билан биргаликда совет ҳокимияти бу йилларда хотин-қизлар саводини чиқаришга катта эътибор берди. Уларнинг саводсизлигини тугатиш учун мактаблар, махсус курслар, техникумлар ташкил қилинди.

Самарқанд вилоятида ҳам хотин-қизлар ўртасида саводсизликни тугатиш ишлари 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кенг кўламда бошлаб юборилди. Вилоят халқ маорифи бўлими 1925 йилнинг қишида Самарқанд шаҳрининг эски қисмида мусулмон аёл ўқитувчиларини тайёрловчи 2 йиллик мактаб очишни режалаштиради. Ташкил этилган аёллар мактаби ва саводсизликни тугатиш мактаблари аёл ўқитувчиларни талаб қилар эди. Шу сабабли вилоятда қисқа муддатли ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари очилди. 1926 йилда бу курсда 60 киши ўқиди¹.

1925 йилнинг ёзига келиб, Самарқанд вилоятида хотин-қизлар учун 35 та саводсизликни тугатиш мактабларини очиш режалаштирилади².

1924—1925 ўқув йилида вилоят бўйича 5000 киши саводсизликни тугатиш мактабларини битириб чиқди. Бу пайтга келиб саводсизликни тугатиш мактабларига жалб қилинганлар 7000 кишидан ошиб кетди.

1925—1926 ўқув йилида эски шаҳар халқ маорифи бўлими 5 та I босқич мактабини очишни режалаштиради. Улардан 2 таси ўғил болалар, 1 таси маҳаллий яҳудийлар, 2 таси қизлар учун мўлжалланган эди³.

1926—1927 ўқув йилида вилоятда ўзбек хотин-қизлари учун 10 та янги саводсизликни тугатиш мактаблари очилиб,

¹ Рахимова М.Д. Деятельность Самаркандской областной партийной организации по ликвидации неграмотности среди женщин (1925—1927 гг.) // Труды СамГУ, новая серия, выпуск № 354. Самарканд, 1978, стр. 20.

² Правда Востока, 1925 года 27 мая.

³ Правда Востока, 1925 года 24 июля.

уларда 189 киши ўқитилди, умумий таълим мактаблари, 5 ойлик курсларда 100 киши, 1 йиллик курсларнинг 3 та гуруҳида 120 киши, медицина техникумида 45 киши тахсил олди.

1927—1928 ўқув йилида «озодликка чиққан» хотин-қизлар учун 12 та саводсизликни тугатиш мактаблари очилди. 1929 йилнинг 1 декабрига келиб, Самарқанд шаҳридаги I босқич мактаблари 2301 нафар ўзбек қизларини ва 2717 нафар тожик қизларини қамраб олган бўлса, Самарқанд вилояти бўйича 7474 ўзбек ва 1097 нафар тожик қизлари ўқитилди. Вилоятдаги II босқич мактабларида маҳаллий миллат вакилларида бўлган 2986 нафар қиз таълим олди¹.

1928—1929 ўқув йилида Самарқанд вилоятидаги 376 та мактабда 11304 киши ўқитилган бўлса, шундан 3773 нафари хотин-қизлар эди. 1929 йилда араб ёзувидан лотин графикасидаги ёзувга ўтилиши муносабати билан Самарқанд шаҳридаги 25 та ёрдамчи мактабда 911 нафар ўзбек, тожик ва маҳаллий яҳудий хотин-қизлар лотин графикасидаги ёзувни ўрганишди. Бундан ташқари вилоятда лотин графикасидаги ёзувни ўрганиш учун 695 киши ўқитилган бўлиб, шулардан 181 нафари хотин-қизлар эди.

1930—1931 ўқув йилида Самарқанд шаҳар жамоат, касаба уюшмаси ташкилотлари ва маданий-маърифий муассасалари ҳисобидан 25 та саводсизликни битириш курслари очилиб, уларда 817 киши, шу жумладан, 334 хотин-қиз ўқиди². Шу ўқув йилида I йиллик ўсмирлар мактабида 13—15 ёшдаги қизлардан шаҳарда 3838 нафар, қишлоқда 9149 нафари ўқиди. Шундай қилиб I йиллик ўсмирлар мактабида ўқиган 32366 кишидан, 12988 нафари қизлар эди³. Вилоятдаги чала саводлилар мактабида шу ўқув йилида шаҳардаги 65 та гуруҳда 1230 нафар, қишлоқдаги 319 та гуруҳда 5670 нафар қиз ўқиди.

¹ Нуриева В. Участие женщин Самаркандской области в культурном строительстве (1929—1932 гг.) // Труды СамГУ, новая серия, выпуск №331. Самарканд, 1977. — С. 23.

² Самарқанд тарихи. 2-жилд. Маъсул муҳаррир И. Мўминов. Т.: Фан, 1971, 144-бет.

³ Самарқанд ДА, 7-жамғарма, 1-рўйхат, 43-йиғма жилд, 13-варақ.

1932 йил бошида вилоятдаги 38 та умумий таълим мактабларида хотин-қизлар учун саводсизликни ва чаласаводлиликни тугатиш курслари очилди. Шу йили хотин-қизлар учун ҳаммаси бўлиб, 271 та саводсизликни ва чаласаводлиликни тугатиш мактаблари фаолият кўрсатди. Уларда 131 нафар хотин-қиз ўқитувчи ишлаган бўлиб, улар орасида М. Жўраева, К. Азизова, Д. Мавлянова, Х. Ниязова, М. Фузайлова ва бошқалар бор эди¹.

Бу даврда хотин-қизларни касб-хунар тармоқларига жалб қилиш ишлари кенг авж олди. Дастлаб хотин-қизлар орасидан саводсизликни битириш курслари ўқитувчилари, боғча, ясли тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари тайёрланди. Масалан, 1925—1926 ўқув йилида Самарқандда тожик аҳолиси ўртасида аёллар таълимини ошириш учун Тожик аёллар педагогика техникуми очилди².

Советлар синфий тамойилга амал қилиб, ташкил қилинган ўқув юртларига ишчи ва деҳқонларнинг киришини таъминлаганини қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин.

1930—1931 ўқув йилида Самарқанд хотин-қизлар билим юртини 30 нафар хотин-қиз битириб чиқди. Битирувчиларнинг ижтимоий таркибини олиб қарайдиган бўлсак, улардан 14 нафари ўртаҳол ва камбағал деҳқон, 10 таси хизматчилар, 4 таси косиблар, 2 таси ишчи қизлар эди. Шу ўқув йилида Самарқанддаги Ўзбекистон тиббиёт институтида 5 нафаргина ерли миллат хотин-қизларининг вакиллари ўқиган³.

1929 йилда Самарқанд Олий педагогика институтининг 35 нафар биринчи битирувчилари орасида 3 нафар ўзбек аёли бор эди. (Р. Аҳмедова, М. Мадикова, З. Атауллаева). 1931 йилда 16 нафар хотин-қиз педакадемияни муваффақиятли битириб чиқди.

1930 йилда Самарқанд Олий педагогика институти қайта ташкил этилиб, Ўзбекистон Давлат педагогика академиясига айлантирилганидан кейин, шу йилнинг кузида бу олий

¹ Самарқанд ДА, 7- жамғарма, 2-рўйхат, 1-йиғма жилд, 8-варақ.

² *Ражабов С.* К истории советской школы в Узбекистане. Государственное учебно-педагогическое издательство УзССР, — Т.: 1957. — С. 40.

³ «Ленин йўли», 1931 йил 4 декабрь.

даргоҳга 117 нафар хотин-қиз ўқишга қабул қилинади¹. Бу олий ўқув юртининг биринчи битирувчилари орасида Моҳира Мамлизода, Раҳима Умарова, Марям Рустамова, Манзура Собирова (Ойдин), Робия Ахмедова, Мавжуда Алихўжаева, Мақсуда Қосимхўжаевалар бор эди².

1934—1935 ўқув йилида Самарқанд шаҳридаги ўрта-махсус ўқув юртлари ва курслари ҳамда олий ўқув юртларида 300 дан зиёд хотин-қизлар ўқиди. 1936 йилнинг февралда Ўзбекистон Давлат университетида маҳаллий миллат хотин-қизлари учун тайёрлов курслари очилди.

Бироқ, Самарқанд вилоятида 1925—1941 йиллар давомида халқ таълими мактаблари сони ортиб борса-да, мактаб ёшидаги болаларнинг бир қисми ўқишга тортилмай қолди. Кўпгина мактабларда ўқишнинг савияси талабга жавоб бермас эди. Бу пайтда фаолият юритаётган мактабларнинг моддий аҳволи яхши эмас эди, уларнинг ўқув-моддий базаси эса ночор аҳволда бўлган.

*Гавҳар МЎМИНОВА,
Қарши Давлат университети*

Ўзбекистонда совет даврида соғлиқни сақлаш тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муаммолари

Муайян давлатда ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий соҳалар ривожланиши, аввало, унинг моддий таъминоти билан чамбарчас боғлиқдир. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳаси давлат сиёсатининг марказий йўналишларидан бири сифатида, доимий равишда моддий-техника базасини мустаҳкамлаб боришни талаб этади.

¹ Бегматова С.Д. К вопросу о деятельности Компартии Узбекистана по подготовке и воспитанию руководящих женских кадров (1925—1937 гг.) // Труды СамГУ, новая серия, выпуск № 274. Самарканд, 1975. — С. 38.

² Самарқанд тарихи. 2-жилд. Масъул муҳаррир И. Мўминов. Т., Фан, 1971, 149-бет.

Совет даври соғлиқни сақлаш соҳаси моддий таъминоти масаласи бир қатор муаллифларнинг рисола, монография ва диссертация ишларида ўз аксини топди. Р.С. Сағатов, Б.Д. Петров, А.А. Қодиров, М.Н. Маҳмудова ва Э.В. Раҳимовларнинг тадқиқотларида соҳа моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида давлат томонидан олиб борилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари ҳақида маълумотлар умумлаштирилди.

Совет давлатида мазкур соҳа фаолиятини йўлга қўйиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. СССР даволаш ўринлари, шифокорлар сони ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келиши бўйича дунёда энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаган бўлса-да, аммо тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифати ривожланган мамлакатлардан анча орқада қолди.

Соғлиқни сақлаш тармоғини ривожлантиришда ишнинг сифатига зарар бўлса ҳам миқдор кўрсаткичи кетидан қувишга берилиб кетилди. Даволаш муассасалари ва ўринларининг экстенсив ривожлантирилиши бюджет сарфи билан боғлиқ эди. Натижада 70 фоиз шифохоналар мослаштирилмаган ва ҳеч бир қулайликларга эга бўлмаган биноларга жойлаштирилди. Ўзбекистон ССРда соғлиқни сақлаш муассасалари қурилишига масъул ташкилотлар томонидан касалхона ва поликлиникаларни ишга тушириш давлат режасини қандай қилиб бўлмасин таъминлаш мақсадида, ўзига хос қўшиб ёзиш йўлидан бориб, ётоқхоналар, уй-жой биноларида ва шу каби қулайлиги бўлмаган, даволаш талаблари, санитария меъёрларига жавоб бермайдиган биноларда касалхоналар ташкил этилди.

Натижада даволаш муассасалари санитария қоидаларига хилоф равишда йилига 320—340 кун ўрнига 299 кун фаолият кўрсатди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, бир даволаш ўрнига 12—18 метр² майдон белгиланган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 3—3,5 метр² га тенг бўлган¹.

Соғлиқни сақлаш соҳасида бинолар қурилишини режалаштиришда пала-партиш иш олиб борилди. Лойиҳалаш чоғида ҳудудларнинг иқлим шароитлари ҳисобга олинмади.

¹ Тиббиётимизнинг бугуни ва истиқболи // Сихат-саломатлик. 1994. 4—5—6-сон, 3-бет.

1966 йил 29 сентябрда Ўзбекистон ССР ҳукуматининг навбатдаги йиғилишида тиббий хизмат муассасалари қурилиши ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, олиб борилаётган ишлар қониқарсиз, деб топилди. Масалан, 1966—1967 йилларда Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш муассасалари қурилишига ажратилган маблағдан 865,0 минг рубли турли сабаблар туфайли ўзлаштирилмайди¹.

1967 йилда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси қурилиши учун 22,5 млн. рубль ажратилиб, шундан фақат 17,5 млн. рубли ўзлаштирилди ва режа 78 фоизга амалга оширилди². Айниқса, Тошкент шаҳрида бу борада аҳвол оғир бўлди. Шу йили режа бўйича 1243 ўринли даволаш-профилактика муассасалари қурилиши лозим бўлса, бор-йўғи 311 ўринли қурилиш ишлари амалга оширилади.

Қорақалпоғистон АССРда даволаш-профилактика муассасалари қурилиш режаси 1959 йили 52 фоизга, 1960 йил 69 фоизга, 1961 йилда 83 фоизга бажарилди. Шунингдек, Қорақалпоғистонда қишлоқ участка шифохонасининг ярми, фельдшер-акушерлик пунктларининг $\frac{2}{3}$ қисми мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган бўлиб, бу борада, айниқса Тахтақўпир, Кегейли, Қўнғирот туманларида аҳвол оғир эди.

XX асрнинг 60-йилларида Қорақалпоғистонда Республика шифохонасидан ташқари бирорга даволаш муассасасида марказий иситиш, водопровод ва канализация мавжуд эмас эди³.

Бундан ташқари, автоном республика аҳолисини тиббий кадрлар билан таъминлашда ҳам муаммо мавжуд эди. Қорақалпоғистонда ҳар 10000 аҳолига 7,5 та шифокор тўғри келиб, бу Ўзбекистондаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 2 марта кам эди.

1978 йилда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳаси қурилиши режаси 78,7 фоизга бажарилади. Яъни, режада кўрсатилган 12821 минг сўм ўрнига, 10094 минг сўмлик иш бажарилади¹. Бундай ҳолатнинг келиб чиқишига қурилишда меҳнат ресурсларининг етишмаслиги, керакли

¹ Қашқадарё вилояти давлат архиви, 193-жамғарма, 1-рўйхат, 266-иш, 122—123 varaқлар.

² ЎЗР МДА, 837-жамғарма, 41-рўйхат, 1391-иш, 248-варақ.

³ ЎЗР МДА, 837-жамғарма, 39-рўйхат, 1292-иш, 20-варақ.

қурилиш материалларининг етказиб берилмаганлиги, шунингдек, сифатли лойиҳа-смета ҳужжатларининг йўқлиги асосий сабаб қилиб кўрсатилди.

Республика қурилиш вазирлиги ва «Главташкентстрой» ташкилоти томонидан соғлиқни сақлаш соҳаси қурилишининг қурилиш-монтаж ишлари режаси фақат 66,2 фоизга бажарилади. Масалан, Тошкент шаҳрида 1978 йил фойдаланишга топширилиши лозим бўлган сил касаллиги илмий тадқиқот институтига қарашли 360 ўринли даволаш корпуси қурилиш режасининг 75 фоизи бажарилмайди. Бу бино қурилишини амалга ошираётган 153-трестга қарашли СУ-7 ташкилоти айби билан кунига ишлаши лозим бўлган 250 киши ўрнига 140 киши қурилишда ишлади. Шу йили даволаш муассасалари қурилиши режаси Бухоро вилоятида 53 фоиз, Сурхондарё вилоятида 74, Сирдарёда 10, Хоразм вилоятида 88,7, умуман соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйича 74 фоизга бажарилди². Шунингдек, Бухоро шаҳрида асаб касалликлари шифохонаси қурилиши 18 фоизга, стоматология поликлиникаси қурилиши 58 фоизга бажарилди³. Термиз шаҳрида болалар поликлиникаси қурилишига 80 минг сўм ажратилган бўлиб, шундан фақат 5 минг сўмлик иш бажарилди. Самарқанд шаҳар 2 туғруқхона биноси қурилиши 76 фоизга, Ангрен болалар шифохонаси қурилиши 82 фоизга бажарилди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиш режаси кейинги йилларда ҳам бажарилмай келди. 1981 йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиши учун 77530 минг сўм ажратилиб, шундан фақат 64780 минг сўми ўзлаштирилади ва режа 84 фоизга бажарилади.

XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш муассасаларини янги бинолар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. ЎЗСР соғлиқни сақлаш вазирлиги 1986 йили «1986—1990 йилларга мўлжалланган «Саломатлик дастури»ни ишлаб чиқди. Дастурда даволаш муассасаларини намунавий биноларга жойлаштириш ишига алоҳида эътибор берилди.

¹ ЎЗР МДА, 837-жамғарма, 41-рўйхат, 5024-иш, 88-варақ.

² ЎЗР МДА, 837-жамғарма, 41-рўйхат, 5024-иш, 86-варақ.

³ ЎЗР МДА, 837-жамғарма, 41-рўйхат, 5949-иш, 133-варақ.

Бироқ, дастур режаси Ўзбекистонда 75 фоиз, жанубий вилоятларда 70,8 фоиз бажарилган, холос¹.

«Саломатлик» дастурига мувофиқ Қашқадарё вилояти қишлоқ участка шифохоналари ва қишлоқ врачлик амбулаторияларида 120 та физиотерапия хонаси, 104 клиник-ташҳис хоналари ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, шундан 46 физиотерапия, 42 клиник-ташҳис хоналари очилди. Дастурда режалаштирилган қурилишлардан 1986—1990 йилларда Деҳқонобод ва Шеробод туманлари касалхоналарининг ҳар бирига 60 ўринли янги корпус, Шаҳрисабз ва Шўрчи марказий туман шифохоналарининг қўшимча биноси, Муборак туманида 250 ўринли касалхона ва 600 қатновли шифохона биноси, Шарғун шаҳарчасида янги шифохона, Ангор туман тиббий тез ёрдам станцияси биноси, Қарши шаҳрида тери-таносил касалликлари диспансери учун 150 ўринли бино қурилиши амалга оширилди.

Аммо, Қашқадарё вилояти бўйича дастурга киритилган 51 қишлоқ амбулаториясидан 19 таси, 84 та ФАПлардан 47 таси қурилмади². Қурилиш ишлари пала-партиш, юзаки олиб борилди. ЎзССР Халқ Назорати Қўмитаси комиссияси 1986 йил август ойида Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тармоғи идораларини текшириш жараёнида қурилиши чала битказилган биноларни аниқлади. Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси биноси тўла қуриб битказилмасдан фойдаланишга топширилганлиги ҳолатини жамоатчиликка маълум қилди³.

Хуллас, соғлиқни сақлаш соҳаси моддий-техника базасининг ночорлиги аҳоли саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Натижада, 1985 йил Ўзбекистонда ҳар 10 000 аҳолига қизамиқ билан касалланиш 7,9 кишини ташкил этган бўлса, 1990 йил 19,3 кишига етди. Республикада 1990 йилда оналар ўлими ҳар 100 минг аҳолига 73,3 киши, гўдаклар ўлими эса ҳар 1000 янги туғилган чақалоққа 34,5 нафарга тўғри келди⁴.

¹ Қашқадарьинская правда. 1991, 6 апрель.

² Қашқадарё вилояти давлат архиви, 193-жамғарма, 1-рўйхат, 1200 иш, 557 varaқ.

³ Ўша жойда. 193-жамғарма, 1-рўйхат, 1164-иш, 16—17-варақлар.

⁴ Здравоохранение в Республике Узбекистан. — Т.: 1994. — С. 103.

Глобаллашув жараёнларининг назарий-фалсафий масалалари

Дунёда кечаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий жараёнларни глобал воқеликлар — «глобаллашув», «глобаллашаётган дунё», «глобал маданият», «глобал ҳамжамият» каби атамалар билан боғлаш анъанага айланмоқда. Кейинги 30—40 йил ичида рўй берган умуминсоний, умумсайёравий ўзгаришларнинг кўлами шу даражада кенг ва шиддатлики, мутахассислар бугун глобал очиқ жамият ҳамда глобал давлат ёки ҳукумат ҳақида башорат қилмоқдалар. Демак, глобал воқеликлар энг аввало фалсафий тадқиқ этилиши, комплекс воқеликлар сифатида фалсафий-методологик асосланиши даркор. Нобель мукофотининг совриндори М. Гелл-Манн ёзганидек: «Биз рўй бераётган воқеаларни кенг кўламда жуда жиддий ва профессионал даражада умумлаштира оладиган кишиларга муҳтожмиз. Ушбу ёндашув юз-хотирга берилмаслиги даркор; содир бўлаётган нарсаларнинг барчасини қамраш мушкул, аммо реал скепсис зарур. Минг афсуски, технологияни, маданиятни ўрганувчи тор профессионаллар эътиборга тушмоқда, айни вақтда эса умумий тасвирни яратишга коктейл ичиш давридаги суҳбатга кетадиган вақт ажратилмоқда. Бу оқилона эмас. Биз нафақат тор профессионалларга, шу билан бирга бутун воқеликка умумий қарашни шакллантирувчи, турли кўрсаткичларни жамловчи кенг фикрловчи кишиларга ҳам эга бўлишимиз керак»¹.

Глобаллашув жараёнларининг даврий талқинлари ҳақидаги баҳсларга берилмасдан, кўпчилик тадқиқотчиларнинг глобаллашув XX асрнинг 70-йилларидан бошланди деган фикрдан келиб чиқсак, уларни бир-бирларининг мантиқий давоми ва ўзаро диалектик боғлиқлиги нуқтаи назаридан уч йўналишга ажратиб қараш, ўрганиш ва баҳолаш мумкин.

¹ Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. — М.: «Логос», 2002. — С. 6.

Биринчи йўналиш. Иккинчи жаҳон уруши, моҳиятан, ғайриинсоний, деструктив воқеа ҳисобланади, аммо у давлатлараро ва халқлараро интеграцияни, ҳамкорликни умумсайёравий поғонага кўтарди. Уруш сабоқлари ва ғолиб томонлар ўртасидаги халқаро битимларнинг, шартномаларнинг юзага келиши, БМТнинг ташкил этилиши глобал воқеликларни англанган даражада амалга ошириш имкони мавжудлигини кўрсатди. Иккинчи жаҳон уруши туфайли инсоният бошига тушган кулфатлар инсониятни уюшишга, умумсайёравий поғонада амал қилинадиган ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий нормаларни яратишга ундади. Бу аслида умумсайёравий ҳаётни онгли тарзда ташкил этиш ва инсонни, унинг ирқи, келиб чиқиши, жинси ва эътиқодидан қатъи назар, ижтимоий борлиқдаги олий қадрият эканини тан олиш эди.

Иккинчи йўналиш. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсоният ижтимоий, иқтисодий, экологик, демографик, технологик, геронтологик, ижтимоий-тиббий муаммоларга дуч кела бошладики, уларнинг аксарияти глобал аҳамият касб эта борди. Файласуф олим В.А. Алимасовнинг ёзишича, бугун инсоният 13 мингдан зиёд глобал инқирозларга рўпара турибди¹. Ушбу муаммоларни, инқирозларни айрим давлатлар алоҳида ҳал эта олмайди, улар ўз имкониятларини, кучларини бирлаштиришга, натижада умумий стандартлар, нормалар яратишга мажбурдир. Бу эса трансмилий корпорацияларнинг мақсадига ҳам мос тушади, уларнинг фаолиятини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам глобаллашув инқирозлар, унификациялашув, миллийликни бартараф этиш эмас, балки миллий давлатларнинг кенг интеграцияси, алоқаларининг натижалари, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ миллий иқтисодиётларнинг қўшилиши, бир-бирига яқинлашуви ҳамдир. Ушбу яқинлашув шунчаки интеграция, ҳамкорликнинг кенгайиши эмас, унинг негизида сифат жиҳатидан глобал воқеликнинг, янги тараққиёт парадигмасининг шаклланиши ётади.

Учинчи йўналиш. Ушбу йўналиш глобаллашувда силлиқ кечаётгани, яъни реал воқеликка айланаётгани йўқ. Унда

¹ *Алимасов В.А.* Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. – Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2006. 3-бет.

модернизм ва антимодернизм, неомодернизм ва постмодернизм каби жараёнлар яққол кўзга ташланади.

Модернизм оқими тарафдорлари Т. Парсонс, А. Инкелес, У. Ростоу, С. Айзенштадт, К. Кер каби тадқиқотчилар эди. Ўтган асрнинг 56—60-йилларидан бошлаб улар жамиятни модернизациялаш, бу борада энг аввало инсон ҳуқуқларини умумсайёравий қадрият сифатида тарғиб этишга, ғарбона демократияни, шахсинг ижодий эркинлигини, иқтисодни очиқ қилишга, сиёсий тузумларни демократлаштириш ва шу тариқа анъанавий жамиятларни ислоҳ этишга даъват этдилар. Илм-фан ва техникани улуглаб, айнан улар дунёдаги барча халқларни умумий нормалар, «умумий тил» яратишга олиб келади деб умид қилдилар. Ушбу қарашлар изсиз кетмади, масалан, анъанавий жамият ҳақидаги фикрлар ҳамон учраб туради. Лекин ушбу ёндашувда жамиятни анъанавий ва замонавий, яъни модернизациялашган кўри-нишларга бўлиш реал борлиқни етарли ифодаламас эди. Чунки ҳамма жамиятлар ҳам ушбу классификацияга мос тушмас эди. Айниқса, ривожланаётган жамиятлардаги ўзгаришлар анъанавий жамият назариясини боши берк кўчага киритиб қўйди. Бу эса антимодернизмни юзага келтирди.

Антимодернистлар (Б. Мур, И. Смелзер, Ж. Нетл, Р. Робертсон) маданий ранг-баранглик ғоясидан келиб чиқдилар. Улар қишлоқларда маданий ривожланиш содир бўлишини, энди Ғарб эмас, балки аграр маданиятларга қурилган Шарқ (Хитой, Ҳиндистон ва ўша пайтдаги СССР) тараққиёт бошига чиқиб олишини башорат қилдилар. Шу нуқтаи назардан улар етакчиликка интилаётган Ғарб индустриализминини ва индивидуализминини танқид қилдилар.

Постмодернизм дунёга объектив назар ташлашга интиди, у Ғарбнинг етакчи, глобал дунёни шакллантирувчи қитъа эканига шубҳа билан қаради. Постмодернистлар (М. Фуко, Д. Харви, Ж.Ф. Лиотар) умуминсоний қадриятлар, нормаларга таяндилар, ушбу қадриятларга универсал моҳият бахш этдилар. Шу тариқа асосий эътибор шахсга, унда универсал қадриятларнинг шаклланишига қаратилди. Лекин бу глобал жараёнларни идрок этишга, тушунтириб беришга қодир таълимотга айланолмади. СССРнинг Ғарб демократиясига яқинлашиши (XX асрнинг 80-йиллари) ва

охир натижада СССРнинг тарқалиши постмодернистларнинг универсал қадриятлар ва шахснинг ўзидан ўзи ривожланиши ҳақидаги фикрларини утопияга айлантирди.

«Совуқ уруш» даврининг тугаши ва Ғарб қадриятларининг кенг ёйилиши XX аср 90-йилларида неомодернистлар (М. Комдессю, М. Кантор, Т. Фридман ва б.)ни дунёда кечаётган жараёнларни «глобал ўзгаришлар» деб аташга ундади. Уларнинг фикрига кўра, Ғарб универсал қадриятлари, айниқса, бозор иқтисодиёти, оммавий маданият, коммуникация, янги технология миллий давлатларни яқинлашишга олиб келади, жаҳон иқтисодиёти шаклланади ва у жаҳон ҳукуматини, сиёсий институтини ҳосил қилади. Бу қандайдир ташқи таъйиқ остида амалга ошадиган воқелик эмас, иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, интеграция ҳеч бир миллатнинг, халқнинг, давлатнинг глобал жараёнлардан чеккада қолишига йўл қўймайди, бу кишилиқ жамиятлари, ирқлар яқинлашувининг тарихий тараққиёт яратган улкан имконидир¹.

Глобаллашув жараёнларининг етакчилари АҚШ, Германия ва Япония бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда улар сафидан Хитой ҳам жой олишга интиломоқда. Айнан Хитой давлати Осиё қитъасининг глобаллашувига туртки беради ва келажак тараққиёт энди Ғарб билан эмас, балки Осиё билан боғлиқ бўлади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Марказий Осиёдан тортиб Мексикагача Осиёнинг ҳаётий тажрибаси қарор топади ва глобаллашув марказини янги жуғрофий маконларга кўчиради. Хитой минтақада муҳим ўрин эгаллайди.

Ижтимоий-иқтисодий ва технологик ютуқларга қарамай глобаллашув жараёнлари қатор муаммоларни ҳам кун тартибига қўймоқдаки, инсониятнинг уларни ҳисобга олмай ва ҳал этмай тараққий этиши қийиндир. Бизнинг фикримизча, улар ичида қуйидаги муаммоларга эътибор қаратиш муҳим:

Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга миллий ёки локал (маҳаллий) воқелик деб қарашдан воз кечиб, уни глобал миқёсда ҳал этиш стратегиясини ва механизмларини ишлаб чиқиш даркор. Дунёдаги айрим давлатларнинг,

¹ Уткин А.И. Глобализация: процесс и осмысление. — М.: «Логос», 2002. — С. 54

айниқса, Жанубий Осиёдаги энди ривожланишга ўтган ва қашшоқ мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига глобал воқелик сифатида ёндашиш керак. Яратилётган бойликларнинг ярмидан кўпи АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида йиғилиб қолаётгани бошқа ўлка халқларини қашшоқликда, кун кўришига олиб келаётганини инкор қилиб бўлмайди. Тўғри, бозор иқтисодиёти ҳар кимнинг кучи ва салоҳиятига мувофиқ яшашини тақозо этади, рақобатни қўллаб-қувватлайди. Ғарб цивилизацияси «ким ўзди» принципига қурилган, ҳозир шаклланаётган демократик қадриятлар ҳам шахсдаги имкониятларни қўллаб-қувватлашни назарда тутади. Шундай вазиятда ғарбона қадриятлар умуминсоний нормаларнинг шаклланишига мос келмайди, демак, инсоният глобаллашувидаги позитив жиҳатларни қўллаб-қувватловчи янги тараққиёт парадигмасини яратиши зарур. Аммо ушбу парадигма инсондаги ўз кучини, салоҳиятини тўла намоён этишга, рўёбга чиқаришга бўлган интилишни сўндирмаслиги керак.

Иккинчидан, глобаллашув миллий-ҳуқуқий тизимларга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қарор топтириш жараёнларига таъсир этади. Ушбу таъсирнинг ижобий томонларига: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига умуминсоний қадриятлар сифатида қараш; халқаро иқтисодий ҳаётда эркин қатнашиш; трансмиллий корпорациялар фаолиятини бошқаришда иштирок этиш; сиёсий ҳуқуқларни халқаро Конвенциялар орқали рўёбга чиқариш; ижод қилиш ҳуқуқини халқаро миқёсда амалга ошириш; маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш; истаган мамлакатда яшаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш; истаган ахборотни олиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш кабилар киради.

Шу билан бирга глобаллашув муайян зиддиятларни ҳам келтириб чиқаради. Улар: миллий-ҳуқуқий тизимларни яратишда миллий-анъанавий нормаларни, одатий ҳуқуқни чеклашга; миллий давлатларни ўз халқининг менталитети ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан эмас, балки трансмиллий ташкилотлар манфаатларидан келиб чиқишга; миллий тараққиёт моделини умумсайёравий тараққиёт йўллари билан уйғунлаштириб боришга; миллий-маданий ҳаётда бизнес,

коммерция эҳтиёжларидан келиб чиқишга, натижада эса оммавий маданиятнинг тарқалишига; сиёсий институтлар ва тизимларни унификациялаштириш орқали миллий турмушдаги ранг-барангликни, плюрализмни сийқалаштиришга олиб келади. Бу ҳодисалар энди тарих саҳнасига чиқаётган ёш миллий давлатлар учун жиддий хавф уйғотади, яъни суверенитет, мустақиллик осонгина ёпиқ кўринишдаги қарамликка айланади. Шунинг учун ҳам глобаллашув ва миллий, локал, тарихий-маданий ўзига хосликлар ўртасидаги зиддиятлар чуқур таҳлил қилиниши даркор.

*Азиза АМИНОВА,
Навоийский Государственный
педагогический институт*

Исторический опыт решения социальных проблем в Республике Узбекистан в годы независимости

Избранный Узбекистаном в годы независимости собственный путь развития был направлен, прежде всего, на формирование социально-ориентированной рыночной экономики, в наибольшей мере отвечающей интересам, условиям и особенностям республики. Избрав только такой путь всестороннего развития можно было гарантировать достойную жизнь народа. Президент Узбекистана И. Каримов в своем докладе на первой сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан в марте 1995 года, указывая на необходимость разработки всеобъемлющей программы развития «Узбекистан в начале нового века», подчеркнул, что «В этой программе должны найти отражение сегодняшние и будущие интересы каждого нашего гражданина, каждого соотечественника»¹. А крылатое выражение Президента И. Каримова «в отношениях «человек-государство» приоритет должен принадлежать человеку» стало основопо-

¹ Каримов И. Основные принципы общественно-политического и экономического развития Узбекистана. — Т.: Узбекистан, 1995. — С. 6.

лагающей доминантой в социально-политическом и экономическом развитии нашего государства.

В первую очередь, необходимо отметить то, что при разработке и принятии законопроектов правительством страны во главе с Президентом И. Каримовым, учитывались начальные возможности населения страны, их знания, способности и умения вести работу при новых хозяйственных отношениях. Этим и объясняется закономерность появления в первые годы независимости ряда указов Президента И. Каримова о повышении размеров пенсий, стипендий и заработной платы работникам бюджетных организаций. Только в 1992 году учитывая рост цен, правительством Узбекистана было принято шесть постановлений об увеличении размеров заработной платы, пенсий и стипендий. На эти цели было затрачено более 150 млрд рублей, из них 85 млрд составляли бюджетные средства¹. В целом с периода достижения независимости ежегодно размер заработной платы увеличивался минимум по 2 раза в год.

Уже в первые годы независимости правительством Узбекистана принимаются ряд важных законопроектов, направленных на социальную защиту малоимущих слоев населения, согласно которым ветераны, инвалиды, работники народного образования и медицинского обслуживания получают ряд социальных льгот, в том числе и льготы на бесплатное приобретение квартир.

Приоритетным направлением социальной политики начального этапа экономических реформ было поддержание доходов граждан в связи с либерализацией цен и ростом инфляции, защита потребительского рынка республики. Система льгот при приобретении социальных инфраструктур, при приобретении земельных приусадебных участков, другие льготы позволили обеспечить равенство граждан при приобретении доли государственной собственности, оказать поддержку всем слоям населения.

Принятие Кабинетом Министров постановления «Об усилении социально-экономического развития Навоийской области в 1993—1995 годах и улучшения экологического

¹ См: *Каримов И.* Не сбиваясь, двигаться к великой цели. — Т.: Узбекистан, 1993. — С. 20.

состояния» явилась огромной поддержкой со стороны государства для области. Для социально-экономического развития области из государственного бюджета республики было выделено 21,8 млрд сумов, для местного бюджета 4,1 млрд. сумов, 4,5 млрд. сумов в качестве долга на капитальное строительство¹. И уже в 1993 году из местного бюджета области на выплату пенсий, стипендий, социальных пособий было выделено 1100 млн сумов. С апреля месяца этого же года инвалидам 1—2 группы, детям-инвалидам, многодетным семьям, участникам трудовых фронтов были введены льготы на выплату электроэнергии и природного газа на 50%, одиноким престарелым и малоимущим семьям выданы по 5 тыс. сумов на проведение в частных домах природного газа, 336 матерям-героиням, не недоработавшим стаж стали выделяться пенсионные выплаты и т.д. С 1 апреля 1993 года инвалидам 1—2 группы, детям-инвалидам, многодетным семьям, не имеющим кормильца, участникам ВОВ и трудовых фронтов были введены льготы на выплату электроэнергии и природного газа на 50%².

Кардинальные шаги в системе здравоохранения позволили расширить качественное медицинское обслуживание, повысить эффективность работы лечебно-профилактических центров. В отдаленных селах области были построены сельско-врачебные пункты, организован поезд медико-санитарной помощи. Это, в свою очередь, привело к расширению работы по патронажу и вакцинации детей, оказанию квалифицированной медицинской помощи. В несколько десятков раз была снижена детская и материнская смертность. Каждой категории граждан оказывается соответствующая медицинская помощь. Сегодня в Навоийской области функционируют 31 больница, 7 диспансеров, 182 амбулаторных поликлиник, 136 сельско-врачебных пункта, 12 сельских медицинских участков.

В стране стало успешно практиковаться обучение в специализированных школах. Например, если в 1991 г. в Узбекистане насчитывалось всего 799 специализированных школ, то в 1998 г. их число достигло 9143. Кроме того,

¹ Навоийский филиал ААПРУз, ф.1, оп.1, д.4, л.31.

² Навоийский филиал ААПРУз, ф.1, оп.1, д.30, л.26—27.

развитие получили новые формы школьного обучения. Так в 1998/99 учебном году система народного образования пополнилась академическими лицеями и профессиональными колледжами.

В соответствии с постановлениями Кабинета Министров Узбекистана от 29 октября 2003 года строительство средне-специальных профессиональных учебных заведений стали финансироваться из государственного бюджета и согласно данного постановления в Навоийской области на сегодняшний день построены и сданы в эксплуатацию 31 профессиональных колледжа, реконструированы 16, а также построены 4 лицея.

В годы независимости основные стратегические цели государства в социальной области были направлены, прежде всего, на улучшение качества жизни и благополучия семьи, каждого конкретного человека, раскрытия его возможностей и талантов, усиления социальной защиты семей, нуждающихся в поддержке, обеспечение надежных источников для защиты материнства и детства, для гармоничного развития подрастающего поколения, усиление заботы о старшем поколении, пенсионерах¹.

В годы независимости особое внимание уделяется обустройству и переустройству сельской местности, были разработаны программы по развитию социальной инфраструктуры села. Доказательством тому является принятие государственной программы «Год благоустройства и развитие села».

В Навоийской области на реализацию региональной программы года села были направлены средства на сумму 12,3 миллиона сумов. Были осуществлены капитальный ремонт 37 многоэтажных жилых домов в г. Кармана, Конимехском и Хатирчинском районах, строительство новых и реконструкция действующих газопроводов и водопроводов в сельских районах и т.д.².

На основании постановления Президента Республики от 3 августа 2009 года «О дополнительных мерах по расширению масштабов строительства жилья в сельской местности», в

¹ См: Хикматов А.Х. Узбекистан десять лет по пути формирования рыночной экономики. – Т.: Узбекистан, 2001. – С. 246–247.

² Знамя Дружбы, № 16, 20 марта 2009 г.

Навоийской области до конца года было предусмотрено строительство экспериментальных типовых поселков, рассчитанных на 154 семьи в кредит.

Таким образом, в годы независимости социальная политика в Узбекистане была возведена в ранг государственной политики и наряду с принятием законов и постановлений в этой сфере по инициативе Президента Узбекистана И. Каримова принимаются государственные программы, мобилизующие отдельные звенья структуры экономики на достижение общенациональных целей.

*Чори КУЧАРОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети*

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойили аввало мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашдан иборатдир. Бу борада мамлакатимиз миллий давлатчилик асосларини мустақамлаш, унинг халқаро миқёсдаги мавқеини ошириб бориш, глобал ва минтақавий муаммолар ечимидаги фаоллигини таъминлаш муҳим тарихий аҳамият касб этади. Мазкур тарихий жараён юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини жадаллаштириш билан бир қаторда унинг минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ўрнини белгилайдиган асосий шартлардан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётни қайта тиклаш, инсонпарвар демократик жамият қуриш ва ривожланган давлатлар қаторида бозор муносабатларига асосланган изчил ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни кенг даражада амалга оширишдек тамаддуний тараққиёт йўлини танлаган бўлиб, унда давлатлараро ўзаро тенгликка асосланган минтақавий муносабатларни шакллантириш, ташқи омиллар таъсирида юзага келаётган турли дунёвий характердаги муаммоларнинг олдини олишдек ҳаётий вазифаларни белгилаб олди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда аввало унинг бугунги стратегик аҳамиятга молик вазифалари, истиқболдаги мақсад ва интилишлари, барқарор мувозанатлашган халқаро муносабатлар замиридаги минтақавий интеграциялашув асосидаги ривожланиш тамойили энг долзарб масалалар саналади.

Хусусан, Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро иқтисодий, маданий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, халқларимиз ўртасидаги азалий тарихий қўшничилик, анъаналарни давом эттириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Ҳозирда, бир томондан, минтақа давлатлари интеграцияси тарихий заруриятга айланаётган бўлса, иккинчи томондан ички ва ташқи омиллар таъсирида унга монелик қилувчи маълум муаммолар келиб чиқаётганлигини кузатиш мумкин. Бундай ҳолатда минтақадаги ички масалаларни чуқур ўрганиш ва унинг ечими билан боғлиқ геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатлар таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг «Марказий Осиёдаги интеграцияни биз ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштарақлиги, сув ҳўжалиги ва энергетика объектларини биргаликда ишлатиш, энергия захиралари билан таъминлаш эҳтиёжи тақозо этган объектив зарурият деб ҳисоблаймиз. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларга эга бўлган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади»¹ —деб таъкидлаган сўзлари мамлакатимиз ташқи сиёсатида минтақавий интеграциянинг нақадар муҳим ўрин тутишлигидан далолат беради. Шу маънода, дунё мамлакатларининг глобаллашув ва минтақавийликка интилаётган ҳозирги шароитида минтақадаги мавжуд муаммоларни тамаддуний йўллар билан ҳал этиш, кескинликларни юмшатиш орқали интеграцион жараёнлар учун барқарор муносабатларни ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 257-бет.

Ўзбекистон халқаро муносабатлар субъекти сифатида глобал ва минтақавий хавфсизлик муаммолар ечимида ташаббускор сиёсат олиб бораётганлиги ва унинг ечимидан манфаатдор эканлиги фикримизнинг яққол далилидир. Хусусан, Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор давлат сифатида БМТнинг 2008 йил апрель ойидаги Бухарест саммитида «6+3» мулоқот гуруҳи тўғрисидаги муаммони сиёсий йўллар билан ҳал этиш таклифи дунё жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Жумладан, мамлакатимиз томонидан 2010 йилда Афғонистонга электр энергияси етказиб берилаётганлиги «Термиз — Хайратон — Мозори Шариф» темир йўли қурилиши бошлаб юборилганлиги мамлакатимиз потенциал имкониятлари сафарбар этилаётганлиги билан алоҳида эътиборга молик.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида ЕИ давлатлари, Яқин ва Ўрта Шарқ, Жанубий Осиё, Тинч океани минтақаси давлатлари билан олиб бораётган кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари асосий устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бугунги кунда ЕИ давлатлари, Жанубий Корея ва Япония билан олиб борилаётган савдо-иқтисодий ва инвестицион лойиҳалар ҳажмининг ошиб бораётганлиги, 2009 йилда ташқи инвестициялар 68 фоизга ошганлиги, ташқи савдонинг ижобий сальдоси 2,3 млрд доллардан кўпроқни ташкил этганлиги юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорликдаги барқарор сиёсати бугунги умумжаҳон иқтисодий инқирози жараёнида ва янги дунёвий ўзгаришлар содир бўлаётган айти бир шароитда минтақавийлик ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ҳам ўз ечимини кутаётган энг устувор вазифалар сирасига киради. Бу борада Ўзбекистон ва Қозоғистон геосиёсий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, унинг минтақавий ҳамкорликдаги мавқеини ошириш, минтақада эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этиш ва мамлакатлар иқтисодиётини интенсификация тараққиёт йўлига олиб ўтиш, минтақавий интеграциялашувнинг асосий йўналиш ва мезонларини белгилаш ва уни жадал суръатларда амалга ошириш борасидаги қадамлари давр тақозосига айланмоқда. Ўзбекис-

тоннинг минтақадаги ташқи сиёсати Президент И.А. Каримовнинг «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз. Биз интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият берамиз»¹, — деган сўзларида ўзининг ифодасини топган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида миллий ва минтақавий хавфсизлигини таъминлашда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама алоқалар ҳам алоҳида устуворликка эга. Бу борада БМТ, ЕХХТ, НАТО, ЕИ, ИКТ ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этади, аммо ҳозирги жаҳон сиёсий беқарорлиги, глобал даражадаги турли ўзгаришлар, табиий экстремал ҳолатлар ва турли таҳдидлар кечаётган бир шароитда ШХТ, ЕврАзЭС ва КХШТ каби минтақавий ташкилотлар билан кафолатли алоқаларни олиб бориш устуворлиги белгиланган. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури» доирасида 2009 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсганлиги, саноат ривожини 9 фоизга, иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажми эса 26 фоизга ошганлигини таъкидлаш жоиз². 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг устувор мақсадлари белгилаб олинди. Юқорида қайд этилган йўналишлар Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсати барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашга қаратилган муҳим вазифалардир.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 58—59-бетлар.

² Халқ сўзи, 2010 йил 27 январь.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим соҳасида туб ислоҳотларни ўтказиш жараёни

Кишилиқ жамиятининг истиқболини белгиловчи соҳалардан бири таълим-тарбиядир. Таълим давлат ва миллатнинг, жамиятнинг нуфузини, келажагини таъминлайдиган бирдан-бир омилдир. Республикамиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ана шу тамойилни ўз тараққиёт йўлининг ягона истиқболи деб билди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги яратувчанлик, аввало, миллий таълим-тарбиянинг ўзимизга хос ва мос андозалари негизида амалга оширила бошланган туб ислоҳотлар, халқимизнинг бой маънавияти ҳамда маърифатининг тикланиши, ўтмиш тарихимиз ва миллий меросимизнинг ўрганилиши давлат фаолиятининг бош ва ҳал қилувчи мақсадига айланди. «Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини шакллантириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда»¹, — деб таъкидлаган эди Президент И.А. Каримов.

Президент И.А. Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган нутқида даврга баҳо бериб, «унинг энг муҳим натижаси халқимизнинг танлаган йўлининг тўғрилигига, ўз мамлакатининг буюк келажагига ишончи ортиб бораётганидир»², деб алоҳида таъкидлаган эди.

¹ *Каримов И.А.* Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т., «Шарқ», 1998, 5-бет.

² *Каримов И.А.* Ўзбекистон Олий Кенгашининг VI сессиясида сўзлаган нутқи. «Ўзбекистон овози», 1996 йил, 31 август.

Мустақиллигимиз халқ таълими тизими ва унинг ходимлари зиммасига ёшларни мустақил фикрлашга, мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушунишга ўргатиш учун уларда Ватанимиз истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш, ўзининг ва ўз халқининг, Ватанининг кадр-қиммати, орномусини англаб, уни ҳимоя қилиш, юксак ғоялар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имконияти, керак бўлса, жонини юрт истиқболи учун бахшида этиш ҳисларини уйғотиш масъулиятини юклади. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида таълим соҳасида эришган барча ютуқларимизнинг асосида ана шу масъулият ҳисси асосий ролни ўйнади.

Республикаимизнинг ўз истиқлолига эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаши ёш авлод таълим-тарбияси тизимини, унинг мазмунини қайта ташкил этишни, юртимиз, халқимиз миллий хусусиятларига хос, жаҳон андозаларига мос кадрлар тайёрлаш тузилмасини йўлга қўйишни зарур қилиб қўйди.

1992 йил июлида Ўзбекистоннинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Унда таълим-тарбияда миллий ва умуминсоний кадриятлар, тарихий тажриба, халқимизнинг илмий ва маданий анъаналари ҳамда жамият ривожининг истиқболлари асос қилиб олинди.

Босқичма-босқич таълимга асосланган мактаб тизимини ривожлантиришда тараққий этган давлатлар тажрибасини ўрганишга ҳам муҳим эътибор қаратилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва таълим-тарбия борасидаги янги концепциялар асосида ўқув муассасалари фаолиятида янгиланиш жараёнлари кучайди.

Энди ўқувчи ёшлар онгига миллий маданиятимиз, халқимизнинг тарихи, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни тўлиқроқ сингдиришга, уларни бошқа халқлар маданиятига яқинлаштириш, уларда миллатлараро муносабатлар маданиятини, биргаликда фаолият кўрсатиш амалиёти кўникмаларини вужудга келтиришга асосий эътибор қаратилди.

Умумтаълим мактабларида она тилини ўқитишга муҳим эътиборнинг қаратилиши ва «Давлат тили ҳақида»ги Қонунини бажариш юзасидан олиб борилган ишлар

таълим-тарбия жараёни сифатининг янада ошишига туртки берди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида таълим муассасаларидаги ўқув жараёни янги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар асосида ташкил этилиб, уларда тарих, ҳуқуқ, иқтисод, одоб-ахлоқ таълимига кенг ўрин берила бошланди. «Иқтисод алифбоси», «Иқтисодий билим асослари», «Ҳуқуқ асослари» каби янги фанлар ўқитила бошланди.

1996—1997 ўқув йилидан бошлаб, биринчи синф ўқувчилари янги, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини ўргана бошладилар ва бу йўналишда муқобил дарсликлар ҳамда қўлланмалар тайёрланди.

Миллий мактаблар тизимини яратиш борасидаги ишларнинг таркибий қисми сифатида республикамизда яшаётган ва озчиликни ташкил этган миллатлар фарзандлари таълим-тарбиясига ҳам эътибор кучайтирилди.

Янги турдаги таълим муассасаларини ташкил қилишдан мақсад республикамизда таълим соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, ўқувчи — ўқитувчи муносабатларида миллий-маданий педагогика соҳасидаги бой тарихий, илмий-назарий ғояларни амалда синаш бўйича тажриба майдонлари яратиш ва натижаларни таълим-тарбия амалиётига кенг жорий қилишдан иборат бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида аксарият лицейларда ўқувчини илмга, илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш ҳам ижобий натижалар сирасидандир.¹

90-йилларнинг иккинчи ярмида республикамизда 9 мингдан ортиқ умумтаълим мактаблари ишлаб, уларда 5 миллионга яқин ўқувчи билим олди. Республика халқ таълими тизимида 399 мингга яқин педагог хизмат қилиб, уларнинг 73,8 фоизи олий, 4,8 фоизи тугалланмаган олий, 20,4 фоизи ўрта махсус педагогик маълумотга эга эдилар.²

Юртимиз истиқлоли ҳунар-техника таълими тараққиётида ҳам янги даврни бошлаб берди. «Таълим тўғри-

¹ ЎзР ХТВ УМББнинг жорий ҳужжатлари. 6-иш, 5-варақ.

² ЎзР ХТВ УМББнинг жорий ҳужжатлари. 1996 йилги маълумотнома.

сида»ги Қонун, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтиши ҳунар-техника таълими тизимини тубдан ўзгартиришга олиб келди.

1992 йилда ҳунар-техника таълимнинг мазмуни ва моҳиятини ўзгартириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси ҳунар-техника таълимини ривожлантириш концепцияси»¹, 1994 йилда эса «Ҳунар-техника таълимини ривожлантиришнинг 1994—1999 йилларга мўлжалланган дастури»² ҳам қабул қилинди.

Ҳунар билим юртлари моддий-техника базасида ҳам ўзгаришлар сезила бошланди. Уларнинг 40 фоизидан ортиғи комплекс биноларда фаолият кўрсатиб, 2 мингдан ортиқ фан кабинетлари, 3,8 минг мутахассислик хоналари, 837 та лаборатория, 1810 та устахоналар, 165 та ўқув хўжаликларига эга эди³. Таълим жараёнига ўқув ҳисоблаш техникалари, компьютерлар кириб кела бошлади. 1996 йилга келиб, ҳунар таълими муассасаларида 6000 га яқин синф комплектидаги компьютерлардан фойдалана бошладилар.

90-йилларнинг ўрталарида бу билим ва ҳунар масканларида 22 минг педагог, муҳандис-педагоглар фаолият кўрсатиб, уларнинг 6000 дан ортиғи умумтаълим фанлари ўқитувчилари, 3 мингдан ортиғи махсус ва умумтехника фанлари ўқитувчилари, 10 мингдан ортиғи эса ишлаб чиқариш усталари эдилар⁴.

Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида 1997 йил август ойида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг 9 сессияси «Таълим тўғриси»ги янги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилди⁵.

Қонунда фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асослари белгиланди, ҳар кимнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси ҳунар-техника таълимини ривожлантириш концепцияси. Тошкент, 1992 йил.

² Ҳунар-техника таълимини ривожлантиришнинг 1994—1999 йилларга мўлжалланган дастури. Тошкент, 1994 йил.

³ Ўзбекистон ҳунар-техника таълимини ривожлантиришнинг 1994—1999 йилларга мўлжалланган дастур. Тошкент, 1994 йил, 2-бет.

⁴ ЎЗР ХТВ нинг коллегия қарори. 1994 йил, 18 ноябрь, 12-1.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. Тошкент, 1997; 9-сон, 441-бет, 10—20-бетлар.

билим олишидан иборат конституциявий ҳуқуқлар таъминланди.

Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштиришдан иборат асосий тамойиллар белгилаб берилди.

Миллий таълим тизими босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши кўзда тутилди. Биринчи босқич вазифаларини 4 йил давомида (1997—2001 йиллар), иккинчи босқич вазифаларини 2001—2005 йилларда, учинчи босқич вазифаларини эса 2005 йилдан кейинги йилларда амалга ошириш белгилаб берилди.

Дастурнинг биринчи босқичи якунларига ва сифат босқичининг дастлабки натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, қисқа фурсатда мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг такомиллашиб, унинг мазмуни миллийлашиб, инсонпарварлашиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. 11 йиллик умумий таълим тизимидан 9 йиллик ўқув тизимига ўтилди. Унда ўқув фанларининг сони камайтирилиб, самара берадиган даражага етказилди. Умумтаълим дастурлари ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизими дастурлари билан ўзаро уйғунлашиб, узлуксиз таълим тизими ташкил этди.

Фарзандларимиз 9 йиллик таълимни тамомлаб, ўз хоҳиш-иродаси ва интилишига қараб икки турдаги уч йиллик ўқув юртларида — академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттириш имкониятларига, буларни тугатганлар эса олий ўқув муассасаларига киришда бир хил ҳуқуқларга эга бўлдилар.

Миллий моделimiz концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан ҳамнафасдир.

Миллий мактаблар учун ўқув-услубий мажмуини яратиш режасига биноан ўқув фанларидан замонавий педагогик, ахборот технологиялар ҳамда ДТСлари талабларига жавоб берадиган дарсликлар яратила бошланди. 1999—2000 ўқув йилида таълим етти тилда олиб бориладиган мактаб ўқувчиларига мўлжалланган 182 номда, 17,7 млн. нусхада, 2000—2001 йилларда эса 251 номда, 17,7 млн нусхада дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилди.

Миллий дастуримизнинг иккинчи сифат босқичида ҳам бу борадаги ишларга муҳим эътибор қаратилди. Икки босқичда ўтган тендерлар натижасида юқори рейтингга эришган 28 номдаги дарсликлар танлаб олинди.

Миллий дастур вазифаларидан бири бўлган комил инсонни тарбиялашга муҳим эътибор қаратилди.

Ёшлар онгида ғоявий бўшлиқ ҳосил бўлишига йўл қўймаслик, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва Ватанимиз равнақида хизмат қиладиган авлодни вояга етказиш, уларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш мақсадида мактабдан ташқари таълим ривожига ҳам катта эътибор берилди¹.

Миллий дастур вазифаларини амалга ошириш мактаблар моддий техника базасини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ эди. Шу боис давлатимиз мавжуд мактабларни замонавий таъмирлашга, янги мактаб бинолари қуришга, фан кабинетларини зарур анжомлар ҳамда компьютерлар билан таъминлашга ҳам катта эътибор бериб келмоқда.

1997—2001 йиллар давомида Республика бўйича жами 188 мингдан зиёд ўқувчига эга бўлган 51 та умумтаълим мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, биргина 2001—2002 ўқув йилида 44 минг 975 ўринга мўлжалланган янги мактаблар фойдаланишга топширилди. 2002 йилда умумий ўрта таълим мактаблари биноларини капитал таъмирлаш учун ҳукумат томонидан 5033,5 млн сўм ажратилди².

Давлатимизнинг, Президентимизнинг таълим соҳасига эътибори, таълим тизими давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги ва бу соҳада хорижий давлатлар билан ҳамкорликлар ўз самарасини бера бошлади. Республика мактаблари ўқувчиларининг хорижий мамлакатларда ўтказилаётган фан олимпиадаларида муваффақиятли иштироки, уларнинг жаҳон фан олимпиадаларида ғолиб бў-

¹ Қаранг. 2003—2004 ўқув йили Халқ таълими асосий кўрсаткичлари. — Т.: 2004, 37-бет.

² «Маърифат» 2003, 6-сентябрь.

лаётганликлари, республика фан олимпиадаси, халқаро фан олимпиадаси ва республика спартакиадаси ғолиблари олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилиниб, ўқиш ҳуқуқини қўлга киритаётганлиги фикримизнинг исботидир.

Миллий дастуримиз вазифаларининг амалга ошуви янгича ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими ривожида яққол кўзга ташланмоқда.

Фақатгина 1998—2000 йиллар мобайнида 160 минг ўқувчига мўлжалланган 47 та академик лицей ва 200 та касб-ҳунар коллежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди, ушбу мақсадлар учун давлат томонидан 135 млрд. сўм маблағ сарфланди¹. 2003 йилнинг ўзида 4825 ўринга мўлжалланган 6 та академик лицей ва 87680 ўқувчи ўринга мўлжалланган 130 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди².

Энг муҳими, қисқа фурсатда янги моделдаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўлга қўйилиб, унинг меъёрий ҳужжатлари, ҳуқуқий нормалари ишлаб чиқилди ва моддий-техника базаси яратилди. 1999 йилда янги турдаги 120 та касб-ҳунар коллежларига 26841 нафар, 366 та ҳунар билим юртларига 108910 нафар ёшлар, 2001 йилда эса касб-ҳунар коллежларига 83700 нафар, ҳунар билим юртларига 76460 нафар ўқувчилар ўқишга қабул қилинди³.

2004 йилга келиб 799 та касб-ҳунар коллежларида 658,4 минг ўқувчи, 54 академик лицейларда, 27,5 минг ўқувчи ҳамда 24 та лицей, лицей-интернатларда 6,6 минг ўқувчи таълим олди⁴.

Республикада ташкил этилган академик лицейлар ўз ҳажми ва ўринларига қараб, ҳар йили билимли ва иқтидорли ёшларни қабул қилиб, уларнинг фанлар сирларини чуқур

¹ ЎзР УМКХТМ Бошқарув кенгашининг 2001 йил март ойида бўлиб ўтган йиғилиши қарорлари. 1-варақ.

² ЎзР УМКХТМнинг 2003 йилда бажарилган ишлари ҳисоботи. 1-варақ.

³ Маълумотлар ЎзР УМКХТМнинг 1999, 2000, 2001 йилги ҳисоботларидан олинди.

⁴ ЎзР УМКХТМнинг 2003 йилда бажарилган ишлари ҳисоботи. 6-варақ.

ўрганишларига, чет тиллари, компьютер саводхонликларини оширишга хизмат қилмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари ҳам таълим-тарбия жараёнида ҳали ечимини кутаётган айрим муаммолар бўлишига қарамасдан, мамлакатимиз учун кичик мутахассислар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

2003 йилда 2572 нафар ўқувчи академик лицейларни, 25289 нафар ўқувчи эса касб-ҳунар коллежларни тугатди. Уларнинг тегишлича, 189 ва 1895 нафари имтиёзли диплом олиш шарафига муяссар бўлди. Академик лицейларнинг 70,1 % битирувчилари олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирдилар¹.

Айнан мана шу қалдирғочлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таъкидланганидек, замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бораётган, фан, таълимнинг нашриёт базаси ривожланаётган, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар яратиш тизими шаклланаётган ва ривожланаётган даврда таҳсил олиб, фанлар бўйича билим сирларини, касб-ҳунар малакаларини эгалладилар.

Қисқа муддатда таълимнинг янги моделини ҳаётга татбиқ эта бориш мустақил фикрловчи эркин шахсларимизнинг кўпайишида, потенциал кучларимизни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу боис бугунги кунда олдимизга қўйган асосий вазифа — фуқаролик жамиятини барпо этиш ва уни такомиллаштириш мақсадида миллий дастурда кўзда тутилган билимли, онгли, тафаккури озод, замонавий дунёқарашли, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ инсонларни тарбиялашга янада муҳим эътибор қаратилмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида яратилган ва амалга оширилаётган янги таълим модели ва ундаги янги ўрта таълим, ўрта махсус,

¹ ЎЗР УМКХТМнинг 2003 йилда бажарилган ишлари хисоботи. 6-варақ.

касб-хунар таълими тизими айнан мана шу мақсадга эришиш йўлида ўзининг таълим ва тарбиявий жараёнини шакллантириб ва ривожлантириб бормоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг нафақат халқ таълими, балки ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, яъни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида содир бўлган инсонпарвар туб ислоҳотларнинг самаралари оламшумул аҳамиятга эга эканлиги 2010 йил 4 майда Президент И.А. Каримов томонидан Осиё Тараққиёт Банки Бошқарувчилар Кенгашининг 43 йиллик мажлисида, дунёнинг 67 мамлакатларидан келган қатнашчилар анжуманида қилинган нутқда намоён бўлди. Жумладан, Президентимиз Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилаётганини алоҳида таъкидлади: «Мамлакатимизда 1997 йилдан буён эски таълим тизимидан тўлиқ воз кечиб, 9 йиллик умумтаълим мактаблари ва уч йиллик касб-хунар коллежлари ҳамда лицейларни қамраб олган 12 йиллик бепул таълимни кўзда тутадиган Давлат дастури изчил амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда янги барпо этилган 1,5 мингдан ортиқ коллеж ва лицейларда 1 миллион 500 минг нафардан зиёд йигит-қиз ўрта техник ва гуманитар таълим олди, 2—3 мутахассисликка эга бўлди, хорижий тилларни, асосан инглиз тилини ўрганди. Буларнинг барчаси, кейинги йилларда таълим учун сарфланган харажатлар мамлакатимиз Давлат бюджетининг 37 % ошганини, соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган харажатлар билан бирга ҳисоблаганда, 50 % дан ортиқни ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон нақадар юксак малакали кадрлар ва инсон капитали салоҳиятига эга экани яққол намоён бўлади»¹.

¹«Халқ сўзи», 2010 йил, 4-май.

МУНДАРИЖА

Баркамол авлод интилишлари (Сўз боши ўрнида). (<i>Қ. Ражабов</i>)	3
Туркий амалдор Ўтг ва Панч ҳокими Деваштичнинг ўзаро мурасали бошқаруви (<i>А. Отахўжаев</i>)	5
Ал-Ҳужвирийнинг «Кашф-ул маҳжуб» асари — тасаввуф илмига оид муҳим манба (<i>З. Исақова</i>)	8
XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда этник жараёнлар (<i>С. Улашева</i>)	12
Махдуми Аъзам шажараси ҳақидаги маълумотлар (<i>Э. Зоиров</i>)	16
Муҳаммад Толиб ва унинг «Матлаб ут-толибин» асари (<i>Э. Миркомиллов</i>)	20
Қўқон хони Шоҳруҳбий хусусидаги маълумотлар (<i>Ш. Маҳмудов</i>)	23
Манғитлар уруғи тарихидан (<i>М. Раҳматов</i>)	27
Ўрта Осиёда рус-эрон чегараларининг ўрнатилиши тарихидан (XIX аср охирилари) (<i>Д. Ўроқов</i>)	30
Беҳбудий ҳақида мулоҳазалар (<i>Ф. Темиров</i>)	34
Совет тоталитар давлатчилигида инқилобий ғоя ва амалиётнинг тутган ўрни ва ўзаро алоқадорлиги (<i>М. Ҳайдаров</i>)	37
Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва эсерларнинг янги ҳукуматдаги фаолияти (<i>Б. Сафаров</i>)	42
Бухоро Халқ Совет Республикасида солиқ сиёсати (<i>М. Очилов</i>)	46
Волгабўйи очларига ёрдам (<i>Т. Нуриддинов</i>)	50
БХСРдаги қишлоқ хўжалиги муаммоларининг даврий матбуотда ёритилиши (<i>К. Раҳмонов</i>)	53
Хоразм Иқтисодий Кенгашининг ташкил топиши ва фаолияти (<i>А. Пардаев</i>)	57
Бутун Хоразм халқ вакиллари қурултойларининг материаллари — Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг муҳим манбаси (1920—1924 й.) (<i>Ҳ. Мўминов</i>)	61

XX аср 20—30-йиларида совет ҳокимияти миллий сиёсатининг айрим томонлари (<i>Ш. Давлатова</i>)	66
Даврий матбуот материалларида Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихи масаласининг ёритилиши (<i>Н. Ҳамаев</i>)	69
Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида қизил армияга қарши курашнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари (<i>Д. Мўминов</i>)	74
Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш даврида Сурхондарё округи (<i>О. Норматов</i>)	78
Бухоро воҳасида совет ҳокимиятининг қулоқлаштириш сиёсати ва мулкдорларнинг қатағон қилиниши (<i>О. Эргашев</i>)	83
Самарқанд вилоятида хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш ва уларни таълимдаги иштирокига доир (1925—1941 йиллар) (<i>А. Бодиров</i>)	87
Ўзбекистонда совет даврида соғлиқни сақлаш тизими моддий-техника базасини мустақкамлаш муаммолари (<i>Г. Мўминова</i>)	91
Глобаллашув жараёнларининг назарий-фалсафий масалалари (<i>Б. Қандов</i>)	96
Исторический опыт решения социальных проблем в Республики Узбекистан в годы независимости (<i>А. Аминова</i>)	101
Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари (<i>Ч. Кўчаров</i>)	105
Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим соҳасида туб ислохотларни ўтказиш жараёни (<i>М. Оқилов</i>)	109

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР НИГОҲИДА

(Ёш тарихчи олимларнинг илмий мақолалари тўплами)

Муҳаррир *А. Саъдуллаев*
Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуков*
Техник муҳаррир *У. Ким*
Мусаҳҳиҳлар: *С. Салохутдинова, Ҳ. Жўраев*
Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*
Матн терувчи *С. Ражабова*

Нашр лицензияси АИ 15.8, 14.08.09. Босишга рухсат
этилди 16.06.2010. Бичими 84×108^{1/32}.

«Таймс» гарнитурда офсет босма усулида босилди.

Шартли б.т. 6,30. Нашр. т. 6,37. Адади 2000 дона.

Буюртма № 10-234.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.